



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Al-Bayt

**Макроннинг бугун эшитаётганлари унга
берилган ҳақиқий жавоб эмас**

**Инша Аллоҳ яқинда пайғамбарлик минҳожи
асосидаги рошид Халифалик томонидан унга ўз
кўзлари билан кўрадиган ҳақиқий жавоб берилади**



Амирликлар, Саудия ва Миср
раҳнамолигидаги янги дин...
Саудиянинг Исломни ўзгар-
тиришдаги роли (2)

Уйғониш ва ҳазорий тик-
ланиш: Фарбдаги уйғониш
фалсафаси (2)

Консенсус демократия:
Янги инқирозлар ва
муаммолар (2)



410

Ўттиз бешинчи
йил чиқиши
Рабиулаввал 1442х
Ноябр 2020м

- Ливан 1000 лира
- Яман 30 риёл
- Туркия 1 доллар
- Покистон 1 доллар
- Австралия 2,5 доллар
- Америка 2,5 доллар
- Канада 2,5 доллар
- Германия 2,5 евро
- Швеция 15 крон
- Бельгия 1 евро
- Швейцария 2 франк
- Австрия 1 евро
- Дания 15 крон

Ушбу сонда

- Макроннинг бугун эшитаётганлари унга берилган ҳақиқий жавоб эмас, инша Аллоҳ яқинда пайғамбарлик минҳожидан асосидаги рошид Халифалик томонидан унга ўз кўзлари билан кўрадиган ҳақиқий жавоб берилади.....3
- Амирликлар, Саудия ва Миср раҳнамолигидаги янги дин... (2) Саудиянинг Ислонни ўзгартиришдаги роли7
- Консенсус демократия: Янги инқирозлар ва муаммолар (2)..... 16
- Уйғониш ва ҳазорий тикланиш: Фарбдаги уйғониш фалсафаси (2)..... 27
- Пайғамбар Муҳаммад ﷺ ва У зотга нозил қилинган энг сўнги мукамал шариат тўғрисида Таврот ва Инжилда келган башоратлар..... 34
- Файримусулмон инсофли муфаккир ва тадқиқотчилар Росулulloҳ ﷺ ҳақларида нима дейишган 48
- **Олам мусулмонлари хабарлари**..... 54
- **Қуръони Карим сўхбатида** 62
- **Жаннат боғлари:** Умматимнинг ҳар бири мағфират қилинади, гуноҳларини ошкор қилувчиларгина бундан мустасно 70
- Пайғамбар ﷺ ни таниб Ислонга кирган яҳудийлар 75
- Росулulloҳ ﷺ нинг пайғамбарлигини тан олган ва аммо Ислонга кирмаган яҳудийлар 79
- **Сўнги сўз:** «Шарли Эбдо» Пайғамбар ﷺ ни яна ҳақорат қилди, яна Ислон айбланди 83
- Эрон режимининг Озарбайжон-Арман можаросига нисбатан тутган позицияси Эрон бирлигига хавф солиши мумкин..... 84



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**МАКРОННИНГ БУГУН ЭШИТАЁТГАНЛАРИ УНГА
БЕРИЛГАН ҲАҚИҚИЙ ЖАВОБ ЭМАС
ИНША АЛЛОҲ ЯҚИНДА ПАЙҒАМБАРЛИК МИНҲОЖИ
АСОСИДАГИ РОШИД ХАЛИФАЛИК ТОМОНИДАН УНГА ЎЗ
КЎЗЛАРИ БИЛАН КЎРАДИГАН ҲАҚИҚИЙ ЖАВОБ
БЕРИЛАДИ**

2020 йил 2 октябрда Франция президенти Эммануэль Макрон нафақат Франциядаги, балки, бутун дунёдаги мусулмонларга қаратилган провокацион баёнотида «Ислом бугунги кунда бутун дунёда инқирозни бошдан кечираётган диндир, биз буни фақат ўз мамлакатимиздагина кўраётганимиз йўқ», деди. Кейин яна шундай қўшимча қилди: «Мавзўимиз моҳияти бўлган радикал исломда республика қонунларини четлаб ўтишга, бошқа қадриятлар билан параллел равишда қонун яратишга ва жамият учун бошқа тузумни ривожлантиришга қаратилган жамоат истаги мавжуд». Макрон ушбу истакни қарши курашиш лозим бўлган «сепаратизм», хусусан, «экстремистик исломчилик», деб атади. Исломдаги ушбу очиқ истак-хоҳишга қарши курашиш учун Макрон «Республика қадриятларини шубҳа остига қўйишда диндан фойдаланаётганларга қарши курашишга» қаратилган иш режасини ўртага ташлади. Елисей саройининг маълум қилишича, «бу таҳдидга қарши икки томонлама жавоб бериш лозим: бири қонун лойиҳаси орқали ҳимоя жавоби бўлса, иккинчиси ижобий жавоб бўлиб, республика ва унинг эркинлик ва тенглик билан боғлиқ қадриятларини тиклашда намоён бўлади». У келаси ойларда «имкониятлар тенглиги»ни тарғиб этиш учун «узоқроқ ва кучлироқ ҳаракат қилиш»га ваъда берди. Макрон Франция илмонийлигига асос бўлган ва 1905 йил қабул қилинган «черковни давлатдан ажратиш» қонунини кучайтириш ва унга ўзгартиш киритишни режалаштирмоқда.

Ушбу сатрларни ўқиган киши реал ҳазорат инқирозини Ислом эмас илмонийлик бошдан кечираётганига гувоҳ бўлади. Шунингдек, илмонийликнинг демократияси ҳам, ваҳший капитализми ҳам, айниқса, илмонийликнинг ўчоғи эканини даъво қилган Франция ҳам реал ҳазорат инқирозига учраганини

кўради. Макрон бўлса ҳазорат инқирозига Ислом учраганини мунофиқлик билан даъво қилмоқда. Франция фуқаролигини олган муслмонлар эса, бу илмоний тузумда кишини хотиржам қилувчи бирор мафкура ва ҳаётий йўлни кўрмадилар ҳамда унга қоришиб кетмадилар. Аксинча, унда ўзлари ва авлодлари учун хавф-хатарни кўрдилар, ўзлари яшаётган жамиятларни бузуқ, деб ҳисобладилар. Муслмонлар ўзларини сақлаб қолиш учун диний қадриятларини асраб-авайладилар ва фарзандларининг ўша бузуқ жамиятларга ассимиляция бўлишига (қоришиб кетишига) йўл қўймасликка ҳаракат қилдилар. Ҳатто бу билангина кифояланмай, келиб чиқишлари муслмон бўлмаган французларни Исломни қабул қилишга қаноатлантирдилар. Бу эса, Макронни яроқсиз мабдаси, қулаб бораётган ҳазорати муваффақиятсизликка учраганини ва унинг ожизлигини тан олиш ўрнига телбанамо баёнотлар бериб, Исломни айблашга ундади.

Франция жамиятида ўзлари айтаётган сепаратизмга мойиллик борлиги учун расмийлар ички бўлиниш ташвишини бошдан кечиришмоқда. Президентдан тортиб ҳукумат ва сенатгача шу ташвиш билан банд. Улар сепаратизмни ҳал қилиш ва фуқароларга илмонийликни зўрлаб юклаш учун кўплаб лойиҳа ва қонунлар ишлаб чиқишга уринишмоқда. Бу эса, мафкуравий абгорликдан ўзга нарса эмас. Франция сенати чиқарган қарорда бундай сўзлар келган: «Бугунги кунда исломий экстремизм кўплаб мамлакатларда реал ҳақиқатдир. Унинг тарафдорлари Франциядаги исломни ҳам экстремистик исломга айлантиришга уринишяпти... Кўплаб шаҳарларда сепаратизм ғояларини ёйишга ҳаракат қилишяпти... Исломий эстремизм янги қадриятларни ўрнатишга ва республика қадриятларини инкор этишга интилади...». Франция ташқи ишлар вазири Дарманен «сиёсий ислом республика учун қотил душмандир», деди.

Франция бошдан кечираётган ушбу воқелик, сиёсатчиларининг жиддий уринишлари ҳамда уларнинг бундай ёлғон ва тухматларга тўла баёнотлари Франция билан Европанинг ўз демократия ва илмонийлиги билан инқирозга учраганини кўрсатмоқда. Ҳатто уларнинг кўплаб муфаккирлари демократик ғояларга шубҳа билан қарайдиган, унинг муваффақиятсизлиги ва абгорлигига ақллари етиб, заволга юз тутажани тахмин қиладиган бўлиб қолишди. Баъзилари альтернатива Исломдир, дейишяпти ҳам. Бу ҳолни франциялик сиёсатчи расмийлар ҳаммадан ҳам кўпроқ тушунишмоқда.

Шунинг учун талвасага тушиб, ҳақиқатни ноҳақ қилиб кўрсатишяпти.

Макроннинг бу баёнотлари жуда кўп мусулмонларни қўзғаб юборди. Мусулмонлар Макронга қарши ўз ғазабларини сочишга ва Исломларини ҳимоя қилишга киришдилар. Уларнинг Исломга бўлган муҳаббатларидан отилиб чиқишларини Макрон бу даражада бўлади, деб ўйламаган эди. Улар ажойиб-чиройли реакция билдиришди. Ғарб ва Макрон ушбу оммавий қўзғалиш ва реакциялардан шунга амин бўлишдики, мусулмонларнинг ўртасига ҳар қанча сохта чегаралар тортишмасин, улар битта Умматни гавдалантиришда давом этадилар.

Бироқ бу ва бошқа реакциялар мусулмонларга қарши душманлик сиёсати олиб боришдан на Макронни тия олади, на бошқаларни. Фақат битта реакциягина уларни тийишга қодир. Яъни, бунинг учун мусулмонлар жавоб ҳар қанча кўп сонда бўлмасин, шахслар томонидан ва жамоалар томонидан эмас, балки фақат давлат томонидан бўлишини онгли равишда тушунмоқлари лозим. Масалан, Макрон Исломга қарши курашиш ва уни ёмонотлиқ қилиш учун ўз юртининг раҳбари сифатида баёнотлар беряпти, режалар тузаяпти, сиёсат олиб боряпти, у давлат сифатида ўз оммавий ахборот воситаларидан фойдаланяпти, Исломга давлат сифатида қарши курашишга қаратилган ташқи сиёсат ишлаб чиқяпти... Хўш, унинг шунча сиёсати, мақри ва куч-қудратини фақат мақолалар билан тўхтатиб қўйиш ва фикрлар билан тийиб қўйиш мумкинми?! Шубҳасиз, бу мақолалар ва фикрлар албатта керак. Чунки мусулмонлар ўз динларига қарши ҳамда Исломни ҳаётда ҳоким қилишга ҳаракат қилаётган онгли холис мусулмонга қарши қандай режалар тузилганини шу мақола ва фикрлар ёрдамида тушунадилар. Макроннинг экстремистлар, исломчилар, сепаратистлар дея мана шу онгли холис мусулмонларни назарда тутаётганини шу фикрлар орқали англайдилар. Бироқ ёлғиз бунинг ўзи етарли эмас. Балки жавоб тенгма-тенг бўлиши керак, давлатга давлат билан қарши туриш лозим. Худди султон Абдулҳамид иккинчи роҳимаҳуллоҳ қилган жавоб каби. Ўшанда у Исломни масхара қилиб ишланган спектаклнинг намойиш этилишини давлат сифатида тўхтатиб қўйган. Чунки Исломни кўра олмаслик қадимдан бор. Шунинг учун мусулмонларнинг ҳам ўз давлатлари бўлиши керак. Ўшанда «Вожибни адо этиш учун зарур бўлган нарса ҳам вожибдир», деган қоидага мувофиқ давлатлари билан жавоб қайтарадилар. Ҳа, мусулмонлар Ислом

давлатини барпо этмасалар, барчалари гуноҳкор бўладилар. Чунки давлат мусулмонлар ҳаётида Исломни тўла татбиқ этади, уларнинг иззат-шаънларини ҳимоя қилиб, дахлсиз ерларини мудофаа этади, динлари, Қуръонлари ва Росулларини ҳақорат қилганларни ва макр қилганларни тийиб қўяди. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿الَّذِينَ إِذَا مَكَتَهُمْ فِي الْأَرْضِ أَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ وَأَمَرُوا بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَوْا عَنِ الْمُنْكَرِ ۗ وَلِلَّهِ عَاقِبَةُ الْأُمُورِ﴾

«Уларни (яъни мусулмонларни) агар Биз ер юзига ғолиб қилсак – улар намозни барпо қиладилар, закотни адо этадилар, маъруфга буюриб, мункардан қайтарадилар. (Барча) ишларнинг оқибати Аллоҳнинг (измидадир)»[Ҳаж 41]

Ушбу оят тўғрисида «Ибн Касир» тафсирида бундай келади: «Саббоҳ ибн Савода Канди айтадики, мен Умар ибн Абдулазиздан бундай деганини эшитгандим:

﴿الَّذِينَ إِذَا مَكَتَهُمْ فِي الْأَرْضِ﴾

(Уларни агар ер юзига ғолиб қилсак)дан мурод фақат волий-раҳбаргина эмас, балки раҳбар ва унинг қўл остидагиларни ҳам ғолиб қилишдир. Сизларга бундан волийга ўз қўл остидагиларга нисбатан нима буюрилиши ва унинг қўл остидагиларга ўз волийларига нисбатан нима буюрилиши ҳақида хабар берайми?! Волий сизни Аллоҳнинг ҳақлари борасида айблашга, бир-бирларингиз билан бирлаштиришга ва қодир бўлганича сизни энг тўғри ишга йўллашга ҳаққи бор. Сизнинг зиммангизда эса, агар у шундай бошқарса, ҳаддан ошмаган ва ёмон кўрмаган ҳолда ҳамда сирларини ошкор этмаган ҳолда итоат қилиш юкланган. □

АМИРЛИКЛАР, САУДИЯ ВА МИСР РАҲНАМОЛИГИДАГИ ЯНГИ ДИН (2)

САУДИЯНИНГ ИСЛОМИНИ ЎЗГАРТИРИШДАГИ РОЛИ

Ҳомид Абдулазиз

Саудия режими ўзининг кўплаб мусулмон ўлкаларга ёйишга ҳаракат қилган ваҳҳобийлик ғояси ортига яшириниб, ўнлаб йиллардан бери мусулмонларга ўзини шариатга асосланган исломий режим сифатида тақдим этиб келди. Лекин Уммат фарзандларидан кўпчилиги унинг асл башарасини яхши билар эди. Шундай бўлса-да, у ўзининг бу асл башарасини – гарчи сиёсий режимнинг Исломга зидлиги яққол кўриниб турса-да – лекин жамиятда кенг тарқалган айрим диний кўринишлар ортига яширишга муваффақ бўлди. Бироқ, сўнгги йилларда бу режимда кескин ўзгариш, яъни, Саудия жамиятини суръат билан ғарблаштириш сари ҳаракат намоён бўлди ва бу нарса кўплаб кузатувчиларни ҳайрон қолдирди.

2017 йил 20 майда Трампнинг Саудия сафари ортидан бу режимда ўзгаришлар, баёноتلар ва позициялар кескин суратда кўзга ташлана бошлади. Бу унинг режимни тўлиқ ғарблаштириш ва илмонийлаштириш учун АҚШ чизиб берган режага итоат қилишида очиқ намоён бўлди. Дарҳақиқат, Саудия режими валиаҳд шаҳзода Муҳаммад ибн Найфни ҳокимиятдан четлатиб, ички ишлар вазири лавозимидан бўшатди ва 32 ёшли ёш шаҳзода Муҳаммад ибн Салмонни валиаҳд қилиб тайинлади. Ибн Салмон бундан олдин ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашни, ўзини ислохотчи ва ёшларнинг орзу-умиди сифатида тақдим этишни бошлаган. Саудия исломий ишлар, даъват ва иршод вазири шайх Абдуллатиф ибн Абдулазиз Оли Шайх 2020 йил 27 январда Қоҳирада фаолият бошлаган «исломий мафкурани янгилаш бўйича халқаро Азҳар конференция»да нутқ сўзлаб, бундай деди: «Саудия Арабистони диний хитобни янгилаш, мўътадиллик ва бағрикенглик тушунчаларини кенгайтириш, экстремистик хитоблар ва адашган ҳизбларга қарши курашишни ўзининг устувор вазифаларидан бирига айлантирди. Жумладан, ўғил-қизлардан иборат ёшларга ғамхўрлик қилиш, малакаларини ошириш, жамиятга таъсир ўтказишда асосий куч саналган иқтидорли ва қобилиятлиларига имкониятлар яратиб бериш ҳам ушбу устувор вазифалардан ҳисобланади».

Афтидан, Муҳаммад ибн Салмон модернизация бўйича Амирликларнинг моделини, яъни, идеология юкидан холи авторитар моделни ўзи учун энг қулай деб билмоқда. Саудия ҳолатида мамлакат елкасига оғир юк бўлиб тушаётган ва ғарбию шарқини қийин аҳволга солган ушбу ваҳҳобийлик идеологиясини бўлажак қирол денгизга улоқтириб ташлаб, илмонийлик ёки либерализмни даъво қилувчи авторитаризмни қабул қилмоқчи.

Дарҳақиқат, Муҳаммад ибн Салмон амри маъруф ҳайъатини кўнгилочар ҳайъатга айлантирди. Ушбу янги ҳайъатнинг юлдузи порлади ва Саудиянинг ўнлаб йиллик даврида амал қилиб келинган анъанавий одатларни парчалаб, концерт дастурлари ва театрлаштирилган намойишларни ташкиллаштирди. Бугунги кунда мамлакатнинг Риёз, Жидда ва Даммам шаҳарлари қатор араб ва хорижий кўшиқчи санъаткорларнинг қибласига айланди. Шунингдек, бу шаҳарлар кўплаб Голливуд юлдузлари ва машҳур эркин кураш чемпионларининг ҳам марказига айланди.

Бир томондан бебош ёшларни шошилиш модернизация қилиш кампаниялари олиб борилса, бошқа томондан Салмон Авда, Аваз Қарний ва Абдуллоҳ Моликий каби таниқли даъватчи шахсларни кенг кўламда қамоққа олиш кампанияси олиб борилди. Бу репрессив давлат остида содир этилаётган бундай қамоққа олишларни бирорта ҳам мезон билан ўлчаб бўлмайди. Бу режим бутун мамлакатни илмонийлик ботқоғига ғарқ қилиш сари жадал қадамлар билан кетаётган экан, ўз йўлига анави «консерватив» шайхлардан бирортасининг қарши чиқишини истамаяпти.

Ибн Салмон ўзининг улкан «Неом» (ақлли ва трансчегаравий туристик шаҳар) лойиҳасини эълон қилиш муносабати ўтказилган суҳбатда экстремизм тўғрисида берилган саволга «Саҳвани йўқ қилиш сари жиддий ҳаракат қиляпман», деди. Саҳва, деганда у ўтган асрнинг етмишинчи йиллари пайдо бўлган ҳамда молиявий ва фикрий жиҳатдан Саудия мамлақати томонидан қўллаб-қувватланган маърифий салафий ҳаракатни назарда тутмоқда. Ибн Салмоннинг ўз баёнотида Саҳвани йўқ қилмоқчилиги тўғрисида очик гапириши ўзининг золим менталитетини тан олаётганини англатади. Хусусан, бу кимса ўша пайтда «коррупцияга қарши кураш ҳайъати» тузаётган эди. Кейинчалик бу ҳайъат мамлакат тизимидаги иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий куч марказларини йўқ қилди.

Мана шундай кескинлик даврида ёш шаҳзода мамлакат хотин-қизларига ўтган ўнлаб йиллардан бери асосиз равишда ман қилинган машина ҳайдаш ҳуқуқини берди. Шунда бутун мамлакат ва унинг иттифоқчилари оммавий ахборот воситалари оёққа туриб Ибн Салмонни олқишлашди... Гўё у аввалгилар беролмаган нарсани бергандек! Ибн Салмон бу билан ўзининг мисрлик «эгизаги» Сисийга ўхшаб стратегик маъруза тактикасини қўлламоқчи. Зеро, Сисий мисрлик аёлларнинг ҳис-туйғуларини қўзғашга ишқибоз бўлиб, шу йўналишга туртки берадиган қарор ва фармонлар чиқариш орқали аёллар орасида машҳур бўлишни яхши кўради.

Маккани модернизация қилиш ва Исломга хос ёдгорликларни йўқ қилиш:

Саудлар оиласи билан унинг режалаштирувчиларининг Маккадаги Масжидул Ҳарам атрофида нималар қилишаётганини тасаввур қилишнинг иложи йўқ. Чунки бу кимсалар барча исломий ёдгорликларни бузишни ва ўрнига қават-қават кенгайтирилган қурилишлар бино этишни бошлашди. Ваҳоланки, бу қурилишларда на бир меъморий эстетика бор, на умра зиёратчиларига енгиллик яратувчи транспорт воситаси. Чунки умра зиёратчилари саудияликлар қурган бетон блоклар орасида узоқ масофани босиб ўтиш билан қийналмоқдалар. Ҳатто шаҳар ҳам Масжидул Ҳаромдан жуда узоқда жойлашган бўлиб, унинг инфратузилмаси жуда заиф ва қолоқ аҳволда. Шаҳар аҳолисига тоза ичимлик сувини ҳамон ижарага олинган машиналар ташиб беради ва агар бу машиналар тўхтаб қолгудек бўлса, улар баклажкадаги сувни сотиб олишга мажбур бўладилар. Канализация тармоқлари, йўллар ва жамоат транспорти мусулмонлар учун муқаддас саналган энг буюқ шаҳарга лойиқ даражада эмас.

Масжидул ҳаром чор атрофига иншо этилган меҳмонхоналарни кўрган киши шунга гувоҳ бўладики, уларнинг барчаси хунук, беўхшов суратда қурилган, ҳарамга шаклан ҳам, меъморий жиҳатдан ҳам, хусусият ёхуд исломий моҳият жиҳатидан ҳам ярашмайди ҳамда Ҳарам зиёратчиларига руҳий ва моддий хотиржамлик яратадиган зарур томонларига эътибор берилмаган!

Чиндан ҳам саудияликлар илмонийлашадими?!

Ибн Салмон худди Амирликлар каби, сиёсий Исломи олдида пайдо бўладиган расмий дин моделини яратиш орқали мамлакатни модернизациялаш ва илмонийлаштиришни зўрлаб

тиқиштиришга муваффақ бўлди, деб фараз қилайлик. Бироқ, унда модернизациянинг энг муҳим асос ва пойдевори йўқ бўлгани учун бу ишда муваффақиятга эришишини асло башорат қилиб бўлмайди. Бу муҳим асос ва пойдевор сиёсий эркинликлар ва партиялар қуришга рухсат беришда гавдаланади. Натижада, у модернизация ва маърифат учун Форс Кўрфазининг носоз илмоний моделини қабул қилишга мажбур бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Оқ уй тепасига кўрфаз пулларини соғиб олувчи товламачи менталитет сифатида Трампнинг келиши Муҳаммад ибн Салмонга Муҳаммад ибн Найфни четлатиб, ўрнига валиаҳд бўлиб олишига ёрдам берди. Чунки Ибн Салмоннинг енгилтак ва сиёсий калтафаҳм кимса бўлгани учун Трампга жуда мос келиши табиий. Бўлмасамчи, ахир Муҳаммад ибн Салмондан ҳам бебош ва қаллоб йигит қаердан топилсин. Бундай аҳволга Судайснинг ушбу баёноти жуда мос келади: «Саудия Арабистони билан Америка Қўшма Штатлари тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик борасида дунёнинг икки қутби бўлиб турибди. Бу - подшоҳимиз Салмон ва президент Трампнинг саъй-ҳаракатлари сабабдир»!

Амри маъруф ва наҳи мункар ҳайъати ваколатларини чеклаш:

Трамп Саудияга сафар қилганидан сўнг мамлакатнинг маъруфга буюриш ва мункардан қайтариш ҳайъатига чеклов қўйилди, хотин-қизларга машина ҳайдашга рухсат берилди. Бу эса, Трампнинг келиши мамлакатда ўзгариш жараёнига туртки берганини англатади. Бу ҳақда саудиялик сиёсий таҳлилчи Абдулмажид Жалол «DW арабийя» телеканали билан бўлган суҳбатда қуйидагиларни таъкидлади: «Шубҳасиз, Саудия билан Форс Кўрфази давлатлари экстремизм масаласидан ва экстремизмни қўлловчи давлат, деган айбловдан узоқлашишни исташади. Шу боис Трамп даври уларнинг айна истаklarини рўёбга чиқишида қулай имкониятдир». Муҳаммад ибн Салмон ўзининг «2030 йил учун Саудия қарашлари» номли ислоҳот лойиҳасини эълон қила бошлади ҳамда модернизация ва ислоҳотларни амалга ошириш бўйича режаларини тақдим этди. Унинг Миср ва Иордания билан бирга йирик қўшма «NEOM» лойиҳаси ҳам мавжуд.

Риёзда «Келажакда инвестиция ташаббуси» номли форум доирасида бўлиб ўтган мулоқот учрашувида Муҳаммад ибн Салмон ўзининг мамлакатдаги диний муассасага чеклов қўйиш

ҳаракатини оқлаш мақсадида бундай деди: «Биз ўзимизга қайтпмиз, яъни, барча динлар учун очиқ бўлган Ислом динимизга қайтпмиз». Яна бундай сўзларни айтди: «Биз ҳаётимизнинг ўттиз йилини бузғунчи фикрлар билан шуғулланиб ўтказмаймиз, уларни бугун ва бир зумда йўқ қиламиз», «Яқин орада экстремизмни бартараф этамиз». Буни оқлаш учун у ижтимоий даражадаги ажойиб ўзгаришларнинг бир қисми сифатида, хотин-қизлар масаласини илгари сурди. Бундан ташқари, мамлакатда кинотеатрлар очди, қибтлар-католикларга бағрикенглик қилди, Мисрдаги православларнинг папа қароргоҳини зиёрат қилди, пойтахт Риёзда биринчи марта пасха байрами ўтказилишига рухсат берди... Кузатувчилар бу ҳаракатларни Ибн Салмоннинг Фарбга яқинлашиш истаги ўлароқ талқин қилишди.

Амри маъруф ва наҳи мункар ҳайъатини кўнгилочар ҳайъатга айлантириш:

2016 йил 7 майда қиролнинг фармони билан ташкил топган ушбу оммавий кўнгилочар ҳайъат Саудиядаги охириги кўнгилочар сиёсатни мамлакатни Фарб стилида ғарблаштириш томон йўналтирди. Бунинг учун мамлакатнинг ўнлаб йиллар қўллаб келган расмий қонун ва урф-одатларидан воз кечиш учун бир қатор қарорлар қабул қилинди. Масалан, эркак-хотинлар аралаш оилавий концерт зиёфатларини ўтказишга рухсат бериш, аввалда эркаклар учун хос бўлган иш ўринларини аёлларга бўшатиб бериш, расмий телевидениеда концертлар намойиш қилиш каби. 2019 йил октябр ойи бошида пойтахт Риёзда биринчи марта аёллар эркин кураши бўйича кўргазма ўйини ўтказилди. Суратларда иккала курашчи аёлнинг узун энгли спорт костюми ва шимини кийиб олишгани кўриниб турибди. Бундан мамлакатнинг аёллар кийимларига оид сиёсатининг ажнабий табиатга мослашгани кўриниб турибди.

2019 йил июнда барча ижтимоий тармоқларда Жидда шаҳрида, Амирликлардаги «White Dubai» дискотекасига тақлидан, биринчи марта тунги дискотека очилгани тўғрисидаги хабарлар тарқалгани шов-шув бўлди. 2018 йил март ойида ўттиз йилдан бери тақиқланиб келинган кинотеатрларни лицензиялаш бўйича биринчи регламент тасдиқланди. 2018 йил февралда мамлакатда биринчи марта «Антар ва Абла» номли опера намойиш этилди. Бу – мамлакат тарихида биринчи марта опера театри қуриш қарори эълон этилишининг эртасигаёқ бўлиб ўтди. Шу ойнанинг ўзида эса, Риёзда биринчи жаз фестивали бўлиб ўтди.

Саудияда экстремистик мафкураларга қарши кураш маркази:

Риёзда «Эътидол» (мўътадиллик) номли экстремизмга қарши кураш халқаро маркази очилгани эълон этилди. Марказ очилишида Саудия қироли Салмон ибн Абдулазиз, АҚШ президенти Дональд Трамп, Миср президенти Абдулфаттоҳ Сисий ва бошқа араб ва мусулмон давлатлар раҳбарлари иштирок этди. Марказни очиш ҳақидаги эълон 2017 йил 21 майда Риёзда бўлиб ўтган АҚШ-араб ва мусулмон давлатлари саммити чоғида янграган эди. Техник ва инсоний имкониятларни ўз ичига олган ушбу марказ атиги ўттиз кун ичида қуриб, жиҳозланди.

Саудиялик расмийлар баёнотида бундай дейилган: «Марказда экстремистик мазмундаги ҳар қандай нарсани мисли кўрилмаган даражада аниқлик билан кузатиш, таҳлил қилиш ва таснифлашга қодир бўлган ва жаҳон стандартларига мос келувчи инновацион дастурий таъминот ишлаб чиқилган. Ушбу юқори даражадаги технологиялар айти экстремистик мафкуранинг тезисларида қўлланувчи барча тиллар ва лаҳжаларни аниқлай олади. Шунингдек, марказда экстремистик мафкура ўчоқлари жойлашган географик объектларни топиш учун замонавий сунъий интеллект тизимларини яратиш бўйича иш олиб борилади. Марказ экстремистик мафкурага қарши курашда бағрикенглик ва меъёрни тарғиб қилувчи оммавий ахборот воситаларига ва профессионал мутахассисларга таянади. Бу Олий Мафкура Қўмитаси мутасаддилиги остида бўлиб, мафкурага қарши курашишга қодир бўлган бутун дунёдаги бир гуруҳ таниқли мусулмон муфаккир ва олимлар айти қўмитага аъзо бўлган».

Саммит чоғида АҚШ президенти Трамп марказнинг экстремистик идеологияга қарши курашга қаратилганини таъкидлаб, жумладан бундай деди: «Биз экстремистик мафкурага қарши курашиш учун янги глобал марказ очиш орқали тарихни янгидан бошлаймиз. Бу марказ шу ерда, Ислом дунёсининг ушбу муҳим заминада жойлашади. Ушбу янги марказ аксарият аҳолиси мусулмон бўлган давлатларнинг экстремизмга қарши кураш ташаббусига етакчилик қилишлари кераклиги тўғрисида аниқ муждани ифодаламоқда. Мен қирол Салмонга ушбу кучли етакчиликни намоён этгани учун ўз миннатдорчилигимни билдираман».

Ушбу экстремизмга қарши кураш халқаро маркази раҳбарлари айти марказнинг экстремистик мафкурага қарши турли услуб ва воситалар ёрдамида курашувчи юқори даражадаги бир глобал уюшма бўлишини кўзлашайётган экан, марказ амалга оширадиган энг муҳим вазифалар қаторига қуйидагилар киради:

1 – Экстремизмга қарши мафкура, оммавий ахборот воситалари ва рақамли ускуналар ёрдамида курашиш ҳамда халқлар ўртасида мурося ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш;

2 – Дунёда мўътадил исломий тамойилларни бирлаштириш;

3 – Экстремистик фикрлар фаолиятини кузатиш ва таҳлил қилиш ҳамда айна фикрларга қарши ҳимоя, хабардорлик, ҳамкорлик ва курашни кенгайтириш.

Телесериаллар орқали курашиш

«The Guardian» газетасининг 2020 йил 27 апрелдаги сонида «Рамазон драмаси Араб-Исроил муносабатларининг ўзгаришини англатади» номли мақола нашр қилинди. Мақола Яқин Шарқда ишловчи икки мухбирнинг қаламига мансуб. Мухбирларнинг бири Байрутдан Мартин Шулов, иккинчиси Аммондан Майкл Сафи бўлиб, улар мақолада бундай дейишди: «Яқин Шарқда тун кириши билан сериаллар намоиш этилишни бошлайди. Сериалларда кечки зиёфатлар, шу билан бирга, жанговар ҳаракатлар, тарихий қаҳрамонлар, ёмонлар ва йўқотилган муҳаббат... намоиш этилади. Бироқ бу йилги теледастур сценарийси янги минтақага кириб, «Исроил» билан муносабатларни нормаллаштириш сари халқ таклифларини ўз ичига олди. Рамазоннинг илк кунларида иккита сериал намоиш этилди ва ҳаммани даҳшатга солди, турли жанжалларга сабаб бўлди».

Бу фильмларнинг бирида Форс Кўрфазидаги яҳудийлар тарихи ҳикоя қилинган. Иккинчи фильмда эса, «Исроил» душман бўлмаслиги мумкин, фаластинликлар Саудиянинг ёрдамларидан миннатдор эмаслар, деган нарсалар кўтарилган. Газета мақоласига кўра, бу икки телесериалнинг Саудиядаги «МВС» телеканалидан намоиш этилишининг ўзи булар мамлакат раҳбарларининг розилиги билан намоиш этилаётганига шубҳа қолдирмайди.

Шундай экан, демак, Саудиянинг ҳозирги босқичдаги роли Фарбга тўлиқ эргашишдан иборат бўлиб, Исломи «янгилаш ва модернизация, деган ниқоб остида ўзининг асл мазмунидан ажратишга қаратилган. Биз Саудиянинг бу ролини қуйидаги пунктларда кўриб чиқамиз:

1 – Қарийб ўттиз йил ичида Жомия (Мадхалия) оқимидан Саҳва оқимига қарши фойдаланилди. Маълумки, Саҳванинг мафкуравий асоси эски Ваҳҳобийликка ёки янги Ихвонларга бориб тақалади. Бунда Жомия Саҳвага ҳужум қилиб, уни хаворижлардан, дея сифатлади ва ушбу фатвога қарши чиққанларни кофир, деди ҳамда Саҳва оқимининг Саййид Қутб каби муфаккирларини кофир, деди.

2 – Ибн Салмон валиаҳдликни эгаллагач, Саҳвага қарши курашибгина қолмай, ҳатто уни бутунлай йўқ қила бошлади. Шу

орқали ўз олдигаги диний майдонни бадиий, маданий ва маърифий очқлик ниятларига тўсиқ бўладиган муаммолардан тозалади.

3 – Саудия жамиятини лаззат ва шаҳват ботқоғига ботириб, диний чегарадан чиқариш мақсадида Ибн Зойиднинг Абу-Даби ёки Дубайдаги моделига тақлид қилиш. Бунда ёш йигит-қизларни нишонга олиш.

4 – Ваҳҳобийлик Саудлар оиласи учун бошида асосий қурол бўлган эди. Лекин вақт ўтиб Саудия давлати бошқа диний ҳокимият-«Мадхалия»га таянадиган бўлиб қолди. Эҳтимол, яна вақт ўтиб Мадхалия оқими тақдири ҳам Ваҳҳобийлик тақдирига учраб, Саудлар, ҳатто Саудлар оиласи илмоний тузум учун асосга айланиши мумкин. Биз ёзувчи Ҳамд Туркийнинг твитини ўқидик. Бу кимса Исломни қайта кўриб чиқишга чақирди. У ўрта асрларда масиҳий динини қайта кўриб чиқилганидек, шундай қилиш кераклигини иддао қилди.

5 – Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш ниқоби остида АҚШ етакчилигидаги Исломга қарши кураш халқаро коалициясига қўшилиш.

«NEOM» лойиҳаси:

2017 йил октябр ойида Муҳаммад ибн Салмон «NEOM», яъни, Қизил денгизнинг шимолий-ғарбий қисмида инвестиция ва туризм зонасини ташкил этиш лойиҳасини эълон қилди. Бу зонани идора қилиш учун 18 нафар ажнабий шахслардан иборат маслаҳат кенгашини тузди. Лойиҳа раҳбарлигини немис ишбилармони Клаус Кляйнфельдга топширди. Кейин у валиаҳднинг маслаҳатчиси лавозимини эгаллади.

Лойиҳа учун ажратилган ер майдони 26.500 квадрат километрни ташкил қилди ва унга Синайдан минг квадрат километр қўшилди. Бу қўшилган қисм Шармушшайх ва Ақаба кўрфазининг ғарбий қирғоғидаги тор линия ҳисобланади. Бундан ташқари, Ибн Салмон лойиҳа майдонига Тиран ва Санафир ороллари ҳам қўшди. Бу икки оролни Абдулфаттоҳ Сисийдан Саудия валютасига сотиб олди. Шунингдек, Мисрни 5 йиллик нефтга бўлган эҳтиёжини ҳам қарзга таъминлайдиган бўлди. Қиймати 23 миллиард долларни ташкил қилган бу қарзни Саудия 2 %ли проценти билан 15 йил ичида тўлайди.

Бу лойиҳа янги валиаҳднинг ўз сиёсий истиқболи учун кўприк сифатида қабул қилган қатор лойиҳаларидан биридир. Унинг таъбири билан айтганда, бу «тор ва жангари диний қарашлардан мўътадил ва ўртача диний қарашларга ўтишни талаб қилар эмиш. Бу эса, Ваҳҳобийликни четлатиб, яҳудий вужудини ўз ичига сиғдирадиган инфратузилмага асос солишни англатади.

«Исроил»нинг «I24» веб-сайтига кўра, «NEOM» лойиҳасининг муҳим босқичларидан бири шуки, бу лойиҳанинг амалга оширилишини «Исроил» маъқуллаши керак. Бу узунлиги 10 километрни ташкил қиладиган ва Осиё билан Африкани боғлайдиган «Қирол Салмон кўприги»дир. Ушбу лойиҳани режалаштириш икки мамлакат ўртасидаги бўғозда жойлашган Тиран ва Санафир ороллари устидан Саудия суверенитетини ўрнатишга Мисрнинг розилик бериши ортидан мумкин бўлган.

«Исроил»да чиқадиган «The Jerusalem Post» газетасининг инглиз тилидаги сониди муҳим бир мақола нашр қилинди. Унда «Исроил» ўзининг махсус сектори орқали «NEOM» лойиҳасида турли хил инвестицияларда иштирок этишга ҳаракат қиладигани айтилади. Мақолага кўра, «Исроил» компаниялари Саудия инвестиция жамғармаси билан алоқада бўлиб, у билан юқори технологиялар, қайта тикланадиган энергия ва озиқ-овқат технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни муҳокама қилмоқда. Компаниялар ушбу жамғармани ўнлаб йиллардан бери араб давлатлари томонидан қилинаётган бойкотга зарбадир, деб ҳисобламоқда.

Ниҳоят, яқинда бу фикрлар Саудия Разведка хизматининг собиқ директори Файсал Туркийда ўз акс-садосини топди. У бу ҳақда собиқ «исроиллик» расмийлар билан ўтказган учрашуви чоғида айтган. Масалан, «Исроил» Разведка хизматининг собиқ мулозимларидан бири Эфраим Галеви билан учрашганда Файсал айнаи фикрни камида икки марта ўртага ташлаган. Айтишларича, Файсал бир турли ҳазил билан «яхудийлар пули ва араблар ақли билан ҳамма нарсани қилса бўлади», деган. Таъкидлаш лозимки, Нетаньяху ҳам – унинг ўзи «мўътадил сунний араб давлатлари», дея атаган – давлатлар билан муносабатлар ҳар қачонгидан кўра яхши бўлаётгани тўғрисида бир неча марта айтди. «Исроил» Алоқа вазири Аюб Кара ҳам «Исроил» билан у айтган «Саудия коалицияси» ўртасидаги муносабатлар мавжудлигини таъкидлаб, бунинг айнаи босқичда айнан қайси соҳада бўлаётганини очиқламасликни афзал билди.

Шундай қилиб, демак кўриниб турибдики, Муҳаммад ибн Салмон эълон қилган «NEOM» лойиҳаси Саудия билан яҳудий вужуди ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш пойдевориди янги тамал тошидан бошқа нарса эмас, ҳатто аввалгилардан ҳам оғирроқ тош бўлиши турган гап. Бу ҳақда аввалдан бир неча мақолаларда айтилиб, Ибн Салмоннинг 2015 йил мамлакат тепасига келгандан бошлаб бунга замин яратила бошлангани таъкидланган эди. □

КОНСЕНСУС ДЕМОКРАТИЯ: ЯНГИ ИНҚИРОЗЛАР ВА МУАММОЛАР (2)

Муҳандис Носир Ваҳон Лаҳабий – Яман

Биз олдинги сонда (консенсус демократия)нинг унга ойдинлик киритувчи тўрт жиҳатини кўриб чиқдик. Улар: (Консенсус, унинг мавзуси, томонлари ва ғояси). Энди унинг сўнгги жиҳатини кўриб чиқиш қолди. Бу жиҳат унинг натижалари бўлиб, шу орқали унинг воқелигига тўғри хулоса чиқаришимиз мумкин.

(Консенсус демократия)нинг натижаларига келсак, одатда у диалогда таяниладиган манбага асосланади. Бу манба Ислом эмас, балки (демократия)дир. Унда қонун чиқариш устидан инсон ҳукмронлик қилади ва диннинг бу соҳада ҳеч қандай ўрни бўлмайди. Шу боисдан, бу нарса муслмонлар устига тушадиган ва оламлар Парвардигори Аллоҳни ғаблантирадиган балодир. Бошқа томондан, бунинг натижасида масала Умнатнинг душманлари бўлган кофирлар, мунофиқлар ва малайлар фойдасига ҳал қилинади. Исломий юртларда бўлиб ўтган миллий диалоглардан келиб чиққан натижалар ушбу ҳақиқатга энг кучли далил бўлса керак. Чунки Ливия, Ироқ, Афғонистон, Фаластин, Кашмир, Судан ва Яманда бўлиб ўтган диалог натижалари доим фуқаролик урушларидан иборат бўлди. Бу урушлар юртларни бир неча вужудчаларга бўлиб, Умнатни этник, мазҳабпараст ва фракцион гуруҳларга бўлиб ташлади. Мустамлакачи кофир ушбу юртлардаги ҳокимият пирамидаси чўққисига ўз малайларини жойлаштириш имконига эга бўлишди. Бунга ушбу юртларда ҳукм сурган қоқоқлик, қашшоқлик ва очарчилик кўшимча бўлди. Бундан ташқари, душманларга мутлақ қарамлик вужудга келди. Зеро, кофирларга содиқлик очиқ кўриниб турган ишга ва ҳар қандай миллий диалогнинг муқаррар натижасига айланди. Аллоҳ Субҳанаҳу кофирларга итоат қилиш оқибати зиён кўриш эканлигидан огоҳлантириб шундай дейди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن تُطِيعُوا الَّذِينَ كَفَرُوا يُرْدُوكُمْ عَلَىٰ أَعْقَابِكُمْ فَتَنْقَلِبُوا خَاسِرِينَ﴾

«Эй мўминлар, агар кофирларга итоат қилсангиз, сизларни ортингизга (куфрга) қайтарадилар. Бас, зиён кўргувчиларга айланиб қоласизлар» [Оли Имрон 149]

Булардан бизга очиқ кўриниб турибдики, (консенсус демократия) мафкураси ғайриисломий мафкура бўлиб, бу мафкура Умнатнинг жисмини кемириб вайрон қилиши учун

мустамлакачилар уни бизга (Миллий ярашув), (Миллий келишув) ва (консенсус демократия) шиорлари остида ҳавола қилди. Аслида эса, у уруш ва низоларни келтириб чиқарадиган ҳамда қарамлик ва қолоқликни кучайтирадиган жирканч мустамлакачилик мафқурасидан бошқа нарса эмас. Воқелик бунга яхши далилдир.

Агар бунга (консенсус демократия)дан сиёсий ҳаётни тоифачилик асосида шакллантириш, яъни, тоифачилик қонунларини яратиш исталганини қўшадиган бўлсак, раҳбарлар томонидан қабул қилинган қонунчилик шаклининг қандай бўлиши мустақил вужудлар (субъектлар) асосидаги кучлар ва тоифалар келишувига боғлиқ бўлади. Ҳар бир субъект мавжуд бўлиш ҳуқуқига, манфаатларига ва мустақиллигига эга бўлади. Қонун чиқариш ҳуқуқига ҳам ёки қонун чиқаришга ҳисса қўшиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Уларнинг бундай ҳуқуққа эга бўлиши қандай тоифага мансуб бўлишидан қатъий назар инсонлар деган эътиборда инсонларнинг ҳамжиҳатликда яшаши асосида бўлмайди. Тоифачилик – тарафкашлик асосида бирлашган одамлар гуруҳидир. Тарафкашлик ҳар қандай фикрий қаноатдан холи ғаризавий реакциядан бошқа нарса эмас. Шунинг учун у инсонлар ўртасидаги энг тубан алоқа турларидан биридир. Сиёсий тоифачиликка келсак, у конституция, қонунлар ва сиёсий урфларнинг сиёсий субъектларни ташкил этган маълум тоифалар орқали тан олинишидир. Чунки ушбу субъектларга, яъни тоифаларга – улар ҳокимият ва ваколатга эга бўлиб турган пайтларида – қонун чиқариш ёки конституция ва қонунларни бекор қилиш ҳуқуқи берилади. Яъни, (консенсус демократия) одамларни эмас, балки кучлар ва тоифаларни ҳисобга олади. Касалликнинг манбаси ва балонинг асоси мана шудир. Шунинг учун, жанубликка тўғри келган нарса шимолликка, илмонийга тўғри келган нарса исломчига, ватанпарварга тўғри келган нарса миллатчи ёки байналмилалчига ва шиага тўғри келган нарса суннийга тўғри келмайди. Чунки мақсад ва ғояни айни шу сифат белгилайди. Масалан аҳли байт фикрини қабул қилган шиалар, бизнинг сақлаб қолишимиз ёки бир қисмини сақлаб қолишга ҳаракат қилишимиз керак бўлган имтиёзларимиз бор, чунки ваколат оли байтга тегишли, деб ҳисоблашади. Айни пайтда жанубликлар, жануб бўлиниш ҳуқуқига эга, чунки жанубга ҳукмронлик қилган шимолий режим ер юзини бузғунчиликка тўлдирди, деб билади. Суннийлар шиаларни Қуръон ва Суннатга қарши деб билса, шиалар суннийларни

ваколат оли байтга тегишли деб билмайдиган душманлар деб ҳисоблайди. Бинобарин, (консенсус демократия) манфаат ва мақсадлари ҳар хил, хизматлари фарқли бўлган гуруҳ ва кучлар ўртасидаги зиддият муаммосини ҳал қилмайди. Бу можарода ҳар бир томон ўз манфаати ва тоифаси манфаатини ҳамда сиёсий танловларини қўлга киритишга, мақсадларини амалга оширишга уринади. Бинобарин, тоифалар ўз мақсадларига эришиш учун ташқи кучларга ёрдам сўраб мурожаат қиладилар. Бу эса, ўз жонига қасд қилиш бўлиб, бу билан давлат ва жамият заволга юз тутаяди. Ғалаба майдонда кучга эга бўлган ҳамда ташқаридан ёрдам олган кимсалар фойдасига бўлади. Чунки (консенсус демократия)да одамларнинг ҳақиқий ҳаётга бўлган интилишларини ифода этувчи ҳокимиятнинг табиий равишда пайдо бўлиши мумкин бўлмайди. Бинобарин, ташқи қўлловга ва ички тоифа босимига асосан маълум бир томон фойдасига бўлган ечимга асосланган ҳокимият бўлади. Бошқа томонлар эса, заифлашганлар кўтарилиб зулм қилган кимсаларни заифлаштирадиган ўзгариш юз беришини кутадилар. Ишлар мана шундай давом этаверади.

Партиявийлик ёки тоифачиликка асосланган ҳокимият пайдо бўлишининг таъсири ҳалокатли бўлади. Ливандаги (Тоиф ёки Давҳа шартномаси), Ироқдаги (Ярашув конференцияси), Ямандаги (диалог конференцияси) ва Ливиядаги (Сухайрот келишуви) асосида пайдо бўлган ҳокимиятларнинг таъсири бир хилда ҳалокатли бўлди. Чунки бундай ҳокимиятдаги томонлар битта юрт фарзандлари ўртасида юз минглаб бегуноҳ кишиларнинг ўлимига сабаб бўлган беҳуда урушларни қўзғашди. Одамлар хиёбонларда (кўчаларда) бир-бирига қарши жанг қилишди. Раҳбарларга, қолаверса, раҳбарларнинг хўжайинларига хизмат кўрсатиш учун қўшни қўшнисини, биродар биродарини ўлдирди. Одамлар ўлиб турган бир пайтда, қон билан таҳорат олиб, ўлганлар гўшти билан ифторлик қилган бу кимсалар бир-бирини қутлашди, қотилга қўл чўзишди, мансаблар ва ўлжаларни бўлишишди, бирга суратга тушиб, бир косадан овқат ва бир косадан сув ичишди. (Консенсус демократия)нинг давлат ва жамият даражасида мусибатлар келтиргани ҳеч кимга сир эмас. Чунки ҳокимият гуруҳлар, партиялар ва тоифалар раҳбарлари ўртасида қўлдан қўлга ўтди. Қачон бир раҳбар ҳокимиятни қўлга киритса, у ўз партияси, гуруҳи, минтақаси ёки оиласига ёки уни олқишлаган содиқ хизматкорларига қайғуради. Шунингдек, мамлакатни ҳамда ўз

тоифасидан бўлмаган эксперт ва уламоларни эътиборсиз қолдиради. Чунки бу эксперт ва уламолар уларни мақташмайди, ўзларига берилган хайр-эҳсонлар учун миннатдорчилик билдиришмайди. Бундай эксперт ва уламоларнинг қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслиги ўша раҳбарга ёки унинг тоифасига қарашли разведка хизматининг гувоҳлигига биноан бўлади. Бойлик ва бизнесни у ва унинг аъёнлари, насабда унга яқин бўлганлар ва сиёсий маслақдошлари эгаллаб олади. Ҳатто таълим, тиббиёт ва хавфсизлик хизматлари ҳамда мансабларни эгаллаш партиявийлик ёки тоифачилик асосида бўлади. Шунинг учун бойлик мамлакат бойликлари ва имкониятларини эгаллаб олган синф қўлида тўпланиб қолди. Халқ қашшоқлик, жаҳолат, қолоқлик, касалликлар, ваболар ва ишсизлик исканжасида қолди. Руҳий ва ақлий касалликлар пайдо бўлди, жиноятчилик кенгайди ҳамда гуноҳ ишлар кўпайиб кетди. Ёшларда турли тўдаларга, кўнгилли кучларга ва хорижий ташкилотларга қўшилиш иштиёқи кучайди. Жиноятчи ва қотиллар чет элликлардан қувват олган ушбу тоифалардан паноҳ излашди. Шундай қилиб, (фикр эркинлиги)га асосланган демократия уруғидан Аллоҳ нозил қилган нарсалар билан ҳукм юритмайдиган партиялар, тоифалар ва гуруҳлар униб чиқди. Ким бирор тоифага ёки тоифа раҳбарига таянмаса, бошқаларнинг гуноҳи туфайли янчиб ташланадиган бўлди... Ким бирор тоифа ёки қабила ёхуд ҳукмрон партия ёки золим раҳбар ё-да саллали хўжайинга эргашса... у дахлсизликдан фойдаланадиган бўлди. Ҳатто унинг жинояти қотиллик ёки мустамлакачи томонда туриб юрт фарзандларига қарши жанг қилишдан иборат бўлса ҳам кечириб юбориладиган бўлди.

(Консенсус демократия) томонидан тан олинган тоифачилик низоми сиёсий инқирозлар юз бериши сабабларини ўз ичига олади. Чунки сиёсий низом тўхтаб қолиши, ҳокимият бекор қилиниши ва ҳаракат фалажланиши учун бирор тоифанинг ҳокимиятдан чиқиб кетиши кифоя қилади. Чунки бу билан квота тизимининг таркибий қисми бўлган сиёсий компонент (таркибий қисм) ҳокимиятдан чиқиб кетган ёки ҳокимиятда қатнашмаган бўлади. Давҳа келишувидан олдин Ливанда, Абдулмаҳдий ҳукуматидан олдин Ироқда, Ўтиш даври Ҳарбий Кенгаши билан Озодлик ва Ўзгариш кучлари ўртасидаги келишувдан олдин Суданда ва Сухайрот келишувидан кейин Ливияда худди шундай бўлди. Ямандаги диалог конференциясида ҳатто ҳозиргача шундай ҳол юз бермоқда. Бундай тоифалараро ва регионал

келишув ҳамда квоталар ҳалокатга юз тутиш уруғини ўзида кўтариб юради ва можаронинг қайта тикланишига сабаб бўлади. Чунки улар асосланган пойдевор мўрт бўлиб, у принципларга эмас, манфаатларга бўйсунди. Улар Аллоҳ нозил қилган ҳидоятга эргашмаганлари учун уларнинг амаллари беҳуда кетишидан бизни хабардор қилиб, Аллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿كَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ كَانُوا أَشَدَّ مِنْكُمْ قُوَّةً وَأَكْثَرَ أَمْوَالًا وَأَوْلَادًا فَاسْتَمْتَعُوا بِخَلْقِهِمْ فَاسْتَمْتَعْتُمْ بِخَلْقِكُمْ كَمَا اسْتَمْتَعَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ بِخَلْقِهِمْ وَخُضْتُمْ كَالَّذِي خَاضُوا أُولَئِكَ حَبِطَتْ أَعْمَالُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ﴾

«(Эй мунофиқлар), сизлар ҳам худди сизлардан илгари ўтган (мунофиқлар)га ўхшайсизлар. Улар сизлардан кўра қувватлироқ ва мол-мулк, бола-чақалари ҳам кўпроқ эди. Бас, (бу дунёдаги) ўз насибаларини кўрдилар. Сизлар ҳам, илгари ўтганлар насибаларини кўрганларидек, ўз насибангизни кўрдингиз ва улар шўнғиган нарсага (яъни, ноҳақ йўлга) шўнғидингиз. Уларнинг (яъни, барча мунофиқларнинг) қилган амаллари дунёю охирадда беҳуда кетди. Ана ўшалар ҳақиқий зиён ўргувчилардир»[Тавба 69]

﴿ذَلِكَ بِأَنَّهُمْ اتَّبَعُوا مَا أَسْخَطَ اللَّهَ وَكَرِهُوا رِضْوَانَهُ، فَأَحْبَطَ أَعْمَالَهُمْ﴾

«Бунга (яъни ўлим соатидаги бундай азобга) сабаб, уларнинг Аллоҳни ғазаблантирган нарсага (яъни мунофиқлик йўлига) эргашиб, У зотнинг ризолигини (яъни мўминлар билан бирга кофирларга қарши жанг қилишни) ёмон кўрганларидир. Бас, (Аллоҳ) уларнинг қилган яхши) амалларини ҳам беҳуда кетказди» [Мухаммад 28]

Бу – квоталарнинг тоифачилик асосида бўлинишига асосланган ҳокимиятдаги очиқ кўриниб турган ҳолатдир ва бу сиёсий муассасаларгагина эмас, балки, барча давлат муассасаларига тааллуқлидир. Мана қуролли кучлар, одамлар уларга муҳтож бўлиб турган пайтда ҳеч нарса қила олмайди. Улар: агар одамларни ҳимоя қилишга аралашсак, тоифамиз ёки партиямиз таркиби бўлинишга дучор бўлиши мумкин, деган баҳона билан одамларни ва уларнинг уйларини ҳимоя қилмайди. Дарҳақиқат, фуқаролик уруши пайтида армия бир неча армияларга бўлиниб кетди. Мана суд тизими, жиноятчи малайлар тоифалар ҳимояси остида бўлгани туфайли қўрққанидан ёки қодир бўлмаганидан у ёки бу томонга қарши ҳаракат қила олмайди. Низолар, можаролар ва хусуматлар

туфайли давлат ва халқнинг катта миқдордаги пули, имкониятлари ва улкан бойликлари созурилди. Агар булар тоифалар, гуруҳлар ва партиялар фойдаси учун эмас, балки, одамлар фойдаси учун ишлатилганида буюк давлат қуриш мумкин бўлган бўлар эди. Шундай қилиб, ҳокимиятга ҳақли бўлган киши ҳокимиятга кела олмайдиган, ҳақли бўлмаган кимса ҳокимиятни эгаллайдиган бўлиб қолди!!

Консенсус демократия (бирлашган тоифалар давлати)ни пайдо қилишни истайди. Ҳар бир тоифа бошқа тоифалардан алоҳида жамиятни ташкил этади. Натижада, инсон ўз тоифаси ичида қамалиб қолади, битта юрт фарзандлари орасида шубҳа, эҳтиёткорлик ҳукмронлик қилади ва ишонч йўқолади. Бу тоифаларнинг ҳар бири турли сиёсий томонларга содиқ ва қарам бўлгани туфайли битта юрт фарзандлари ўртасида кескин бўлинишлар юз беради. Шунинг учун, ҳатто расмий даражада ҳам келишмовчилик ва қарама-қаршиликларга гувоҳ бўласиз. Агар сиз қайсидир бир тоифа минтақасига кирсангиз, унинг ўз раҳбарлари ёки молиячилари суратларини кўтарганини, шунингдек, бирликка, биродарлик ва ҳамжиҳатликка алоқаси бўлмаган шiorларни кўтарганини кўрасиз. Ҳатто тоифачилик ва уруғчилик ёшу қари қалбининг тубига сингиб кетди ҳамда ушбу юртдаги одамлар табиатининг сиёсий компонентига (таркибий қисмига) айланди. Натижада, бир тоифа қайсидир имом учун ўзини муштраб урса, бошқаси енгилган раҳбар учун ўзини айбламоқда. Яна бир тоифа ўзлари назорат қилган минтақани олдириб қўйишгани учун йиғласа, бошқа бири ўзларининг сафидан чиқиб кетган қўмондон учун йиғламоқда. Улардан бири армияга ҳукмронлик қилишни истаса, бошқаси хавфсизлик кучларини ўз назоратига олишни истайди.

Бирлашган тоифалар давлатидаги ушбу (консенсус демократия) йирик ташқи кучларнинг мамлакат ишларига ва аҳоли тақдирига аралашувини кучайтирди. Мусулмон юртлар «халқлар ўйини» дея номланган йирик сиёсий битим ва келишувлар майдонига айланиб қолди. Мамлакат аҳолиси «тинч ухлай оламизми ёки халқаро ва регионал курашлар бизнинг кўчаларимиз ва уйларимизни яна вайрон қиладими?», деган саволга жавоб топиш учун у ёки бу пойтахтда араб давлатлари ва чет эллик делегатлар ўртасида тез-тез ўтказилиб турадиган учрашувлардан бирор яхшилик бўлишини кутиб яшашга мажбур бўлиб қолди.

Ажабланарлиси шундаки, кескин рақобатлашаётган томонлар ҳокимият устидаги курашга фарқ бўлишмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзларидаги бор куч ва имкониятларини шу курашга сарфлашмоқда. Ҳатто улар, Ливан ёки Яман дея номланган дунёдан мустақил сайёра устида жанг қиляпмиз, деб ўйлашмоқда. Ўзидаги бор куч ва энергияни сарфлашга, ҳатто жонини фидо қилишга тайёр бўлган томонларнинг ҳар бирига халқаро ёки регионал пойтахтларнинг биридан келган кичик бир ишоранинг ўзи уларнинг компасини буриб, йўналишини ўзгартириб юбориш учун етарлидир!!

Мусулмон юртларида Ислом билан ҳукм юритиш йўқлиги сабабли улар ўртасида ҳамжиҳатлик йўқ. Одамлар Ислом ва унинг давлати жорий қиладиган жамоат тартибига риоя қилишмайди. Гуруҳлар, партия ва тоифаларда буюк ғоя ҳамда тақдирий масала мавжуд эмас. Улар фақат ўз манфаатларинигина кўрадилар, уларни Ислом манфаати, Умнат ва Исломий давлат манфаати ташвишлантормайди. Президент ташқаридан келган махфий сўзга (парольга) биноан келишиб танлаб олинади. Агар улар ўзларига берилган кўрсатмаларга риоя қилишмаса, кучли қонли портлашдан азият чекишлари керак бўлади. Бу портлаш уларни тинчлик ва хавфсизлик сўрашга, ташқи кўрсатмаларни қабул қилишга ҳамда ушбу урушларни келтириб чиқарган хўжайинларининг ташкилотларидан озик-овқат ва дори-дармон сўрашга мажбур қилади. Келгуси ишлар ҳам яхши давр бўлишидан дарак бермайди ва бу даврда қуруқ расмиятчиликлардан бошқа янгилик бўлмайди. Ўтган юз йил ичида ҳукмдор ва режимларнинг алмашинуви қандай кечганини ҳеч ким унутгани йўқ. Зеро, бу йиллар ичида расмиятчиликлардан бошқа бирор бир янгилик бўлмаган. Ҳозирги кунда (тайёргарликдан ўтаётган) янги ҳукмдорлар бор. Яқинда улар ҳақида кучли тарғибот ишлари олиб борилади ва улар безаб кўрсатилади. Одамлар: «майли бизни яҳудий бошқарсин, муҳими улар бизни сизлар туфайли биз азоб чекаётган фитналар, инқирозлар ва мусибатлардан қутқарсин» – деб айтадиган даражада умидсизликка тушганларидан кейин ўша ҳукмдорларни олиб келишади. Шундай қилиб, халоскор хумдан чиқарилиб, Умнатни қолоқлик, адаштириш, коррупция ва бузғунчилик билан бошқаришда олдингилар вазифасини охирига етказиш учун ҳокимиятга олиб келинади. У ўзининг англиялик, америкалик ва франциялик хўжайинларига хизмат кўрсатишни давом эттиради.

Шубҳасизки, исломий юртларнинг ҳар бири шахмат тахтасидаги тошлардан бошқа нарса эмас. Бу юртлар вақти-вақти билан ўзаро тўқнашиб келадиган Ғарб давлатларининг манфаатларига хизмат кўрсатувчи қуроли бўлишдан бошқа имкониятга эга эмас. Ғарб давлатлари уруш ва можароларга аралашишда регионал давлатлардан қуроли сифатида фойдаланиб, уларни ўз фойдаси учун ва ўзидан вакил қилиб урушга олиб кирмоқда. Зеро, Яман, Ливан, Ироқ, Сурия ёки Ливия каби давлатлар халқаро можароларни ҳал қилиш учун энг яхши майдон бўлиб қолмоқда. Улар ўзаро келишмовчиликларини ҳал қилиб олиш, шунингдек, Уммат ўз тақдирини масалалари тўғрисида фикрламаслиги учун уни мана шундай можаролар билан чалғитиб қўйишда ҳам шу давлатлардан фойдаланишмоқда. Шунинг учун бир сиёсий режа тугаши биланоқ, иккинчи режани бошлашмоқда... Бир тил бириктирув охирига етиши биланоқ, яна бошқа тил бириктирувни ўйлаб топишмоқда... Бирор бир иқтисодий режа белгиланиши биланоқ, (2030 йилга қадар давом этувчи халқаро тараққиёт режаси) каби бошқа режани белгилашмоқда... Бир тоифа ёки партиянинг обрўси тушиб кетиши биланоқ, иккинчи тоифа ёки партияни олиб келишмоқда... Шундай қилиб, чалғитиш даври давом этмоқда!!

Дарҳақиқат, бир қанча консенсус формуллари синаб кўрилди, аммо улар муваффақиятсизликка учради ва барқарор жамият ҳамда тараққиётни вужудга келтирмади. Яман аҳлини бирлаштирадиган, бўлиниш ва низо омилларини тугатиб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлайдиган, шунингдек, қайта фуқаролик уруши келиб чиқиши хавфини бартараф қиладиган робитани яратиш асосида миллий битим белгиланган эди. Бошқача айтганда, турли партия, тоифа, минтақа ва йўналишда бўлишидан қатъий назар одамлар битта дошқозонда тобланадиган ягона «Яман жамиятини» барпо этиш кўзланган эди. Шу мақсадда квоталар ва мансабларни янада мувозанатли тарзда тақсимлаш асосида ҳужжат қабул қилинди. Улар бу ҳужжатни ўша пайтдаги тарихий ютуқ деб ҳисоблашди. Ҳужжатда ёзилган нарсалар қалбларга мустаҳкам ўрнашади деб ўйлашди. Ҳақиқат эса, бунинг акси бўлди. Аслида, ҳужжатда ёзилган нарса конституция татбиқ этиладиган жамият сақофатини, унда мустаҳкам ўрнашган қаноатларни ифода этиши керак. Чунки конституциялар миллатни яратмайди. Аксинча, у миллатнинг сақофати, урф-одати ва интилишларини ифода этиши ҳамда конституциядан келиб чиққан қонунлар

билан ишларни бошқарган пайтида миллат ўзлигини сақлаб қолишга ҳисса қўшиши керак. Ушбу ҳужжат «ҳамжиҳат Яман жамияти»ни шакллантиришга ҳақиқатдан ҳисса қўшдимиз?! Тоифалар ва регионал ҳаракатлар нега яна қайтиб келди?!

Кейин, «тинчлик ва бирлик келишуви», «аҳд ва келишув ҳужжати», «тинчлик ва ҳамкорлик келишуви», «қабилавий шараф келишуви», «диалог ҳужжати» каби келишувлар ҳамда янгилаб ўзгартирилган конституциялар, конституцион декларациялар, миллий қарар ва ташаббуслар пайдо бўлди. Булар муаммони ҳал этдимиз ёки кўплаб муаммолар ва оғир инқирозларни келтириб чиқардимиз?!

Яманда 2011 йилдан бошлаб то шу бугунги кунга (2020 йилга) қадар бўлиб келган сўнги воқеалар шуни исботладики, урушлар, фитналар ва муаммолар билан ўтган ўттиз йил ичида Яман билган шаклий барқарорлик Яман партияларига ташқаридан юкланган ҳарбий ҳокимият туфайли вақтинчалик бўлди. У янги барқарор жамият барпо бўлганини англатмади. Шартнома ва конференциялар (бундай конференцияларнинг охириги «Movenpick» меҳмонхонасида бўлиб ўтган диалог конференциясидир) мустамлакачилар фикрларининг (эски-янги) шаклидан бошқа нарса бўлмади. Катта муаммо шуки, бу можаро тоифачилик шаклини олди. Сунний-шиа можароси Ироқдаги қонли саҳнагача, Ливандаги сиёсий саҳнагача ёки Ямандаги қонли саҳнагача кенгайди. Бу эса, мустамлакачи давлатларга хос сиёсий муҳитни таъмин этиш ҳамда мусулмонларни маълум муддат давомида тор лойиҳалар билан чалғитиб, уларни буюк ғояларидан буриб юбориш учун федерализм ва регионал тоифачилик мафқураларини олға суришга олиб келди.

Исломий жамиятда исломий қарашларнинг хар хиллиги, сиёсий, фикрий ва ижтимоий йўналишларга мансуб кишиларнинг ҳамда шаръий ижтиҳодларнинг кўплиги ҳамжиҳатлик, тотувлик, ҳамфикрлик ва мулоқотнинг йўқлигини англатмайди. Шунингдек, исломий жамиятда Исломга содиқлик йўқлигини ҳам англатмайди. Чунки жамиятда шундай жамоалар борки, улар фикрий ва сақофий томонини бойитишга, Исломнинг соф манбасидан ҳукмларни табанний қилишга ҳаракат қиладилар. Модомики, бошқа табанний қилинган ҳукмлар ва шаръий ижтиҳодлар Ислом ақидасидан келиб чиқиб, унга асосланган экан, бу жамоалар уларга очиқдирлар. Шунинг учун шаръий ижтиҳодга риоя қилиш, мужтаҳидга эргашиш ёки Исломдан бўлган ҳукм ва раъйларни табанний қилиш билан

Исломдан бўлмаган ҳамда исломий ақидага асосланмаган фикр ва тушунчалар ўртасидаги фарқни ажрата билиш лозим.

Барқарор турмушни, жамият қадриятлари ва бирлигини сақлайдиган нарса мана шудир. Бироқ, буни амалга ошириш Исломни ақида ва шариат сифатида қабул қилган давлат соясидагина бўлиши мумкин. Ижтимоий хилма-хилликнинг мавжудлиги мусулмонлар ўртасидаги бўлиниш учун баҳона эмас. Аксинча, Умнатнинг буюк сиёсий лойиҳаси буларнинг барчасидан устундир. Қуръон ва Суннат ижтимоий хилма-хилликдан устундир ҳамда дастур ва қонунлар учун манбадир. Шунинг учун усули фикҳ, ҳадисшунослик ҳамда араб тили ҳукмларни табанний қилиш, уларни тушуниш ва уларга даъват қилиш учун шартдир. Биз фақат шу билангина сиёсий бўлиниш ва тоифачилик асосида парчаланиш ҳолатларини енгиб ўтаемиз. Фақат шу йўл билан хавфсизлик ва тинчликка ҳамда тарафкашликдан, беҳуда қон тўкишдан, ор-номусни тўкишдан йироқ бўлган муносиб турмушга эришамиз. Шундагина самимийлик, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш турли фикрий йўналишдаги кишилар ўртасидаги алоқанинг асосига айланади. Мусулмонлар ким ҳақ ва ким ноҳақлигини қилич билан эмас, балки, ақл ва самимий муносабат билан ҳал қилишлари керак. Мусулмонларда ушбу тушунчалар мустаҳкам ўрнашган бўлиши ва ҳар қандай ҳолатда қўлланиши лозим. Токи, уларга Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзи мос келиб қолмасин:

﴿هَتَأْتَنَّمْ أَوْلَاءَهُمْ تُحِبُّونَهُمْ وَلَا يُحِبُّونَكُمْ وَتُؤْمِنُونَ بِالْكِتَابِ كُلِّهِ وَإِذَا لَقُوكُمْ قَالُوا ءَامَنَّا وَإِذَا خَلَوْا عَضُوا عَلَىٰ أَعْيُنِهِمْ مِنَ الظَّنِّ مِنْ أَلْفَاظِكُمْ مِنَ الظَّنِّ قُلْ مُوتُوا بِغَيْظِكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ بِذَاتِ الصُّدُورِ﴾

«Ҳой (мўминлар), сизлар уларни яхши кўрасизлар-у, улар сизларни сўймайдилар. Сизлар ҳамма китобларга имон келтирасизлар-у (улар сизларнинг китобингизга имон келтирмайдилар). Сизларга йўлиққанларида: «имон келтирдик», дейишади. Ўзлари холи қолишганда эса, сизларни қаттиқ ёмон кўрганлари сабабли бармоқларини тишлайдилар. (Эй Муҳаммад, уларга): «Шу адоватларинг билан ўлиб кетинглар!» — деб айтинг! Албатта Аллоҳ дилларни эгаллаган сирларни билгувчидир»

[Оли Имрон 119]

Агар муносабатлар юзаки бўлса, унда бу катта балодир. Чунки бу билан жамият бўлинади ҳамда ўзини, қуввати ва тараққиётини йўқ қилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَا تَنَازَعُوا فَتَفْشَلُوا وَتَذْهَبَ رِيحُكُمْ وَأَصْبِرُوا إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ﴾

«Аллоҳ ҳамда Унинг пайғамбарига итоат қилингиз ва (ўзаро) талашиб-тортишмангизки, у ҳолда сустлашиб, кучқувватингиз кетур. Сабр-тоқат қилингиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир» [Анфол 46]

Бир пайтлар мусулмонлар турли халқларни ўз ичига олган буюк Ислом давлати соясида яшаганлар. Уларни бир-бирига Исломга ва Халифалик давлатига бўлган садоқат боғлаган. Бу давлат турли элат ва халқларни ўз ичига олган бўлса-да, улар иркчилик ва тоифачиликка асосланган алоқаларни ўрнатмадилар. Улар давлат томонидан жорий қилинган умумий тизим доирасида яшадилар. Бу ҳолат давлат ва жамиятни сақлаб қолишга, Аллоҳ йўлида жиҳод қилишга ва Яратувчига итоатда бўлишга имкон берди. Бугунги кунда Умнатнинг сиёсий лойиҳасини амалга ошириш учун энг қадрли нарсалар қурбон қилиниши ва бу лойиҳа шахсий лойиҳалардан устун қўйилиши лозим. Бу ерда гап Халифалик лойиҳаси ҳақида кетмоқда. Зеро, Халифалик Исломни жамиятда татбиқ этишга ҳамда уни даъват ва жиҳод орқали бутун дунёга ёйишга имкон беради.

(Тамом) □

УЙҒОНИШ ВА ҲАЗОРИЙ ТИКЛАНИШ: ҒАРБДАГИ УЙҒОНИШ ФАЛСАФАСИ (2)

Уйғониш ортидаги яширин формулани топишга ҳаракат қилиш Ғарб мактаби муфаккирлари ва файласуфларини сабабни ривожланган давлатлардаги эркинлик тушунчасига боғлашга ундади. Уларга кўра, инсон унинг кенг қамровли маъноларидан фойдаланиб келаётган эркинлик шахсининг яширин ижодкор қобилиятларини юзага чиқариб, уни ривожланишга ва уйғонишга олиб борадиган шифобахш малҳамдир. Улар қуллик ва истибдодни ҳамда барча турдаги чекловларни ижодкорлик ва ютуқлар олдидаги тўсиқ бўлиб, у инсонни қолюқлик ва тубанликка тушириши муқаррар, дея ҳисобладилар. Бу эса, уларда кўринмас тасаввурларга, руҳонийликка ва ҳис қилинмайдиган руҳий мавжудотларга боғланиб қолиш халқларнинг қолюқлик даражасини оширади, деган ишончни пайдо қилди. Уларнинг фикрига кўра, руҳий интилиш ҳаракатга тўла ушбу дунё ҳаёти ҳақиқатидан узоқлашишга олиб боради. Улар ўз фикрларини исботлаш учун ўрта асрларда масиҳийлик ҳукмронлик қилган даврда Европада юз берган ҳолатни мисол қилиб келтиришади. Зеро, европалик диндор диндорлик билан уйғониш ўртасида, бошқача ибора билан айтганда, руҳ билан модда ўртасида қарама-қаршилиқ бор деб билган.

Уилл Дюрант европалик диндорлардаги ушбу тенденцияга тўхталиб шундай дейди: «Кўплаб масиҳийлар бутун эътиборларини даҳшатли қиёмат кунини ифлосликдан пок ҳолда кутиб олиш учун ишлашга қаратишади. Улар ҳар қандай ҳиссий лаззатни шайтон васвасаси деб билишади. Шунинг учун тана оламини қоралашади ва рўза тутиш ҳамда жисмоний қийноқнинг кўплаб турлари билан истакларни енгилшга ҳаракат қилишади. Улар мусиқага, оқ нонга, маст қилувчи ичимликка, иссиқ ҳаммомларга ва соқол олишга шубҳа кўзи билан қарашади ҳамда бу ишларни Аллоҳнинг очик кўриниб турган иродасини менсимаслик деб билишади». (Уилл Дюрант – Ҳазорат тарихи – 11-жилд, 282-саҳифа). Диннинг ролини қайта тиклаш ҳамда жамиятни ва унинг фикрларини диний асосда ислоҳ қилиш мақсадида таъсис этилган протестантлик мазҳабининг маънавий отаси ҳисобланган диний ислоҳот ташаббусчиси Мартин Лютер ўз замонида ақл ишлатишга чақирган фикрлар тарқалганидан жуда афсусланишини билдиради. Шунинг учун у ақлга қаттиқ ҳужум қилиб, уни оёқлар билан янчиб ташлашга чақириб шундай дейди: «Сиз инжил ва ақлни бир бутун ҳолда қабул қила олмайсиз. Шунинг учун уларнинг бири иккинчисига

йўлни очиб бериши керак... Аллоҳ ўз каломида бизга очиб берган масиҳийлик этиқодимизнинг барча оятлари ақл олдида имконсиз, сафсата ва ёлғондир... Ақл имоннинг энг катта душманидир... У шайтоннинг энг бузуқ ишларидандир... У қўтир ва моховга чалинган фоҳишага ўхшайди. Фоҳиша оёқлар билан депсаб ўлдирилганидек, у ва унинг ҳикмати (донолиги) янчиб йўқ қилиниши керак... Шундай экан, унинг юзига гўнг отинг... ва уни чўқинтиринг...». (Олдинги манба – 24-жилд, 55-56-саҳифа).

Европа тарихчилари чиқарган хулосага кўра, ўрта асрларда ҳаёт ишларига диннинг ҳукмронлик қилиши қоқоқликка сабаб бўлган. Зулм ва шафқатсизликка чуқур кириб борган феодал низом қоқоқликнинг энг кўзга кўринган далилларидан биридир. Чунки европаликлар подшоҳга берилган илоҳий ваколат фикридан таъсирланиб шу низомга бўйсунган. Дюрант айтади: «Подшоҳ Аллоҳга бўйсунди ва ўзига берилган илоҳий ҳуқуқ билан бошқаради, дея ишонилган. Яъни, Аллоҳ унинг бошқаришига рухсат берган. Бошқача айтганда, унга бошқариш ваколатини берган». (Олдинги манба – 14-жилд, 429-саҳифа). Улар Европа тарихини ўзларининг тушунишларига кўра дунё тарихи деган этиборда мисол сифатида келтиришда давом этадилар. Шунингдек, жамиятга ҳукмронлик қилган католик черкови билан унинг ҳукмронлигига қарши турган ислоҳотчи қўзғолончилар ўртасида бошланган курашнинг авж олишига сабабчи бўлган воқеалардан келиб чиқиб уйғонишга таҳлил берадилар. Черков билан ислоҳотчилар ўртасидаги ушбу курашда асосий талаб черков аралашувини қисқартириш эди. Протестант ислоҳотчилар раҳбарларидан бири Ульрих Цвингли шундай дейди: «Муқаддас китобларда ва Масиҳ таълимотларида «черков» дея номланган руҳий ҳокимиятни тасдиқлайдиган ҳеч қандай асос йўқ. Бироқ, дунёвий ҳокимиятни Масиҳ ва унинг қонуни қўллаб-қувватлайди». (Олдинги манба – 24-жилд, 117-саҳифа).

Рухонийлик фикрига қарши чиққан ва уни Европага бало, деб ҳисоблаган файласуфлар илгари сурган талаблар вазиятни янада кескинлаштирди. Чунки уларнинг даъвати динни ҳаётдан, жамият ва давлатдан ажратишга ва уни черков ичига чеклаб қўйишга қаратилган эди. Милодий 1527 йили вафот этган таниқли италиялик муфаккир Макиавелли «масиҳийлик – нари борса – сохта фазилатларни ўргатади, дея ишонган. Унинг фикрига кўра, у бўйсуншни, танани хорлаб, ундан воз кечишни ва иккинчи ёноққа тарсаки беришни ўргатади, кейин, инсоннинг умидини ўлимдан кейинги ҳаётдаги қувонч ва бахтга чеклайди. Макиавеллининг фазилат ҳақидаги фикри масиҳийлик фазилатларидан кескин фарқ қилар эди. Чунки у инсоннинг аслзодалигидан ва ер юзидаги

ҳаётнинг улуғворлигидан илҳомланган. Унинг ишонишича, бу аслзодалик нафси хорлаш билан эмас, балки, мағрурлик билан ифодаланади». (Эрнесто Ланди – Сиёсий фикр арбоблари китобидаги мақола – Морис Крэнстон тадқиқотлари – 42-саҳифа). Милодий 1778 йили вафот этган Волтер ҳам ўзининг тарихий асарларида инжил ва масиҳийликнинг жамият ривожланишига оид қарашларини танқид қилиб, инсоният тарихининг умумий белгиларини келтиради. Унга кўра, тарих фалсафаси Худонинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда жамиятни ривожлантириш фикрига асосланади. У руҳонийликка қарши курашади ва уни хаёлий юзаки диний тасаввурлар, деб атайди. Волтер изтеҳзосининг асосий нишони масиҳийлик ва католик черкови бўлган. Чунки у черковни тараққиётнинг асосий душмани, деб ҳисоблаган. (Олдинги манба, Волтер ҳақидаги боб).

Мана, Жан-Жак Руссо, Аллоҳга имон келтириб, ваҳийни инкор этишга, бинобарин, динни ҳаётдан ажратишга чақирган. (Олдинги манба – Руссо ҳақидаги боб). Руссонинг «Ижтимоий шартнома» номли китоби буюк Франция инқилобининг таянчи ҳисобланган ва инқилобдан кейин Франция халқининг инжилига айланган. Унга кўра, қонун чиқарувчилар ҳамда ҳукмдор ва подшоҳлар халқни мажбурлаш, уларнинг қалбига қўрқув солиш учунгина қонунларни Аллоҳга боғлашган. У айтади: «Қонун чиқарувчи куч ишлатишга, ҳужжат келтиришга қодир бўлмагани сабабли, зўравонликсиз бошқариш ва ҳужжатсиз ишонтириш имконини берадиган бошқа турдаги кучга таяниши керак бўлиб қолди. Бу эса, миллатлар оталарини халқларни итоат эттириш учун барча даврларда самонинг аралашувидан ёрдам сўрашга ва ўз доноликларини олиҳаларга боғлашга мажбур қилди...». (Жан-Жак Руссо – Ижтимоий шартнома – 85-саҳифа). Ва ниҳоят, 1789 йили буюк Франция қўзғолони юз берди ва у черковни жамиятдан, давлатдан ва сиёсатдан бутунлай четлатди. Уильям Дюрант айтади: «Олдинги инқилобларнинг аксарияти ё давлатга қарши, ёки черковга қарши бўлган. Бир вақтнинг ўзида ҳар иккисига қарши бўлган инқилоблар кам учрайди. Француз инқилобига келсак, у мавжуд ижтимоий низомнинг ҳам диний ва ҳам дунёвий устунларини қулатиш вазифасини ўз зиммасига олди». (Уильям Дюрант – Ҳазорат тарихи – 42 қисм, 397-саҳифа).

Шундай қилиб, Фарбнинг замонавий муфаккир ва тарихчилари ушбу ҳолатларни ўз назарияларининг жонли исботи деб ҳисоблашади. Зеро, Европада тараққиёт аста-секин ўсиб боргани сари жамиятда черковнинг роли қисқариб борди ва шу тариқа жамоат ҳаётдан дин узоқлашди. Улар ўзларининг замонавий тарихларини очган Франция инқилобида ўз назариялари учун

кучли исботни топишди. Чунки бу инқилоб черковни жамиятдан узоқлаштирди, илоҳий ваколат назариясини йўқ қилди ва жамиятда умумий эркинликларга кенг йўл очди. Европадаги уйғониш ҳаракати ўз йўлини давом эттирди ва ўз мевасини бера бошлади. Фарбликлар бундан бугунги кунгача фахрланиб келишади. Ушбу замонавий тарих бошида Фарб қабул қилган, фикрлари учун асосга ва жамияти учун фикрий етакчиликка айлантирган ақлий ақиданинг пайдо бўлишида Фарб муфаккирларининг айна шу тарихий ҳазорий назарияси муҳим рол ўйнаган. Бу ақлий ақида «динни ҳаётдан ажратиш» ақидасидир.

Шундай қилиб, улар ҳар қандай уйғониш ҳаракатини ўша назария орқали тушунтиришга киришишди. Агар коммунистик уйғониш ҳодисасини, кейин, унинг таназзулга учраганини тушунтирмоқчи бўлсалар, ушбу уйғонишни коммунистик жамият ҳаётида диний таъсирнинг йўқлиги билан, хусусан, бу мафкуранинг атеизмга асослангани, динни афюн деб ҳисоблаши, шунингдек, коммунист халқларнинг материяга, воқеликка ва ҳаётга боғлангани билан боғлашади. Уларнинг фикрига кўра, ушбу ҳазоратнинг тез таназзулга учраши атеизм ва диннинг йўқлиги билан эмас, балки, эркинлик йўқлиги билан боғлиқдир. Демак, уларнинг фикрига кўра, коммунистик низом инсонни дин арбобларига бўйсунтирдан, ғайбга қуллик қилишдан озод бўлиши орқали эришган эркинлигидан маҳрум қилди. Чунки у инсонни дин арбобларига бўйсунтириш ва ғайбга қуллик қилишдан давлатга ва ҳукмрон партияга бўйсунтириш ҳамда либерал Фарб ҳазорати карвонига қўшилиш учун давлатга қуллик қилишдан озод бўлишни исташмоқда, деб қарашади. Френсис Фукуяма шундай дейди: «Инсоният иккинчи минг йиллик охирига яқинлашар экан, авторитаризм ва социализмнинг инқирозга учраши кураш майдонида универсал характерга эга бўлган ягона потенциал мафкурани қолдиргани кузатилмоқда. Бу мафкура – либерал демократия ҳамда шахс эркинлиги ва халқ ҳукмронлиги мафкурасидир». (Френсис Фукуяма – Тарих ниҳояси ва охириги инсон – 68-саҳифа).

Тарихдаги таназзулга юз тутиш ва уйғониш жараёни ҳақида замонавий Фарб тушунчасининг хулосаси мана шудир. Агар улардан ўрта асрлардаги исломий ҳазорат уйғонишининг сири ҳақида сўрасангиз, улар ушбу ҳодисани юқорида айтиб ўтилган назарияларига кўра тушунтириб беролмайдилар. Улар ўзларининг назарияларини исботлаш учун турли талқинларни келтиришади. Тарихдаги энг буюк уйғонишга гувоҳ бўлган исломий ҳазорат асрлари диндорлик ва ибодат асрлари бўлган. Исломий ҳазорат,

шу жумладан унинг жамияти, давлати ва турмуш тарзи инсонни дунё ҳаётидан олдинги вужудга ҳамда дунё ҳаётидан кейинги ҳаётга боғлаган рухий ақидага асосланган. Ушбу мисол Ғарб назариясининг уйғониш ва таназзулга юз тутиш жараёнини тушунтиришга ожизлик қилганининг жонли исботи ҳамда яроқсизлигига қатъий далилдир. Чунки фикрнинг тўғрилиги воқеликка мос келиши билан, яроқсизлиги худди шу назарияга ўхшаб воқеликка мос келмаслиги билан исботланади. Уйғониш фалсафаси жиддий масаладир. Чунки унинг ушбу назария каби гумонли назария бўлиши мумкин эмас. Аксинча, у ҳис қилинган воқеликка мос келадиган даражада қатъий ҳамда ҳар қандай уйғониш ва таназзулга юз тутиш ҳолатини тўғри тушунтиришга қодир фикр бўлиши лозим.

Ҳазорий тикланиш

Кўпчилик мусулмонлар ўз аҳволларини ривожланган халқлар аҳволи билан солиштириб, ўз аҳволларидан нолийдилар. Баъзи мусулмонлар, биз учун бирор чора қолмади, Ғарб қадамини тезлаштирди ва ҳеч қандай ҳолатда унга етиш мумкин эмас, дея ўз аҳволларини сифатлашда муболаға қиладилар. Одамлар интилаётган тараққиёт моддий кўринишлар бўлиб, улар ҳаётда бирор нуқтаи назарни мабда сифатида қабул қилишдан келиб чиқади. Ушбу мабда қонунлар орқали давлат ва жамият ўртасида мувозанатни келтириб чиқарадиган муолажаларни белгилашнинг бошланиш нуқтаси бўлади. Мусулмонлар бошдан кечириётган қоқоқ шароитлар уларни кетма-кет таққослашга мажбур қилади ва охир-оқибат ички мағлубиятга етиб борадилар. Бунинг сабаби халқлар талаблари билан сиёсий ирода ўртасининг фарқлай олмаслиқдир. Шунинг учун ушбу икки атама ўртасидаги фарқ бироз тушунтириб ўтилиши керак. Бутун бир халқ ўзи тўғри деб билан фикрлар асосида бирлашиши мумкин. Ушбу фикрлар ҳамма унга асосланиб яшаши мумкин бўлган воқеликка айланиши учун, улар давлат томонидан қабул қилиниши керак. Ёки айтиш мумкинки, ушбу талаблар уларни рўёбга чиқаришга қаратилган бутун энергияни бирлаштирадиган амалий доирада фаоллаштирилиши учун сиёсий ирода бўлиши лозим. Бу тариф барча халқларга – улар энди ривожланиб келаётган халқ бўладими ёки кўҳна халқми бундай қатъий назар – тўғри келади.

Мусулмон бўлмаганлар агар Исломнинг ҳаёт воқелигида татбиқ этилганини кўрмасалар Исломга хос адолат, раҳмат ва фаровонлик ҳақиқатини идрок эта олмайдилар. Ислом ижройи вужуд орқали татбиқ этилади. Ушбу вужуд Умматнинг ўз яратувчисига итоат этишидаги интилишларини тамсил этади ҳамда рисолатни ва унга алоқадор тушунчаларни ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Уйғонишни

ёки тараққиёт дея номланган ҳолатни рўёбга чиқариш ўзаро келишилган фикрий асослардан келиб чиққан ва жамоат олдида умумий ҳуқуққа айланган мақсад ва стратегиялар олдида ҳоким билан маҳкумнинг тўлиқ бирлашишини (якдил бўлишини) тақозо этади. Чунки давлат воситаларни таъмин этади, халқ садоқат кўрсатиб, фидоийлик қилади ва мансуб-дахлдорликни ҳис қилиб маслаҳат беради. Бу билан тараққиётни рўёбга чиқаришни муваффақиятсизликка учратиши мумкин бўлган бўшлиқлар озаяди. Биз бугунги кунда муҳим элемент етишмаслигига, яъни ягона фикрий базанинг бўлиши эътиборсиз қолдирилгани учун якдиллик йўқлигига ва халқ орасидаги катта синфнинг белгиланган ғоялардан бош тортишига гувоҳ бўлмоқдамиз. Чунки битта бошланиш нуқтаси мавжуд эмас, бинобарин, дахлдорликни ҳис қилиш (ўзига тегишли деб билиш) топилмайди ва бўшлиқлар жуда кўп. Шунинг учун бузғунчиларнинг кириб бориши муқаррар ишга айланган.

Агар халқ ўзини тамсил этадиган, уни бошқарадиган етакчини танлаб олмаса ҳамда ирода ва ижро қилиш вазифасини ўтайдиган вужудни барпо қилмаса тараққиётни рўёбга чиқариш имконига эга бўлмайди. Шунинг учун Ислом давлатни Ислом ва мусулмонлар ҳаётидаги энг муҳим элемент деб ҳисоблайди. Умматнинг ютуқлари давлатга боғлиқ. Чунки давлат Умматнинг фикри ва ақидасини тамсил этади. Ютуқларни қўлга киритиш Усманий давлат қулатилганига қадар давом этди. Сўнг Уммат қолақлашиб заифлашди ва бошқа халқлар ортидан эргашадиган бўлиб қолди. Шунга кўра, бутун халқ тўпланганида ҳам технологияни ривожлантириб, ҳазоратни келтириб чиқармайди. Балки у қабул қилган ҳамда унинг сиёсий иродасига асос бўлган мафкурагина халқ фикрларини ҳақиқатга айлантиради. Шунинг учун уйғонишни истаган кишилар пайдо қилиниши кўзланган лойиҳа ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари керак. Ислом азизликни қайта тиклаш учун ўзининг тарихий ва қонуний ҳуқуқи билан вазиятни ўзгартиришга ва ишларни Исломий Уммат фойдасига ҳал қилишга қодирдир. Бу масала фикрларни самарали ишларга айлантиришга қодир элитанинг жиддий меҳнатини талаб қилади.

Албатта, ҳазоратлар тўқнашади, уларнинг бири иккинчисини даф этади ва ҳазорий мағлубият меъёри таслим бўлишдир ёки Ибн Халдун айтганидек «Мағлуб бўлган ҳар бир киши ғолибнинг анъаналарига мафтун бўлади». Фарб ва Шарқ тамсил этган капиталистик ҳазорат ҳаёт учун муайян тушунчани қабул қилган бўлиб, у бутун олами шу тушунча асосида шакллантиришни истади. Хантингтон айтади: «Фарблик бўлмаган кишилар барча қадриятларидан воз кечишлари ҳамда бошқарув, иқтисод ва таълимга, шунингдек, барча муассасаларига алоқадор ҳамма

ишларида Фарб тушунчаларини қабул қилишлари керак. Чунки ёлғиз шу тушунчалар маданиятли бўлишга олиб боради». Капитализм оламни яратган зотнинг бандалар ишларини бошқаришга ҳеч қандай алоқаси йўқ деб, даъво қилади. Шунинг учун ушбу асосий мафкурадан инсонни эътиборсиз қолдириб, уни статистик маълумотларда келтириладиган шунчаки рақам деб ҳисоблайдиган, пулни кўпайтириб, унинг киримларини кенгайтиришга эътибор берадиган, турли номлар остида ўғирликни қонунийлаштирадиган ҳамда бойлар билан камбағаллар ўртасидаги жарликни кенгайтирадиган қонун келиб чиқади. Бутун дунё бошдан кечираётган дарбадарлик капитализмнинг ҳамда у кўтариб чиқаётган фикрлар ва капиталистик муассасаларнинг табиий натижасидир. Шунинг учун ушбу нотўғри йўналишни тўғрилашга ва уни ўз йўлига қайтаришга қодир ягона дин Ислом деган эътиборда, бутун эътибор Исломга қаратилди. Айниқса Ислом эга бўлган фикрий ва тарихий мерос уни дунёнинг табиий етакчисига айлантиради. Ислом ва ундаги мумтоз қонунчиликнинг инсон ва жамиятни ривожлантиришга лойиқ экани тарихда ўз исботини топган. Айниқса, Ислом қонунчилигининг умумий соғлом мафкурадан балкиб чиққанлиги сабабли инсон ҳаёт, коинот ва инсонга Аллоҳнинг нури билан назар ташлай олади. Шунинг учун дунё шу қонунлар билан тўғри йўлга тушади ва ҳақиқий қуллик рўёбга чиқади.

Шунинг учун жамиятни ўзгартиришда уни ўхшаши йўқ ягона исломий инқилоб шаклида тубдан ўзгартириш мақсад қилинмас экан, бу ҳаракатнинг қисмати муваффақиятсизлик билан тугайверади. Демак, фикрий фаолият мавҳум фалсафадан йироқ бўлган лойиҳани ифодалайди. Бу лойиҳа тарихий ҳуқуққа эга бўлиб, бу борада чекинишларга ва мурасага йўл қўйиб бўлмайди. Биз тақдирий масала, деганда худди шуни назарда тутамиз. Ислом Уммати қандайдир бир (масъулиятни ҳис қилмаган) Уммат эмас. Унинг бўйнида ўзига ва бошқа халқларга нисбатан масъулият бор. Чунки у Раббоний тушунчадаги рисолат соҳиби бўлган улўғвор Умматдир. Саҳобалар ва улардан кейинги халифалар Умар ибн Хаттоб رضي الله عنهнинг қуйидаги сўзини англаб етган эдилар. Умар رضي الله عنه айтади: «Ушбу Уммат сафида бўлиш кимни севинтирса, унда Аллоҳнинг шартини адо этсин». Аллоҳ Таоло айтади:

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ﴾

«Одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Аллоҳга имон келтирасиз»

[Оли Имрон 110] □

ПАЙҒАМБАР МУҲАММАД ﷺ ВА У ЗОТГА НОЗИЛ ҚИЛИНГАН ЭНГ СЎНГГИ МУКАММАЛ ШАРИАТ ТЎҒРИСИДА ТАВРОТ ВА ИНЖИЛДА КЕЛГАН БАШОРАТЛАР

Ислом дини ҳақни асл ҳолида сақлаган сўнги рисолат бўлиб, у сохтакор қўллар найрангига учраган яҳудийлик ва насронийлик каби олдинги рисоаларнинг ўзгартирилганига гувоҳ бўлган. Бироқ, бу сохтакор қўллар ўз жинойатларини охирига етказиша олмади. Чунки Таврот (эски аҳд) ва Инжилда (янги аҳд) келган текстларда саййидимиз Муҳаммад ﷺнинг пайғамбарлиги ҳақидаги башоратларнинг келиши улар томонидан қилинган нотўғри талқинларни фош этиб қўйди. Гарчи улар ўзларининг нотўғри талқинларини фош этадиган бундай текстлар тушунчасини бузиб кўрсатиш ва уларни нотўғри таржима қилиш орқали олдиндан эҳтиёт чораларини кўришга уринишган бўлишса-да, бироқ, мусулмонларнинг уламолари Аллоҳ Субҳанаҳу Қуръонда Пайғамбар ﷺнинг пайғамбарлиги таврот ва инжилда айтиб ўтилганлиги ҳақида хабар берганидан келиб чиқиб, бу китоблардаги сохталаштирилган жойларни фош этиб, уларни тушунтириш имконига эга бўлдилар. Биз ушбу мақолада баъзи башоратларни ва бу башоратлардаги нотўғри талқин қилинган жойларни келтириб ўтамиз.

Тавротдаги башоратлар

- Бакка водийси

Эски аҳдда шундай келади: «Сенинг ибодатхонангда яшовчилар бахтлидир. Чунки улар доимо сени мадҳ этадилар. Сенинг кучингга суюнадиганлар бахтлидир. Чунки уларнинг қалби сенинг ибодатхонангга йўл танлаган. Улар йиғи водийсидан ўтаётганларида булоқ очадилар. Ёмғир у ерга ўз баракасини ёғдиради». (Забур) 84:4-6)

Биз ушбу текстда Аллоҳнинг уйдаги доимий ибодат ва тасбеҳ айтиш, шунингдек, одамлар қалбининг ушбу уйга бўлган интилиши ва уни зиёрат қилишга бўлган улкан истаклари ҳамда бу уй хайру-баракотга тўла бўлгани тасвирланганини кўрамиз. Текст охирида одамлар унга зиёратга борадиган ушбу Аллоҳнинг уйи жойлашган ўрин айтиб ўтилади. Араб тилидаги таржимада бу жой «وادي البكاء» йиғи водийси» деб келтирилган. «Йиғи водийси» нима? У қаерда жойлашган? Бунинг жавобини

билиш учун ушбу текстнинг инглиз тилига таржима қилинган версиясига мурожаат қиламиз. «Улар Худо уни булоқлар водийсига айлантирган Бакка водийсидан ўтадилар. Кузги ёмғир қуйилиб, у ерда кичик сув ҳавзаларини қолдиради». (KJV):

«Who passing through the valley of Baca make it a well, the rain also filleth the pools».

Аслий текстда бу уй араб таржимадагидек (وادي البكاء Йиғи водийси) деб эмас, балки, (Васа), яъни «بَكَّةَ Бакка» деб келади. Бу сўзни араб тилига таржима қилган таржимонлар Мухаммад ﷺ ҳақидаги очиқ башоратни яшириш учун (وادي بكة Бакка водийси) сўзини (وادي البكاء Йиғи водийси) сўзига алмаштиришган. Бироқ, улар ўзларининг очиқ ёлғони бошқа таржималарда фош бўлиб қолишидан ғафлатда қолишган. Бакка Аллоҳнинг уйи ва Каъба жойлашган жойнинг номидир. Бу Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзида очиқ келган:

﴿إِنَّ أَوَّلَ بَيْتٍ وُضِعَ لِلنَّاسِ لَلَّذِي بِبَكَّةَ مُبَارَكًا وَهُدًى لِلْعَالَمِينَ﴾

«Албатта одамлар ибодат қилишлари учун қурилган биринчи уй Маккадаги муборак ва бутун оламлар учун ҳидоят (маёғи) бўлган Каъбадур» [Оли Имрон 96]

Демак, Бакка – Маккадир. Ушбу текстда келтирилган Аллоҳнинг уйи эса, Масжидул Ҳаром ва бугунгача Маккада мавжуд бўлган Каъбадир. Аллоҳнинг уйидаги доимий ибодат ва тасбеҳ айтиш, шунингдек, одамлар қалбининг ушбу уйга бўлган интилиши ва уни зиёрат қилишга бўлган улкан истаклари ҳамда бу уй хайру баракотга тўла бўлиши ҳақида айтилган сўзларга келсак, булар ҳаж ва умра маросимлари пайтида очиқ кўринади ва йил бўйи тўхтамай давом этади. Эҳтимол, Мухаммад ﷺ ҳақидаги ушбу аниқ башорат сохтакор қўлларни – Аллоҳ бутун инсонларга, хусусан, аҳли китобларга ҳужжат қилиб кўрсатишни истаган ҳақиқатни яшириш учун – Бакка сўзини Буко (йиғи) деган сўзга алмаштиришга ундаган бўлиши мумкин. Ҳақни очиқ кўрсатиб, ботилни фош этган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

• Фарон тоғ тизмаларидан нур сочди

Эски аҳдда шундай келади: «**Парвардигор Синайдан ўзини кўрсатди, улар учун Саирдан порлади ва Фарон тоғ тизмаларидан нур сочди. У билан минглаб солиҳлар келди, унинг ўнг томонида улар учун шариат олови бор**». (Эски аҳд, 33:2).

Ушбу текстда яҳудийлик, насронийлик ва Ислом рисоаларининг асосий жойларига ишора бор. Бу текстдаги

«Синай» саййидимиз Мусо ﷺнинг рисоласига ишорадир. «Саир»га келсак, у Фаластиндаги тоғ бўлиб, бу тоғ Халил тоғлари орасида жойлашган. Маълумки, Фаластин Масих рисоласининг бешигидир. Шунинг учун бу Исо ибн Марямнинг рисоласига ишорадир. «Фарон» тоғларига келсак, бу тоғлар Маккада жойлашган. Шунга кўра, бу пайғамбаримиз Мухаммад ﷺнинг рисоласига ишорадир. Географик луғатда шундай келади: «Фарон арабчалашган иброний сўз бўлиб, Макканинг Тавротда келган номидир. Уни Макка тоғларининг номи деб ҳам айтилади. Тавротда шундай келади: «Парвардигор Синайдан ўзини кўрсатди, улар учун Саирдан порлади ва Фарон тоғ тизмаларидан нур сочди. У билан минглаб солиҳлар келди». Парвардигорнинг Синайдан ўзини кўрсатиши Мусо ﷺ билан сўзлашидир. Саирдан, яъни Фаластин тоғларидан порлаши Исо ﷺга инжилнинг нозил бўлишидир. Фарон тоғларидан нур сочиши Мухаммад ﷺга Қуръоннинг нозил бўлишидир. «Минглаб солиҳлар» дегани Мухаммад ﷺнинг асҳобларига ишора. Ушбу учта башорат Қуръондаги Ват-Тин сурасининг бошида зикр қилинади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّتَيْنِ وَالزَّيْتُونِ ﴿۱﴾ وَطُورِ سَيْنِينَ ﴿۲﴾ وَهَذَا الْبَلَدِ الْأَمِينِ ﴿۳﴾﴾

«Анжирга қасам, зайтунга қасам. (Аллоҳ таоло Мусо пайғамбар билан бевосита сўзлашган) **Сино** (яъни, Синай) **тоғига қасам. Мана шу тинч-осойишта шаҳар** (Маккаи мукаррама)га қасамки» [Тин 1-3]

Кўриниб турибдики, Аллоҳ Таоло ушбу пайғамбарлар чиққан жойларни зикр қилмоқда. Аллоҳ Таолонинг

﴿وَالَّتَيْنِ وَالزَّيْتُونِ ﴿۱﴾﴾

(Анжирга қасам, зайтунга қасам), деб айтиши ушбу мевалар ўсадиган ерни, Исо ﷺ пайғамбар бўлиб чиққан муқаддас заминни англатади.

﴿وَطُورِ سَيْنِينَ ﴿۲﴾﴾

((Аллоҳ таоло Мусо пайғамбар билан бевосита сўзлашган) Сино (яъни, Синай) **тоғига қасам),** дегани Аллоҳ Таоло Мусо ﷺ билан сўзлашган ва Мусо ﷺ пайғамбар бўлиб чиққан жойни англатади.

﴿وَهَذَا الْبَلَدِ الْأَمِينِ ﴿۳﴾﴾

(Мана шу тинч-осойишта шаҳарга қасам), дегани Масжидул Ҳаром у ерда жойлашган ва Мухаммад ﷺ у ердан пайғамбар

бўлиб чиққан Макка шаҳрини англатади. Қуръонда ушбу учта жойнинг зикр қилиниши Тавротдаги учта жойнинг зикр қилинишига ўхшайди. Яҳудийлар, Фарон Ҳижозда эмас, Шомда жойлашган дейишади. Бироқ, бу уларнинг ёлғони ва ҳақиқатни бузиб кўрсатишидир. Чунки Тавротда Исмоил ﷺнинг отаси билан хайрлашганидан кейин Фарон чўлига келиб жойлашгани айтилган. Тавротда шундай келади: «У Фарон чўлида яшаган. Онаси уни мисрлик аёлга уйлантирган». (Борлиқ китоби: 21). Аҳли китоб уламолари Фарон Исмоил ﷺ оиласи юрти эканлигига шубҳа қилмайдилар. Тавротда Фарон ерига тушган пайғамбар ҳамда унинг уммати ва издошлари текислик ва тоғларни тўлдиргунига қадар тарқалгани ҳақида гап боради... Мана шулардан кейин, бу ерда Мухаммад ﷺнинг пайғамбарлиги, бу пайғамбарлик Исмоил ўғилларининг энг обрўлисига тушгани, ҳатто у бутун ер юзига нур сочиши ҳамда издошлари текислигу тоғларни тўлдиргани ҳақида гап бораётганига ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Борлиқ китоби»нинг 21 бобида Пайғамбар ﷺнинг бобоси саййидимиз Исмоил ﷺ Фарон чўлида яшагани ҳақида очиқ келади: **«Аллоҳнинг фариштаси осмондан Ҳожарга шундай деди: Эй Ҳожар, сенга нима бўлди? Қўрқма, чунки Аллоҳ болангнинг йиғлаганини эшитди. Сен тур, болани қўлингга ол. Мен ундан буюк умматни чиқараман. Аллоҳ унинг кўзларини очди, у қудуқни кўрди. Сўнг бориб, мешни сувга тўлдирди ва болага сув берди. Ушандан бери Аллоҳ болани тарк этмади. У улғайиб, чўлга жойлашди ва камончига айланди. У Фарон чўлида яшади, онаси уни Мисрдан уйлантирди».** (Борлиқ китоби – 21:17-21). Қудуқ зам-зам булоғидир, Ҳожар ва Исмоил ﷺнинг Маккада яшагани тарихдан маълум... Ушбу башорат кутилган рисоланинг бешиги Фарон тоғлари эканини кўрсатади. Маккада жойлашганлиги исботланган Фарон тоғлари Пайғамбар ﷺнинг туғилган жойидир. Бу – у Зотнинг рисоласи ҳақидаги очиқ башоратдир.

• **Ўқий олмайдиган одамга китобнинг ишониб топширилиши**

Ишайя китобининг 29 бобида шундай келади: «Китоб ўқий олмайдиган одамга топширилди ва унга: Буни ўқи – деб айтилди. У: Мен ўқий олмайман – деди». (Ишайя китоби – 29:12).

Бу – ўқиш ва ёзишни билмайдиган саводсиз бўлган Муҳаммад ﷺнинг пайғамбарлиги ҳақидаги очиқ башоратдир. Ушбу башорат ваҳийнинг бошланиши ҳақида келган ривоятларга тўлиқ мос келади. Бу ривоятларда келишича, фаришта Жаброил ﷺ Муҳаммад ﷺга: Ўқи – дейди, Пайғамбар ﷺ: Мен ўқий олмайман – деб айтади. Мўминлар онаси Оиша رضي الله عنها айтади: «Пайғамбар ﷺга илк бор ваҳий нозил бўлиши ўнгидан келадиган тушлар билан бошланган эди. Кўрган тушлари тонг ёруғидек аниқ-тиниқ ўнгидан келар эди. Кейин у Зотга (Аллоҳ Таоло томонидан) танҳо қолиш маҳбуб қилинди. Ҳиро ғорига чиқиб, у ерда бир неча кун ёлғиз ибодат қилар, сўнгра оиласига – Хадичанинг олдига қайтиб, у ерда бироз туриб, кейин егуликларни олиб яна ғорга равона бўлар эдилар. Ана шундай кунларнинг бирида – Ҳиро ғорида турган пайтларида – Ҳақ келди (яъни Жаброил) фаришта келиб у Зотга: Ўқи – деди. У Зот: Мен ўқий олмайман – дедилар». Росулulloҳ ﷺ айтадилар: **Кейин фаришта мени ушлаб сиқди, жуда қийналдим, сўнг қўйиб юбориб, Ўқи – деди. Мен: ўқий олмайман – дедим. Сўнг яна мени ушлаб учинчи бор сиққандан кейин деди:**

﴿أَقْرَأْ بِأَسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ ﴿۱﴾ خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ ﴿۲﴾ أَلَمْ يَكُنْ لِلْإِنْسَانِ عِلْمٌ ﴿۳﴾﴾

«(Эй Муҳаммад, барча мавжудотни) яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг! У инсонни лахта қондан яратган (зотдир). Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни — хатни) ўргатган ўта карамли зотдир. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди» [Алақ 1-5]

Бу – Қуръони Каримдан нозил бўлган биринчи оят эди ва бу башорат Росулulloҳ ﷺнинг қуйидаги сўзларига мос келади:

﴿إِنَّا أُمَّةٌ أَمِّيَّةٌ لَا نَكْتُبُ وَلَا نَحْسُبُ﴾

«Биз – ёзишни ва ҳисоб-китобни билмайдиган уммат эдик». Бухорий ривояти. Аллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзларига ҳам мос келади:

﴿الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ الرَّسُولَ النَّبِيَّ الْأُمِّيَّ الَّذِي يَجِدُونَهُ مَكْتُوبًا عِنْدَهُمْ فِي التَّوْرَةِ وَالْإِنْجِيلِ يَأْمُرُهُمْ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَاهُمْ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُحِلُّ لَهُمُ الطَّيِّبَاتِ وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ الْخَبَائِثَ وَيَضَعُ عَنْهُمْ إِصْرَهُمْ وَالْأَغْلَالَ الَّتِي كَانَتْ عَلَيْهِمْ فَاَلَّذِينَ ءَامَنُوا بِهِ وَعَزَّرُوهُ وَنَصَرُوهُ وَاتَّبَعُوا النُّورَ

الَّذِي أَنْزَلَ مَعَهُ أَوْلِيَّكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٦٠﴾ قُلْ يَتَأْتِيهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا
الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يُحْيِي وَيُمِيتُ فَأَمِئْتًا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ النَّبِيِّ
الْأُمِّيِّ الَّذِي يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَكَلِمَاتِهِ وَأَتَّبِعُوهُ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿٦١﴾

«Улар шундай кишилардирки, уммий (саводсиз) пайғамбарга — номини ўз олдиларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолда топишадиган — элчимизга эргашадилар. У пайғамбар уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни улар учун ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади ҳамда улардан юқларини ва устларидаги кишанларини олиб ташлайди (яъни Ислом динидан аввалги динларда бўлган оғир, машаққатли ибодатларни олиб ташлаб, уларнинг ўрнига осон ва енгилларини келтиради). Бас, унга имон келтирган, уни улуғлаб, унга ёрдам қилган ҳамда унинг (келиши) билан нозил қилинган нурга (яъни Қуръонга) эргашган зотлар — ана ўшаларгина нажот топгувчилардир. Айтинг (эй Мухаммад): «Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ (юборган) элчидир. У шундай зотки, самовот ва ер Унинг мулкидир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. Ҳаёт ва ўлим берадиган ҳам Унинг Ўзидир. Бас, Аллоҳга ва Унинг элчисига — Аллоҳ ва Унинг сўзларига ишонадиган уммий пайғамбарга имон келтирингиз ва унга эргашингиз — шояд ҳидоят топурсиз» [Аъроф 157-158]

Айтиб ўтиш керакки, аҳли китоблар томонидан текстнинг арабча версиясида ушбу башоратни яширишга уриниш кузатилади. Чунки текстнинг арабча версиясида «لا أعرف القراءة» Мен ўқишни билмайман» деган сўз ўрнига «لا أعرف الكتابة» Мен ёзишни билмайман» деб ёзилган. Агар сиз саводсиз кишига: Ўқи — десангиз, сизга: Ўқишни билмайман, деб жавоб бериши табиий. Аммо, агар: Ёз — деб айтсангиз: Ёзишни билмайман — деган мантиқий жавобни беради. Ишайя китобида шундай келади: «Китоб ёзишни билмайдиган одамга топширилиб унга: Буни ўқи — деб айтилди. У: Мен ёзишни билмайман — деди». Китоб саводсиз кишига топширилиб, унга: Ўқи — деб айтилса, яъни ундан ўқиш талаб қилинса, «ўқишни билмайман» деган мантиқий жавоб бўлади. Лекин у ундан ёзиш эмас, балки ўқиш талаб қилинган бўлишига қарамай «мен ёзишни билмайман» деяпти. Текстдаги бу ўзгариш ушбу башоратнинг маъно жиҳатидан Мухаммад ﷺнинг пайғамбарлигига мос келишига

Мухаммад ﷺнинг пайғамбарлиги ҳақида Таврот ва Инжилда келган башоратлар таъсир қилмайди, балки, кўз юмиш мумкин бўлган оғзаки номувофиқликни келтириб чиқаради.

• **Жориянинг ўғлидан буюк умматни чиқараман**

Борлиқ китоби (17:20)да шундай келади: «Исмоил ҳақида сиздан эшитдим. Мана, мен унга барака бераман ва уни жуда кўпайтираман. Ундан ўн икки шахзода туғилади ва мен ундан буюк уммат чиқараман». (21:13)да шундай келади: «Жориянинг ўғлидан ҳам буюк уммат чиқараман, чунки у сенинг наслингдир». Яна шу китобнинг (21:18)ида шундай келади: «Тур, болани кўтар ва уни қўлидан тут. Чунки мен ундан буюк уммат чиқараман».

Булар Борлиқ китобида келган қўшимча башоратлардир. Бу башоратларда келишича, Аллоҳ Исмоилнинг наслидан буюк умматни чиқаради. Бу башоратнинг қанчалик даражада тўғрилигини билиш учун ўша тарихга мурожаат қилиш керак бўлади. Аллоҳ Таоло Иброҳим ва Ҳожарга уларнинг ўғли Исмоил ва унинг насли ҳақида билдирган хушxabар билан Мухаммад ﷺнинг пайғамбар қилиб юборилиши, У Зотга ваҳий нозил бўлиши ҳамда Аллоҳ томонидан юкланган даъватни етказишни бошлашлари ўртасидаги давр – уларнинг ҳисоб-китобларига кўра – тахминан 4000 йилга чўзилади. Биз ушбу башоратларнинг фақат Мухаммад ﷺда рўёбга чиққанини кўрамиз. Чунки ундан олдин арабларнинг номи чиқмаган, давлати бўлмаган ва ўша давр давомида бошқа халқлар орасида обрўга эга бўлишмаган. Бу борада америкалик олим Майкл Харт шундай дейди: «Лекин, Мухаммад тарихда биринчи бор арабларни бирлаштиришга эришди. У арабларнинг қалбини имонга тўлдирди ва ягона илоҳга даъват қилиш орқали уларнинг барчасини ҳидоятга бошлади. Шунинг учун мусулмонларнинг Аллоҳга бўлган имондан илҳомланган кичик бир армияси ҳайратланарли даражада ғалаба қозонди. Мусулмонлар оёғи остидаги кенгайган ер Арабистон ярим оролидан бошланиб, сосонийлар давридаги Форс империясининг шимоли-ғарбий қисмларини, Византия ва Рум империясининг шарқий томонларини қамраб олди. Арабларнинг сони ўзлари босиб олиб, мағлуб этган ушбу давлатлар аҳолисидан анча кам бўлган. Бироқ шундай бўлса-да, Аллоҳга, унинг китоби ва пайғамбарига имон келтирган бадавий араблар Ҳиндистон ҳудудидан бошланиб, Атлантика океанигача чўзилган кенг империяни барпо этишга эришдилар. Бу империя шу бугунги кунгача тарихда барпо этилган империяларнинг энг каттасидир.

Агар биз тарихни кўриб чиқадиган бўлсак, таниқли қаҳрамонларсиз содир бўлиши мумкин бўлган кўплаб воқеаларни топамиз. Масалан, Жанубий Америка мустамлакалари, эҳтимол Симон Боливарга ўхшаган одам мустақиллик ҳаракатига етакчилик қилмаганида ҳам, Испаниядан мустақил бўлиши мумкин эди. Аммо араблар истилоси ва уларнинг буюк исломий империяси ҳақида Муҳаммад ﷺни эсламасдан туриб, худди шу нарсани айтиш мумкин эмас. Ушбу улғвор ғалабалар ва фатҳлар Муҳаммаднинг етакчилигисиз, издошларининг унга бўлган қатъий ишончисиз амалга ошмаган бўлар эди». (Тарихдаги энг нуфузли юз киши – Майкл Харт).

- **Араб юртлари тарафга келган ваҳий:**

Эски аҳд (21:13-16)да шундай келади: «**Араб юртлари тарафга келган ваҳий: Эй Дедан карвонлари, сизларнинг араб юртларидаги ўрмонда тунашингизга тўғри келади. Сиз, Фема (Тайма) ерида яшовчилар, чанқаганларга сув беринг ва очларни нон билан кутиб олинг. Чунки улар яланғочланган қиличдан, тортилган камондан ва урушлар шафқатсизлигидан қочадилар. Парвардигор менга нима бўлишини айтди. Ишчилар ёлланган йиллар ҳисобга олинганида, бир йил ичида Кедарнинг барча улғворлиги йўқолади**». «Араб юртлари тарафга келган ваҳий» ибораси араб юртларига ваҳий тушиши ва Муҳаммад ﷺнинг рисоласи ҳақидаги башоратдир. Араб юртлари, арабларнинг аслий ватани Арабистон ярим ороли бўлиб, у ерда Муҳаммад ﷺ туғилганлар ва ўша жойда яшаб вафот этганлар. Муқаддас китоб луғатига кўра, чанқаганларни ичимлик суви билан таъминлайдиган Тайма «(бу ҳожиларнинг ичимлик суви билан таъминланишига ишорадир) исмоилий қабиладир. Бу қабила араб юртларида яшаган». Айни ўша луғатга кўра, «Тайма яқинида жойлашган Дедан Арабистон ярим оролидаги савдо марказидир. Ҳижоз шимолида жойлашган бу водийнинг бугунги номи «Ал-Ула»дир. Кедар энг машҳур араб қабилалари отаси Исмоилнинг иккинчи ўғлининг исмидир. Бу қабилаларнинг юртлари ҳам Кедар деб номланади» ва у Маккадир.

- **Кедар яшаган қишлоқ**

Эски аҳд (42:12-13)да шундай келади: «**Чўл ва унинг шаҳарлари овозини кўтарсин, Кедар яшайдиган қишлоқлар хурсанд бўлсин. Села аҳолиси хурсандчилик билан куйласин. Улар тоғ чўққиларидан ҳайқиришсин,**

парвардигорни улуғлашин, унинг улуғворлигини оролларга эълон қилишин. Парвардигор улкан дев каби чиқади, суиистеъмол қилган ҳасадни қўзғатади. У чақиради, уруш ҳайқиригини кўтаради ва ўзининг душманларига қарши кучли бўлади». Ушбу жумлада, аниқроғи, Кедар иборасида ваъда қилинган пайғамбар Муҳаммад ﷺ эканлигига кучли ишора бор. Ҳолбуки, Кедар семитча исм бўлиб, «қудратли» ёки «қора» деган маънони англатади. У энг таниқли араб қабиласининг отаси Исмоилнинг ўғлидир. Бу қабиланинг юрти ҳам «Кедар» деб аталади ва у Маккадир. Бундан ташқари, Села – Мадинаи Мунаввара яқинидаги тоғдир. Куйлаш, баланд овозда ҳайқириш ва хурсандчилик билан дуо қилишга келсак, азон айтиш, Аллоҳу Акбар деб нидо қилиш ва ҳаж ибодатини адо этиш пайтида таҳлил айтишдир. Села тоғлари Хандақ жангида мусулмонларни душманлари устидан ғалаба қозонишларига сабаб бўлган. Ўша жангда Ислом душманлари бирлашиб, мусулмонларни тугатиш учун барча кучларини сафарбар қилишган эди. Башоратда шундай келади: «Парвардигор улкан дев каби чиқади, суиистеъмол қилган ҳасадни қўзғатади. У чақиради, уруш ҳайқиригини кўтаради ва ўзининг душманларига қарши кучли бўлади».

Инжиллардаги башоратлар

Сизлардан Аллоҳнинг подшоҳликлари тортиб олинади

Матвей инжилида шундай келади: «Бошқа мисолни эшитинг: Бир киши ўз ер майдонида узумзор ўстириб, уни девор билан ўраб қўйди, узум сиқиб чиқариш учун чуқур қазди ва минора қурди. Кейин уни узум етиштирувчиларга ижарага бериб, саёҳатга кетди. Мевани олиш вақти яқинлашганида, меваларини олиш учун хизматкорларини узум етиштирувчиларга юборди. Аммо ижарачилар унинг хизматкорларини ушлаб, бирини калтаклашди, яна бирини ўлдиришди ва учинчисини тошбўрон қилишди. Сўнг бошқа, аввалгилардан кўпроқ хизматкорларни яна юборди. Улар юборилган бу хизматкорларни ҳам шундай қилишди. Кейин, ўғлимни ҳурмат қилишса керак деб ўйлаб, ижарачиларга ўғлини юборди. Аммо, ижарачилар унинг ўғлини кўриб, бир-бирига: у меросхўр, келинлар, уни ўлдириб меросини эгаллаб оламиз, дейишди. Сўнг уни ушлашди ва узумзордан ташқарига олиб чиқиб ўлдиришди. Хўш, узумзор соҳиби келганида, ижарачиларни нима қилади? Улар (тингловчилар) айтишди: «У бу жиноятчиларни ёмон ўлимга маҳкум қилади ва узумзорни меваларни ўз вақтида берадиган бошқа узум

етиштирувчиларга беради». Исо уларга айтди: «Сизлар, қурувчилар рад этган тош бурчактош бўлгани ҳақида муқаддас китобдан ўқимаганмисиз? Парвардигор томонидан бўлган бу иш бизга ғалати туюлади. Шунинг учун сизларга айтаман: Аллоҳнинг подшоҳлиги сиздан тортиб олинади ва унинг меваларини берадиган халққа берилади. Ким бу тош устига йиқилса шикастланади ва бу тош кимнинг устига йиқилса уни янчиб ташлайди». (Матвей инжили – 21:33-44).

Ушбу текстга кўра, Аллоҳнинг пайғамбарларига итоат этмаган ва уларга қарши уруш қилиб уларни ўлдирган яҳудийларга Исо ﷺ мисол келтирмоқда. Буни Қуръон Каримда келган қуйидаги оятлар тасдиқлайди:

﴿أَفَلَمْآ جَاءكُمْ رَسُولٌ بَمَا لَا تَهْوَىٰ أَنفُسُكُمْ أَسْتَكْبِرْتُمْ فَفَرِقَآ كَذَّبْتُمْ وَفَرِقَآ تَقْتُلُونَ﴾

«Ҳар қачон бир Пайғамбар сизларга ёқмайдиган нарса (оятлар) билан келса, бировини ёлғончи деб, бировини ўлдираверасизларми?» [Бақара 78]

Мисолда келтирилган узум етиштирувчилар яҳудийлардир ва уларга юборилган хизматчилар пайғамбарлардир. Бу яҳудийларга лойиқ жазо уларни ҳалок қилиш ва улардан подшоҳликни тортиб олишдир. Бу ерда подшоҳликдан мурод пайғамбарлик бўлиб, у бошқа умматга ўтказилиши учун яҳудийлардан тортиб олинди: **«Шунинг учун мен сизларга айтаман: Аллоҳнинг подшоҳлиги сизлардан тортиб олинади ва унинг меваларини берадиган умматга берилади»**. Подшоҳлик бериладиган ва пайғамбарликни қабул қиладиган Умматга келсак, у юқорида келтирилган текстда келтирилганидек, қурувчилар рад этган, тамал (бурчак) тоши бўлган умматдир: **«Сизлар, қурувчилар рад этган тош тамал тоши бўлгани ҳақида муқаддас китобдан ўқимаганмисиз? Парвардигор томонидан бўлган бу иш бизга ғалати туюлади»**... Қурувчилар рад этган тошга келсак, у саййидимиз Исмоил ﷺ ва унинг наслдир. Яҳудийлар саййидимиз Исмоилни ва унинг ўғлини рад этишди. Чунки уларнинг даъво қилишича, у жориянинг ўғлидир.

Павлуснинг Ғалатам аҳлига йўллаган мактубида шундай келади: **«Қонун остида бўлишни истаганлар, менга айтингчи, сизлар қонунни тингламайсизларми? Чунки Иброҳимнинг иккита ўғли борлиги, уларнинг бири жориядан ва иккинчиси ҳур аёлдан бўлиши ёзилган. Лекин, жориядан туғилган бола, танага кўра туғилади. Ҳур аёлдан туғилган бола эса, ваъдага биноан туғилади. Бу ерда рамзий маъно бор. Бу**

иккита аҳд: Уларнинг бири Сино (Синай) тоғидан қулликни туғдирадиган Ҳожар. Чунки Ҳожар Арабистондаги Сино тоғини англатади ва у ҳозирги Қуддусга тўғри келади. Чунки у болалари билан қулликда. Аммо барчамизнинг онамиз бўлган юқори Қуддус-Иерусалимга келсак, у озод. Чунки шундай ёзилган: «Эй туғмайдиган бепушт, хурсанд бўл. Эй тўлғоқ аламини тотмаган аёл, ҳайқириб қичқир. Чунки ташлаб кетилганнинг болалари эри борникидан кўпроқдир». Аммо биз, эй биродарлар, Исҳоқ тилаган ва ваъда қилинган болалармиз. Аммо, ўша пайтда танага кўра туғилган, руҳга кўра туғилганни қувғин қилганидек, ҳозир ҳам шундай бўлмоқда. Лекин муқаддас китобда нима дейилган? «Жорияни ва унинг ўғлини қувиб чиқаринг. Чунки жориянинг ўғли, ҳурнинг ўғли билан меросхўр бўлмайди». Демак, эй биродарлар, биз жориянинг болалари эмасмиз, балки ҳурнинг болаларимиз». (Галатамликларга, 4:21-31). Саййидимиз Исмоил ﷺ ва унинг насли, текстда келганидек онаси Ҳожар жория, жориянинг ўғли меросхўр бўлмайди деган баҳона билан рад этилди.

Рад этилган тош саййидимиз Исмоил ﷺ ва унинг наслидир. Пайғамбарлик Бану Исроилдан тортиб олиниб, Исмоил умматига берилади. Бу башорат Масиҳдан кейин пайғамбарликни Исмоил ﷺнинг наслидан бири қабул қилиб олади. Тарихий жиҳатдан исботланганидек, ўша вақтдан бери Исмоилнинг наслида Муҳаммад ﷺдан бошқа пайғамбар келмаган. Демак, Пайғамбар ﷺ қуйида келтирилган ҳадисда айтганларидек, бурчактош Пайғамбар Муҳаммад ﷺ дир:

«إِنَّ مَتَلِي وَمَثَلَ الْأَنْبِيَاءِ مِنْ قَبْلِي كَمَثَلِ رَجُلٍ بَنَى بَيْتًا، فَأَحْسَنَهُ وَأَجْمَلَهُ إِلَّا مَوْضِعَ لَبَنَةٍ مِنْ زَاوِيَةٍ، فَجَعَلَ النَّاسُ يَطُوفُونَ بِهِ، وَيَعْجَبُونَ لَهُ، وَيَقُولُونَ: هَلَّا وُضِعَتْ هَذِهِ اللَّبَنَةُ؟ فَأَنَا اللَّبَنَةُ، وَأَنَا خَاتَمُ

النَّبِيِّينَ»

«Менинг ва мендан аввалги анбиёларнинг мисоли худди бир уйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан бир ғиштнинг ўрнини қолдириб қўйган кишига ўхшайди. Одамлар уни айланиб кўриб, қойил қолишади ва мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганда эди, дейишади. Мен ўша ғиштман. Мен набийларнинг хотимиман».

Бошқа томондан, текстда пайғамбарлик уларда бўладиган умматнинг сифатлари қуйидагича келтирилади: «... **Узумзорни меваларни ўз вақтида берадиган бошқа узум етиштирувчиларга беради**». Чунки улар ибодатларни ўз вақтида адо этадилар ва бу ушбу умматнинг хос белгиларидандир.

Бу ибодатларнинг аксари вақтларга боғланган. Масалан, намознинг белгиланган вақтлари бор. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا مَوْقُوتًا﴾

«Албатта, намоз мўминларга (вақти) тайинланган фарз бўлди» [Нисо 103]

Рўзанинг ҳам маълум кунлари бор. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٨٤﴾ أَيَّامًا مَّعْدُودَاتٍ فَمَن كَانَ مِنكُم مَّرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ﴾

«Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда тутати» [Бақара 183]

Ҳаж маълум кунларда адо этилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿الْحُجُّ أَشْهُرٌ مَّعْلُومَاتٌ﴾

«Ҳаж (мавсуми) маълум ойлардир» [Бақара 197]

Барча турдаги закотлар ҳам вақтларга боғланган. Масалан, мол, чорва ва савдо товарлари нисобга етиб бир йил ўтганидан кейин берилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари закоти ҳам йиғим-терим вақтида берилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَتُوا حَقَّهُ يَوْمَ حَصَادِهِ﴾

«Ўрим-терим кунда (бечора-мискинларга) ҳаққини беринглар» [141]

Юқорида келтирилганлардан аён бўладики, ушбу башорат Мухаммад ﷺнинг пайғамбарлигига тўлиқ мос келади ва буни фақат худосиз даҳрийгина инкор этиши мумкин.

• **Қачон ҳақиқат руҳи келса, у сизларни ҳаққа бошлайди**

Юҳанно инжилида шундай келади: **«Агар мени севсангиз, васиятларимга риоя қилинг. Мен отамдан сўрайман, у сизларга бошқа халоскорни беради. Токи, у сизлар билан абадий қолсин».** (Юҳанно инжили: 14-15). Юҳанно инжилида келтирилган ушбу жумла, Исо ибн Марям ﷺнинг ўз шогирдларига ўзидан кейин Мухаммад ﷺнинг пайғамбар қилиб юборилиши тўғрисида берган башоратларидан биридир. Асл нусхада келишича, Исо ﷺ Мухаммад ﷺнинг пайғамбарлиги тўғрисида «Аҳмад» исми орқали башорат қилган. Бироқ, таржимонлар ушбу атоқли отни сифатга ўзгартириб, уни «PERIQLYTOS» ёки «PARACLYTOS» деб

номлашган. Бу – кўп ҳамд айтувчи деган маънони англатади. Сўнг бу сўзни араб тилига «المعزّي халоскор» деб таржима қилишган. Улар саййидимиз Муҳаммад ﷺни эътироф этишдан қочиб, «Халоскор» сўзини танлашган. Ҳолбуки, бу маъно воқеликка асло тўғри келмайди, балки, Аҳмад исмининг сўзма-сўз маъноси воқеликка тўғри келади. Чунки у саййидимиз Исо ﷺдан кейин пайғамбар қилиб юборилган ва айтилган сифатларнинг ҳаммасига эга бўлган.

Бу ҳақда Юҳанно инжилида батафсил келади. Исо ﷺ жўнаб кетишидан олдин шогирдларига инсон сифатида шундай дейди: **«Аммо мен сизларга ҳақиқатни айтаман. Менинг жўнаб кетишим сизлар учун яхшидир. Чунки мен жўнаб кетмасам сизларга халоскор келмайди».** (Юҳанно инжили – 16:7). Сўнг, Исо ﷺ ўша халоскор ҳақидаги сўзини давом эттириб шундай дейди: **«Мен сизларга кўп нарсаларни айтишни истардим, лекин сизлар бунини ҳозир кўтара олмайсиз. Аммо қачон ўша ҳақиқат руҳи келса, у сизларни мукаммал ҳаққа бошлайди. У ўзидан келиб чиқиб гапирмайди, балки, эшитганини етказди ва нима бўлишини айтади».** (Юҳанно инжили – 16:12-13). Масих ﷺ жўнаб кетишидан олдин ўз шогирдларига ҳамма нарсани айтмаганлигини айтди. Уни бундан тўсган нарса, ўша пайтда уларнинг бу ишларни кўтара олмаслигидир. Бу билан, Масих ﷺ шариат ҳали мукаммал бўлмаганини ва ўзидан кейин келадиган Халоскор уни мукаммал қилишини билдириб шундай деди: **«Аммо қачон ўша ҳақиқат руҳи келса, у сизларни мукаммал ҳаққа бошлайди. У ўзидан келиб чиқиб гапирмайди, балки, эшитганини етказди ва нима бўлишини айтади».** Исо ﷺ ўша халоскорнинг ўзидан кейин келишини ва ундан яхшироқ бўлишини айтди.

Юқорида айтилганларнинг барчаси фақат Ислом пайғамбари Муҳаммад ﷺга тўғри келади. Чунки, айнан У Зот одамларни мукаммал ҳаққа бошладилар, уларга ягона Парвардигорларини танитдилар. Одамларнинг онгини, уларни қулга айлантирган, қалбларини Аллоҳдан бошқа сохта худоларга сажда қилишга йўналтирган афсоналардан тозаладилар. Инсонга ҳаётдаги ғояси ва ролини ўргатдилар. Яратувчи билан одамлар ўртасидаги тўғри алоқа қандай бўлишини, одамларнинг ўзаро алоқалари қандай бўлишини баён қилдилар. Шунингдек, бутун инсоният учун ҳар қандай жой ва ҳар қандай вақтда яроқли бўлган ҳамда Аллоҳ ўз бандасига фарз қилган қонунчилик асосларига ойдинлик киритдилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تَيِّدًا لِّكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَىٰ لِلْمُسْلِمِينَ﴾

«Сизга ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун хушxabар бўлган Китобни-Қуръонни нозил қилдик» [Наҳл 89]

Бундан ташқари, Исо ﷺ шундай дейди: **«У ўзидан келиб чиқиб гапирмайди, балки, эшитганини етказди»**. Бу у Зотнинг унга ваҳий қилинган пайғамбар эканлигини англатади ва бу Муҳаммад ﷺга мос келади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ ۗ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ﴾

«У (сизларга келтираётган Қуръонни) ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. Қуръон фақат (Аллоҳ томонидан пайғамбарга) ваҳий қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳидир» [Нажм 3-4]

Исо ﷺнинг: **«У сизларни мукамал ҳаққа бошлайди»**, деб айтган сўzlари, Муҳаммад ﷺнинг энг сўнгги пайғамбар эканлигига ва у Зот келтирган шариатнинг мукамаллигига мос келади. Шу ўринда табиий савол туғилади: «Исодан кейин Муҳаммад ﷺдан бошқа юқорида айтиб ўтилган барча фазилатларни ўзида жамлаган ҳамда мукамал шариатни келтириши билан энг сўнгги пайғамбар бўлган пайғамбар келганми? Исо ﷺнинг ушбу башоратларини Аллоҳ Таолонинг қуйидаги сўzlари ҳам тасдиқлайди:

﴿وَإِذْ قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ يَبْنِي إِسْرَائِيلَ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ مُّصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيَّ مِنَ التَّوْرَةِ وَمُبَشِّرًا بِرَسُولٍ يَأْتِي مِنْ بَعْدِي اسْمُهُ أَحْمَدٌ فَلَمَّا جَاءَهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ قَالُوا هَذَا سِحْرٌ مُّسِينٌ﴾

«Эсланг, Исо ибн Марям: «Эй Бану Исроил, албатта мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмили бир пайғамбар ҳақида хушxabар бергувчи бўлган ҳолда (юборилдим)», деган эди. Бас қачонки (Исо) уларга (ўзининг ҳақ пайғамбар эканлигига) аниқ-равшан ҳужжат-мўъжизалар келтиргач, улар: «Бу очик сеҳр», дедилар» [Соф 6] □

ҒАЙРИМУСУЛМОН ИНСОФЛИ МУФАККИР ВА ТАДҚИҚОТЧИЛАР РОСУЛУЛЛОҒ ﷺ ҲАҚЛАРИДА НИМА ДЕЙИШГАН

Қуйида ғайримусулмон инсофли муфаккир ва тадқиқотчиларнинг Аллоҳнинг росули Муҳаммад ﷺ ҳақларида айтган сўзларини келтирамиз. Динлари, фикрлари, давлатлари турли хил бўлган ва турли замонда баёнот берган ушбу инсонларнинг қуйидаги сўзларини агар шошилмай диққат билан ўқиб чиқадиган бўлсак – гарчи имон келтирмасдан айтган бўлсалар ҳам – сўзларидаги моҳиятни кўрсатиб беради. Яъни, бу ерда энг муҳим нарса бошқалар томонидан эътироф этилганидир. Бу гапларни гапирган кишиларнинг даражаси ўз халқлари томонидан тан олинган. Шу жиҳатдан улар вақти-вақти билан Росулulloғга ҳужум қилаётган анави ичқора кимсалар каби эмаслар. Зеро, бутун оламга раҳмат бўлмиш Росулulloғ ﷺга қарши бўлган бу кимсаларнинг сиёсийлашган шубҳа уйғотувчи гаплари ва қилмишлари ортида Ғарб давлатларининг режимлари ва разведкалари турибди. Бу иш Исломга қарши уни ҳазорат, ҳаётий йўл ва бошқарув ёки ўзларининг тили билан айтганда «сиёсий ислом», деган эътиборда олиб борилаётган қутурган кампания доирасида кетмоқда.

Немис адиби Гёте бундай деган:

«Биз Европа халқи барча тушунчаларимиз билан Муҳаммад етиб борган даражага етиб боролмаганмиз. Келажакда ҳам бирор киши унинг олдига туша олмайди. Мен тарихдан олий идеални қидирдим ва уни пайғамбар Муҳаммадда топдим. Тавҳид каломи билан бутун дунёни забт этган пайғамбар Муҳаммад муваффақиятга эришгани каби ҳақ ғолиб келиши ва олий бўлиши шарт».

Махатма Ганди «Young India» газетасига бундай деган:

«Мен бу миллионлаган инсонлар қалбини ҳеч бир рақобатчисиз эгаллашга муваффақ бўлган инсоннинг сифатларини билишни истадим. Дарҳақиқат, шунга тўлиқ амин бўлдимки, Исломнинг ўз даражасини эгаллаши учун восита қилич бўлмаган. Балки бу Росулнинг оддий инсонийлиги, ваъдаларга диққатли ва содиқ эканлиги, дўстлари ва тобеларига фидоийлиги ва холислиги, Роббисига ва ўз

рисоласига мутлақ ишончда бўлиб, шижоатлилиги орқали бўлган. Унинг йўлини очган, қийинчиликларни енган айнан мана шу сифатлардир. Муҳаммад уларни қилич билан енгмаган. «Ҳаёти Росул»нинг иккинчи қисмини ўқиб тугатганимдан сўнг унинг буюк ҳаёти ҳақида кўпроқ билиш учун кўпроқ нарсага эга эмаслигимдан жуда афсусландим».

Профессор Рамакришна Рао ўзининг «Муҳаммад Пайғамбар» номли китобида бундай дейди:

«Муҳаммад шахсини ҳар бир қирраларини билмоқ мумкин эмас. Бироқ мен имконим борича унинг ҳаёти ҳақида бетакрор чиройли тасвири била оламан. Қаранг, Муҳаммад Пайғамбар, Муҳаммад жангчи, Муҳаммад тижорат тадбиркори, Муҳаммад сиёсий арбоб, Муҳаммад имом-хатиб, Муҳаммад ислоҳчи, Муҳаммад етимпарвар ва қуллар ҳомийси, Муҳаммад аёллар озодчиси, Муҳаммад қози... Инсон ҳаётининг барча жабҳаларидаги бу ва бошқа ажойиб роллар уни қахрамон бўлишга лойиқ зотга айлантирган».

Канадалик шарқшунос доктор Цвемер ўзининг «Шарқ ва одатлари» китобида бундай дейди:

«Муҳаммад мусулмонларнинг энг буюк етакчиси бўлган ва бунга шубҳа йўқ. Бунинг яна бир тасдиқи, Муҳаммаднинг қодир ислоҳчи, фасоҳат ва балоғатли нотиқ, буюк муфаккир бўлганидир. Унга мана шу фазилатларга зид нарсаларни нисбат беришимиз ножоиздир. Ушбу даъвонинг тўғрилигига унинг олиб келган Қуръони ва у яшаб кўрсатган тарихи гувоҳлик бериб турибди».

Немис шарқшуноси Бартли Сент-Хеллер ўзининг «Шарқлилар ва уларнинг эътиқодлари» китобида бундай дейди:

«Муҳаммад давлат раҳбари бўлиб, халқ ҳаёти ва озодлигига ҳушёр қараган. Жиноят содир этган шахсларни ўша замоннинг ҳолати ва Муҳаммад пайғамбар яшаган ўша ваҳший жамоалар аҳволини ҳисобга олган ҳолда жазолаган. Пайғамбар ягона илоҳий динга даъват қилар экан, бу даъватида мулойим ва раҳмли бўлган, ҳатто ўз душманларига нисбатан ҳам. Унинг шахсиятида икки фазилат бўлган ва айна шу фазилатлар инсоният қалбига жойлашган: улар адолат ва раҳмат фазилатидир».

Инглиз муфаккири Бернард Шоу Британ ҳокимияти томонидан ёқиб юборилган ўзининг «Муҳаммад» номли китобида бундай дейди:

«Дунё Муҳаммад каби фикрловчи кишига жуда муҳтож. Бу пайғамбар ўз динини ҳурмат ва улуғлик мақомида ушлаб турган. Чунки бу то абадул-абад барча маданиятларни ҳазм қилувчи диндир. Мен ўз халқим орасида бу динга ҳужжат асосида кирган инсонларни кўрдим. Бу дин айни қитъада (Европада) ўзининг кенг доирасини топажак. Ўрта асрлардаги диндорлар, илмсизлик ва таассуб сабабли, Муҳаммаднинг дини қора қилиб тасвирланди. Уни масиҳий динига душман деб билишарди. Бироқ мен бу инсоннинг иши билан яхши танишиб чиқдим ва ажойиб мўъжиза деб топдим. Бу дин масиҳий динига душман эмас, аксинча уни инсониятнинг халоскори деб аташ керак, деган хулосага келдим. Фикримча, агар Муҳаммаднинг дини бугун бутун дунё ишини бошқарганда эди, муаммоларимизга тинчлик ва бахт-саодат билан таъминловчи ечим бера олган бўлур эди, зотан, бунга бутун инсоният кўз тикиб турибди».

Сомий тиллар бўйича профессор Сенерстен Алясужи «Муҳаммад Пайғамбар ҳаёти» номли китобда бундай дейди:

«Агар биз Муҳаммаддаги буюк фазилатларни, улуғ сифатларни инкор этадиган бўлсак, бундай инсонга нисбатан инсоф қилмаган бўламиз. Зотан, Муҳаммад ўз принципиди қатъий туриб, жаҳолат ва ваҳшийликка қарши соғлом ҳаётий жанг олиб борди, тоғутларга қарши курашни тўхтатмади ва ниҳоят, очиқ нусратни қўлга киритди, унинг шариати энг мукамал шариатга айланди, ўзи эса, тарихдаги буюк шахслардан устун бўлди».

Майкл Харт ўзининг «Тарихдаги энг буюк 100 киши» номли китобиди бундай дейди:

Тарихдаги менинг энг буюк ва энг муҳим шахсни танлашим Муҳаммад бўлди. Эҳтимол ўқувчилар ҳайрон бўлишар. Бироқ, тарихда ҳам диний, ҳам дунёвий даражада энг юқори муваффақиятни қўлга киритган ягона шахс Муҳаммаддир. Буюк рисолалар бошлаган росуллар, пайғамбарлар ва ҳакимлар кўп бўлган. Лекин ўзининг диний рисоласини тамомига етказиб бажарган, аҳкомларини белгилаб берган ва унинг ҳаётида бутун халқлар имон келтирган шахс фақат Муҳаммаддир. Бунинг сабаби, у дин ёнига буюк давлатни ҳам барпо қилди. Чунки Муҳаммад ушбу дунёвий соҳада ҳам қабилаларни битта халққа, халқларни битта умматга айлантирди ва бу умматга қандай яшаши учун асос белгилаб, дунёвий ишларини юритиш йўлини

чизиб берди ва бутун олам сари қадам ташловчи умматга айлантирди».

Адабиёти инсоният меросидаги адабиётларнинг, энг жозибалиси саналган бутунжаҳон адиби Лев Толстой бундай деган:

«Муҳаммад у билан фахрланиш керак бўлган шахс. Чунки у ёмон одатлар шайтонларининг чангалида хор бўлиб, қони оқиб яшаган миллатни қутқарди, улар қаршисида тараққиёт ва ривожланиш дарвозаларини очиб берди. Муҳаммаднинг шариати албатта бутун дунёга ҳукмрон бўлажак. Чунки у ақлга ва ҳикматга уйғун шариатдир».

Австриялик доктор Шпарк бундай дейди:

Инсоният Муҳаммад каби инсонга мансуб бўлишни ўзи учун фахр деб билади. Чунки у бундан ўн тўрт аср аввал оми инсон бўлишига қарамай, шариат олиб келишга қодир бўлди. Биз европаликлар, қачон Муҳаммад етган даражасига етсак, ўзимизни энг бахтиёр ҳисоблаган бўлур эдик».

Британиялик файласуф Нобел мукофоти совриндори Томас Карлейль ўзининг «Қаҳрамонлар» китобида бундай дейди:

«Ушбу асрда ҳар қандай кимса учун «ислом дини ёлғон, Муҳаммад сохтакор алдамчи» каби айтилаётган гапларга ишониш уят ҳисобланади. Биз бундай хижолатли аҳмоқона гапларнинг тарқалишига қарши курашмоғимиз лозим. Чунки бу пайғамбар адо этган рисола ўн икки аср икки юз миллион инсон учун нурли чироқ бўлиб келди. Хўш, мана шу рисола билан сон-саноксиз миллионлаб инсонлар яшаган ва вафот этган бўлса-ю, қай бирингиз уни биз ёлғон ва алдов, деб ўйлаши мумкин?!».

Филип Хитти бундай дейди:

«Ислом ҳаёт йўлидир. У шу нуқтаи назардан учта асосий жиҳатдан ташкил топади: диний жиҳат, сиёсий жиҳат ва маданий-сақофий жиҳат. Бу уч жиҳат ўзаро боғланган ва ўзаро таъсирланган бўлиб, эҳтимол биз сезмаган ҳолда бир-бирига қоришиб кетиши мумкин». Яна бундай дейди: «Ислом шариати диний ва дунёвийга ажратмайди. Балки инсоннинг Аллоҳ билан бўлган алоқасини, Аллоҳ олдидаги бурч-вазифаларини белгилаб, худди биз бирор инсоннинг ўз ака-укаси билан бўлган алоқасини билганимиздек, тартибга солиб берган. Аллоҳнинг диний ва дунёвий ишлар билан боғлиқ барча буйруқ ва қайтариқлари Қуръонда битиб қўйилган. Қуръонда олти минг

ёки ундан кўпроқ оят бор ва улардан мингга яқини шариат ҳақидадир».

М. Ж. Дроний бундай дейди:

«Исломда биринчи навбатда шахсий гигиена ва соғлиққа катта аҳамият берилади, тадбир ва маросимлар тозалигига эмас. Исломдаги чўмилиш бошқаларнинг одатий чўмилишидан улкан фарқ қилади. Мусулмонлар маълум таомлардан уларнинг инсон ахлоқига зарарли оқибатлари сабабли тийиладилар. Ислом маст қилувчи ичимликларни ҳаром қилган. Чунки у инсонни ҳайвонга айлантиради. Кунда беш вақт намоз ўқиш кишини нопокликдан ва алам-азиятлардан узоқ қилади. Кейин рўза ойи. Бу ойда мусулмон ейиш-ичиш ва ҳатто сигарет чекишдан кун бўйи тийилади. Ахир, бу мусулмон тарбияланадиган ҳамда қийинчиликларга чидашга ўзини чиниқтирадиган, шаҳват ва майллари устидан ҳукмрон қиладиган интизом учун ажойиб вақт-ку». Яна бундай дейди: «Адолат ва инсонпарварлик соҳасида ҳам, донолик ва шафқат соҳасида ҳам қонун даражасида Ислом қонуни дунё динлари орасида беқиёсдир. Чунки у кишини ўз яқинлари, оиласи, қўни-қўшнилари, жамияти ва ўзи мансуб бўлган уммат олдидаги вазифаларини белгилаб берган. Ислом қонуни шу даражада кенгки, уни бир неча сатрлар билан изоҳлаш мушкул. Мен бу қонуннинг кўзланган мақсадни тезда амалга ошириб берадиган икки сифатини айтиш билан кифояланаман. Биринчиси, ушбу қонун тенгликка ва қалб тириклигига асосланган, унга ёт ақлга эмас. Бунинг маъноси, Ислом қонуни замонга уйғун ва ҳар вақтга яроқли деганидир. Қонундаги мужассам ушбу сифат ҳам янги, ҳам замонавий бўлиб, вақт ўтиши билан асло эскирмайди, қадимга ёки даҳрга айланмайди. Иккинчи сифат: Ислом қонуни шахсларга ва шахсий хусусиятга хос эмас. У имтиёзлар ёки синфларни тан олмайди. Туғилган жой ёки бадавлатлик ёхуд макон-даражани ажратмайди. Чунки подшоҳ ҳам, деҳқон ҳам, тиланчи ҳам, миллиардер ҳам, ҳамма-ҳамма Ислом қонуни олдида бир хил-тенг. Бу хусусда Ислом тарихида юзлаб ҳужжат-гувоҳлар хазинаси бор. Улар бизга қандай қилиб мусулмон подшоҳлар қозилар буйруғига итоат қилишганини ва турли масалаларда ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида қозини олдида хусуматлашаётган киши билан елкама-елка туришганини ҳикоя қилади. ҳатто улуғ пайғамбарнинг ўзи ҳам бир марта «**Агар Мухаммаднинг қизи Фотима ўғрилиқ қилса ҳам албатта унинг қўлини кесишини**», айтган».

Насрий Сахлиб бундай деган:

«Ислом барча замонга яроқли ва барча халқлар учун тайёр бўлган диндир. У фақат мусулмонларга ҳам, пайғамбар асрдошлари билан Ярим оролда яшаган арабларга ҳам хос эмас. Муҳаммад пайғамбар арабларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам хос пайғамбари эмас. Балки, у Аллоҳга ва қиёмат кунига, пайғамбарларга, нозил бўлган китобларга ишонувчи ҳар бир кишининг пайғамбаридир». Яна бундай дейди: «Араб пайғамбардан олдинги пайғамбар ва росулларни ҳам ҳурмат қиладиган Исломдек дин йўқ. У мўминларга ушбу пайғамбарларни ҳурмат қилиб, уларга ишонишни буюрган. Ваҳи ва нузул билан келган аввалги бошқа динларни ҳурмат қилувчи Исломдек дин бошқа йўқ».

Гюстав Лебон бундай дейди:

«Қуръоннинг тарқалишидаги омил куч бўлган эмас. Араблар жангда мағлуб бўлганларни ўз динларида эркин қолдирганлар. Агар бирор насроний қавм Исломни қабул қилган ва араб тилини ўз тилларига айлантирган бўлса, демак бунинг сабаби ўзларининг хўжайинларида кўрмаган адолатни жангда ғолиб бўлган арабларда кўрганликлари ҳамда Исломдаги илгари бирор марта кўришмаган енгилликдир.

Зигрид Хунке бундай деган:

«إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ لَا» Динга зўрлаб киритиш йўқ». Бу Қуръони Каримнинг амри. Шу амрга биноан араблар ўзлари енган халқларни Исломга киришга мажбурламаганлар. Масиҳийлар, зардуштийлар ва яҳудийлар Ислом келишидан олдин диний мутаассибликда энг хунук ва жирканч бўлишган. Ислом келиб, уларнинг барчасига ўз динлари бўйича ибодат қилишга ҳеч қандай тўсиқсиз рухсат берди. Мусулмонлар уларга ҳеч қандай озорланмаган ҳолда ўз уйларингизда ибодат қилиш, чўқиниш ва роҳиблик қилишингиз мумкин, дедилар. Мана шундай чексиз енгиллик-рухсат бўлиши мумкинми?! Тарихда шундай ишлар аввал кузатилганми, қачон бўлган?! Византияликларнинг очиқ зулми, испанларнинг даҳшатли қилмишлари ва яҳудийларнинг репрессияси ортидан эркин нафас олмаган ким бор?! Мусулмон ҳукмдорлар ва хўжайинлар бу халқларнинг ички ишларига умуман аралашмадилар. Ўн тўққизинчи асрда Қуддус патриархи ўз акаси Константинопол патриархига ёзган мактубида араблар ҳақида «улар одилликлари билан ажралиб турадилар, бизга асло зулм қилмайдилар, бизга нисбатан ҳеч қандай зўравонлик қўлламайдилар», деган эди». □

«Исроил» Ички ишлар вазири: Араб ҳукмдорлари фақат минишга яроқлидир

«Исроил» ички ишлар вазири хохом Арье Дери иброний «Хидапруд» веб-сайтига берган интервьюсида Амирликлар билан «Исроил» ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш шартномасида келган айрим келишувларни қоралаб, жумладан шундай деди: «Араб ҳукмдорлари юртимизга яҳудийларга хизмат қилиш учун келишлари керак, уларни ҳамкорлар сифатида қабул қилмаслигимиз керак». Яна бундай деди: «Яҳудийлар билан мусулмонлар ўртасида ҳеч қандай стратегик тинчлик бўлиши мумкин эмас. Араблар Мусонинг минадиган ҳайвонидирлар. Биз уларни сўнгги манзилга етиб олишимиз учун фақат ҳайвон қилиб минишимиз лозим! Ҳайвонга янги эгар-жабдуқ сотиб олиш, яхши ем-хашак тайёрлаш эгасининг вазифаси. Бироқ эгаси унга фақат миниладиган восита, деган эътиборда қараши лозим! Ҳайвоннинг жойи отхонадир, улардан ҳеч бири қабулхонага боришга ҳақли эмас! Қуръон мусулмонларнинг китоби бўлиб қолаверар экан, улар яҳудийларнинг душмани бўлиб қолаверади. Араблар Иброҳимнинг чўриси Ҳожарнинг авлодлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам яҳудийларнинг қуллари бўлишлари керак. Яҳудий халқи Аллоҳнинг мухтор (танланган) халқидирлар. У рисолани кўтариб чиққан халқ бўлиб, бу мақомга ундан бошқа ҳеч ким ҳақли эмас. Ким бу ҳақни иддао қилса, азобга лойиқдир».

Ал-Ваъй: Яҳудийлар то қиёматга қадар Аллоҳнинг наздида мағзубун алайҳим (ғазабга маҳкум)дирлар. Улар ҳақида Ҳақ Таоло бундай деган:

﴿وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكَ لَيَبْعَثَنَّ عَلَيْهِمْ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ مَنْ يَسُومُهُمْ سُوءَ الْعَذَابِ﴾

«Ўшанда Роббингиз албатта уларнинг устига қиёмат кунигача ёмон азоб билан азоблайдиган зотларни юборишини билдирган эди» [Аъроф 167]

Чунки яҳудийлар қиёмат кунига қадар ҳидоятга юришмайди, бу дунёда Аллоҳнинг мўмин бандалари қўли билан расволикка дучор бўлажаклар, улардан кейин разил тентак амирлар ҳам шу аҳволга юз тутажак. Ана, Зойиднинг икки ўғлини кўринг, бир зумда яҳудийларнинг ўзидан ҳақорат ва хорликка учраб, уларнинг тилидан миниладиган ҳайвон сифатини олишди...

Охиратда оладиганлари эса, Аллоҳ Субҳанаҳунинг одил ҳукми бўлажак. Биз Аллоҳдан бу нажасларни охиратдан олдиноқ бу дунёда жазолашини сўраймиз.

Яна Исломни ҳақорат қилишди

Рианна Фентининг клипи кўплаб мусулмонлар ғазабини кўзғади. Бу поп кўшиқчиси ўзи ишлаб чиққан видеоклипда ички кийимлар намойиш қилинаётганда ҳадиси шарифдаги сўзларни қўллаган. Модел қизлар Рианнанинг айнаи кўшиқ клипига 2017 йил куй басталаган мусиқий продюссер Куку Хлоининг «Doom» мусиқаси остида ички кийимда рақсга тушишган ва бу клип ўтган жума куни «Amazon Prime» телеканалда намойиш этилган. Кўшиққа ҳадиси шарифдаги баъзи сўзлар, масалан, **«биз ҳозир бир йил ичида мушрикларни ўлдирамиз»**, деган сўз қўшилган. Кўшиқ учун қирқиб олинган бу сўзларнинг асли Абу Мусо Ашъарийнинг ривоятида келган бўлиб, ҳадисда Росулulloҳ ﷺ бундай деганлар:

﴿إِنَّ بَيْنَ يَدَيِ السَّاعَةِ لَهَرَجًا﴾، قَالَ قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا الْهَرَجُ؟ قَالَ الْقَتْلُ فَقَالَ بَعْضُ الْمُسْلِمِينَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّا نَقْتُلُ الْآنَ فِي الْعَامِ الْوَاحِدِ مِنَ الْمُشْرِكِينَ كَذَا وَكَذَا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْسَ بِقَتْلِ الْمُشْرِكِينَ، وَلَكِنْ يَقْتُلُ بَعْضُكُمْ بَعْضًا حَتَّى يَقْتُلَ الرَّجُلُ جَارَهُ وَابْنَ عَمِّهِ وَذَا قَرَابَتِهِ، فَقَالَ بَعْضُ الْقَوْمِ يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَعَنَا عُقُولُنَا ذَلِكَ الْيَوْمُ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا، تَنْزِعُ عُقُولُ أَكْثَرِ ذَلِكَ الزَّمَانِ وَيُخْلَفُ لَهُ هَبَاءٌ مِنَ النَّاسِ لَا عُقُولَ لَهُمْ...».

«Қиёат соатида ҳарж бўлади. Абу Мусо – ё Росулulloҳ, ҳарж нима, деб сўради. Росулulloҳ «Ўлдириш», дедилар. Мусулмонлардан бири – ё Росулulloҳ, биз ҳозир бир йил ичида мушрикларни бундай-бундай қилиб ўлдирамизми? – деди. Росулulloҳ дедилар: Мушрикларни эмас, балки бир-бирингизни ўлдирасизлар, ҳатто киши ўз кўшнисини ҳам, амакиваччасини ҳам, қариндошларини ҳам ўлдираверади. Қавмдан бири – ё Росулulloҳ, ўша кунда ақлларимиз ўзимизда бўладими? – деди. Росулulloҳ – «У замонда кўпчиликнинг ақли жойида бўлмайди, ортидан эса, ақлсиз инсонлар чанг каби кўп бўладилар...».

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Муслмон муслмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Ал-Ваъй: Ислом ҳаёт майдонига қайтиш билан Ғарб раҳбарларига таҳдид солиб, ҳаловатларини бузаверар экан, улар хотиржам бўлишолмайди. Биз Исломни ҳақорат қилишдек иблислар сиёсатига етакчилик қилаётган бу ғарблик раҳбарларга шу адоватларинг билан ўлиб кетинглар, Аллоҳ Субҳанаҳу сенлар қўрқаётган нарсани албатта рўёбга чиқаради, деймиз.</p>		
<p>Туркия эронлик фаолларни Эрон режимига топширмақда</p>		
<p>Эрон фаолларга ҳамда муҳолафат аъзоларига юрт ичкараси ва ташқарисиди ҳам тазйиқ ўтказишда жонбозлик кўрсатяпти. Бунга фаол Ҳамида Сорий Аҳвозиянинг ҳолати яққол мисол. Твиттердан фойдаланувчилар тарқатган видеода Ҳамида Сорий Туркия миграция бўлими менга 20 кун ичида Туркияни тарк қилишимни айтган эди, бироқ ҳозир мени Эрон режимига топширяпти, деган сўзларни айтган. Ҳамида Сорий бу аҳволга тушганларнинг биринчиси эмас. Туркия режими илгари ҳам турк тупроғида фаолият қилаётган бир неча эронлик муҳолафат аъзоларига таҳдид қилиб, экстрадиция қилган. Сўнгги йилларда араб, курд ва бошқа турли миллатларга мансуб кўплаб эронлик қочқинлар турклар томонидан тазйиқларга учраб, Эронга экстрадиция қилинди. Ҳатто турк ерида Эрон режими разведка жосуслари томонидан эронлик фаолларга суиқасд қилиш ва ўғирлаб кетиш операциялари ҳам ўтказилди. Турк режими 2018 йилдаги Эрон намоишида қатнашган фаолларни ҳам экстрадиция қилган. Улар Туркияга қочиб келиб, БМТнинг қочқинлар бўйича олий комиссариатидан бошпана сўрашган эди. Туркия эса уларни Эрон режими қўлига топширган. Муҳаммад Ражабий, Саид Тамжидий, Амирхусайн Муродийлар шулар жумласидан бўлиб, Эрон буларга қатл ҳукмини чиқарди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Эрдоган бошчилигидаги турк сиёсий режимининг бундай хатти-ҳаракатининг ҳеч қандай даражада Аллоҳ Субҳанаҳуга алоқаси йўқ, балки, бу АҚШ сиёсати билан мувофиқлашишдан ўзга нарса эмас. Бу ҳаммага кундек равшан нарса, буни фақат кўрларгина кўрмайди, холос.</p>		
<p>Али Хоманай минтақадаги сиёсатини АҚШ режасига кўра ўзгартиришга ўз халқини тайёрляптими?!</p>		
<p>Эрон Республикаси олий раҳнамози Али Хоманай Эрон-Ироқ урушининг 40 йиллигини нишонлар экан, ўзидан олдинги Эрон раҳбари Хумайнийнинг «заҳар косаси»дан шимириш қарорини</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
-----------------------------------	--	-----------------------------------

олқишлади. Маълумки, заҳар косасидан симириш айни урушда юз минглаб одамларнинг ҳалок бўлганини аламли эътирофи рамзи сифатида кўрилади. На ғолиб, на мағлуб бўлган бу урушдан Эрон ҳеч қандай муқобилсиз оғир маҳрумлик билан чиққан. Хоманайнинг баёнотлари унинг АҚШ санкциялари оқибатида ҳам заҳар косадан симиришга тайёрланаётган бўлиши мумкинлигига бир ишора сифатида талқин қилинди. Хоманайнинг Қосим Сулаймонийнинг ўлдирилишидан сўнг худди таслим бўлгандек руҳда твиттерда бундай дея сўзларни ёзгани айтилади: «Мен имом Ҳасан Мужтабо (Али розияллоҳунинг ўғли)ни Ислом тарихидаги энг жасур шахс, деб биламан. Чунки у ҳақиқий манфаат йўлида асҳоблари ва яқинлари ўртасида ўзини ва номини қурбон этишга тайёр бўлиб, сулҳга итоат қилган. Шу орқали Ислом ва Қуръонни сақлаган, келаси авлодга ўзининг даври ҳақида йўлланма қолдирган».

Ал-Ваъй: Эрон АҚШ учун минтақадаги сиёсатида ишонувчи энг муҳим давлатлардан бири ҳисобланади. Америка томонидан берилаётган баёнотларни диққат билан кузатган киши шунга гувоҳ бўладики, Трамп Эрондан минтақадаги сиёсатини илгари Америка манфаати томонига йўналтирилган ролини янги томонга ўзгартиришини истамоқда. Бу янги роль Трампга хос бўлмай, балки, АҚШ ташқи сиёсати доирасида ишлаб чиқилган.

Шунинг учун бугунги кунда мусулмонлардан ушбу янги ролнинг моҳиятини диққат билан тушуниб олишлари ва уни фош этиб, ундан эҳтиёт бўлмоқлари талаб қилинмоқда. Эрон режимига келсак, афтидан, у айни ўзгариш палласида турган кўринади. Бироқ Эрон халқини бунга ишонтириши керак ва бу осон иш эмас. Чунки аввалги шиорларидан воз кечиш билан уларнинг ишончидан чиқиб қолиши турган гап. Ахир, собиқ шиорлари билан жуда кўп эронликларни алдаб келган. Шунинг учун мазкур твиттер баёнотлари аввало Эрон халқига қаратилган.

Саудия-Амирликлар-Мисрнинг уйғурларни мажбуран Хитойга депортация қилишгани тўғрисида маълумот

«Би-Би-Си» нашр қилган мақоладан Саудия, Миср ва Амирликлар режимларининг ўз ерларида уйғур ватандошларни ушлаб Хитойга мажбурий депортация қилишгани маълум бўлди. Мақолада бундай дейилади: «Биз Саудия, Амирликлар, Миср ва бошқа мамлакатларда одамларни қасддан таъқиб қилиш билан

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>боғлиқ кўп ишларни аниқладик. Ҳибсга олинган ва депортация қилинганлар орасида илм олгани келган заифа қизлар ва ҳаж зиёратчилари борлиги ҳақида эшитдик». Мақолада бир уйғурнинг – Саудияда 67, Мисрда 762 ҳибсга олиш амалиёти бўлди, деган сўзлари келтирилган. Британияда чиқадиган «Обзервер» газетасидаги яна бир мақола Хитойда уйғурларга қарши содир этилаётган қонунбузарликларга нисбатан мусулмон мамлакатларининг сукут сақлашаётгани билан қизиққан. «Обзервер»га кўра, 2019 йилда Покистон, Саудия, Амирликлар ва Жазоир сингари давлатлар БМТ томонидан айна масалада резолюция қабул қилинишини олдини олишга қаршилиқ қилишган. Резолюцияда Хитойдан уйғурлар яшовчи Шинжонга халқаро инспекторларнинг киришига рухсат бериш талаб қилинган.</p>		
<p>Саудия ташқи ишлар вазири Файсал ибн Фарҳон жорий йил 7 июлда берган баёнотида ўз мамлакати Хитой ерлари яхлитлигини қўллаб-қувватлашлигини билдирди. Бир вақтнинг ўзида, Пекиннинг озчилик уйғур мусулмонларга нисбатан содир этаётган қонунбузарликларини кўриб, ўзини кўрмасликка олди. Хитой оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга кўра, валиаҳд Муҳаммад ибн Салмон мамлакатимиз «терроризм ва экстремизмга қарши чоралар кўришдаги Хитойнинг ҳуқуқини қўллаб-қувватлайди», деди. «Франс-Пресс» ахборот агентлигининг январ ойида нашр қилган мақолада «Саудияда бир неча юз уйғурни сирли тақдир кутаётгани» ёзилди.</p>		
<p>2019 йил июлда Хитой Амирликларга «биз хитойлик расмийлар томонидан Шинжон вилоятида амалга оширилган хавфсизлик кампаниясини қўллаб-қувватлаймиз», дегани учун ташаккур изҳор этди. Миср режими 2017 йил июлда ўтказган кампанияда Азҳари Шарифда таҳсил олаётган шарқий туркистонлик талабалардан 500га яқинини қамоққа олди... Мисрнинг бундай чора-тадбири ҳуқуқ ҳимоячилари томонидан кескин танқидлар тўлқинини келтириб чиқарди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бугун Ислоннинг ҳаёт майдонига қайтишига қарши бутунжаҳон уруши кетаётган экан, мусулмон юртлари ҳукмдорлари урушнинг заҳарли ханжарлари бўлиб хизмат қилишмоқда... айна урушни бошлаганлар бу ханжарларни Умнат кўксига санчишмоқда. Умнат ҳукмдорларга ва уларнинг ортидаги хўжайинларига қарши қўзғолон кўтарганидан сўнг бу</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>ҳукмдорлар Умнатга, унинг динига қарши очиқдан-очиқ уруш очиб, унинг муқаддас даргоҳлари ва масалаларидан воз кечишни бошлашди. Бугун Умнат ўз динини ҳаёт майдонига қайтаришга ва бу йўлдан ҳаргиз қайтмасликка қатъий қарор қилган экан, афтидан, бу ҳақиқатни малай ҳукмдорлар чуқур англаб етган ҳамда энди малайлик давом этаверадиган замон тугаётганини пайқашган кўринади.</p>		
<p align="center">Гаровдан озод этилган француз аёли Ислонни қабул қилганини эълон этиш билан Макрон ва унинг илмонийлигининг инқирозга юз тутганини фош қилди</p>		
<p>Мали шимолидаги Гао шаҳрида қуролли гуруҳ томонидан ўғирлаб кетилиб, тўрт йил гаровда сақланган франциялик Софи Петронин 2020 йил 9 октябрда озод этилди. Аэропортда уни шахсан президент Макрон кутиб олди. Бироқ, гаровдан озод этилган аёл куйидаги кутилмаган сўзлари билан ҳаммани ҳайрон қолдирди: «Мен Аллоҳдан Малига баракот ва раҳмат сўрайман, чунки мен мусулмон бўлганман. Мени Софи дея атардинглар, аммо қаршингизда Марям турибди». Бу эълон бутун оммавий ахборот воситалари учун тасодиф, Ислонни ёмон кўрувчи Макрон учун эса кутилмаган зарба бўлди. У маъруза қилишни ва Ислонга таъна тошини отиш учун Софининг қайтиши муносабатидан фойдаланишни кўзлаб турган эди. Чунки бундан бир неча кун муқаддам жанжалларга сабаб бўлувчи баёнот бериб, Ислонни бутун дунёда инқирозни бошдан кечираётган дин, дея атаган эди. Натижада, Аэропортдан маъруза қилмай, ноумид аҳволда чиқиб кетди.</p>		
<p align="center">Бандар ибн Султоннинг баёноти Саудиянинг «Исроил»ни тан олишига яқин қолгани тўғрисидаги башоратларни келтириб чиқарди</p>		
<p>Саудиянинг Вашингтондаги собиқ элчиси ва собиқ разведка директори амир Бандар ибн Султоннинг «Арабийя» телеканалига берган интервьюсидан Саудиянинг «Исроил» билан муносабатларни нормаллаштиришга жуда мойиллиги, бир вақтнинг ўзида, Фаластин мавзусида ғоят экстремал позицияда эканлиги маълум бўлди. Ўз навбатида, унинг баёноти Саудиянинг «Исроил»ни тан олишига яқин қолганлиги тўғрисидаги башоратларни келтириб чиқарди. Бандар фаластинлик расмийларга ҳужум қилиб, Фаластин ҳужумларини</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>«тажовуз», «қоралашга лойиқ» ва «номақбул», деб атади. «Фаластин раҳбариятидан эшитганларим паст савияли, чиндан ҳам оғриқли ва таърифлаб бўлмайдиган гаплардир», деди. Сўнг «Уларнинг «орқадан пичоқ уриш ва хиёнат» деган сўзни ишлатишлари жуда ҳам ғалати бўлиб, бошқалар билан мана шундай муомала қилишади», дея қўшимча қилди. Амирнинг сўзларига кўра, «уларнинг Форс кўрфази раҳбарлари шаънини масхаралашга журъат қилишлари чидаб бўлмас, қабул қилиб бўлмасдир».</p> <p>Бандар баёнотларидан Саудия раҳбариятининг Фаластин раҳбариятига нисбатан экстремал позицияда экани кўриниб турибди. Илгари АҚШ президенти Дональд Трамп маъмурияти Яқин Шарқнинг энг йирик иқтисодий давлати ҳамда исломий муқаддас даргоҳлар маркази ҳисобланган Саудиянинг «Исроил» билан дипломатик муносабатлар эшигини очажагига умид қилаётганини билдирган эди. «Исроиллик» расмийлар Саудияга ўзлари учун йирик мукофот, ўлароқ қарашади.</p>		
<p>Америка Марокашни яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштиришни тезлаштириши учун Ғарбий Саҳара картаси билан шантаж қилмоқда</p>		
<p>Бирлашган Араб Амирликлари билан «Исроил» ўртасида муносабатларни нормаллаштириш шартномаси имзоланганиши ортидан Нетаньяху бир неча араб давлатлари билан махфий муносабатни ошқора қилишга интилмоқда. Бу давлатларнинг асосийларидан бири Марокашдир. Марокаш-«Исроил» ўртасидаги муносабатлар етмиш йилдан бери мавжуд. Уларнинг муносабати зимнига бир нечта секторлар кирган бўлиб, разведка ва ҳарбий сектор ҳаммасидан ҳам мустаҳкам ўринга эга. Чунки Марокаш бу босқинчи давлатдан қурол-яроғ сотиб олади. Яқинда 2020 йил бошида ундан учувчисиз бошқариладиган самолётлар сотиб олди. Икки давлат ўртасида «исроиллик» ва марокашлик партиялар ва шахслар ҳомийлиги остида йирик савдо айирбошлаши мавжуд. Демакки, муносабатларни нормаллаштириш, деган нарса Марокаш билан «Исроил» ўртасида эскидан бор. «Исроил» паспорти Марокашнинг аэропорт ва чегараларида ўтади-амал қилади. Марокашнинг шаҳар ва қишлоқларида яҳудийлар зиёратгоҳлари ва авлиёлари қадамжолари бўлиб, у ерларга «Исроил» сайёҳ гуруҳлари тинимсиз келиб туради. Марокашдаги тадбирлар,</p>		

фестиваллар ва теледастурларда «исроиллик» санъаткорлар, қўшиқчилар ва раққосаларнинг иштирок этаётгани вақти-вақти билан қулоғингизга чалинади... Ҳар доим уларни асли марокашлик эканликлари иддао қилинади.

Америка эса, Марокашнинг яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштириш карвонига эртароқ қўшилиши учун унга босим қилмоқда. Агар Марокаш бу карвонга эртароқ қўшилса, Америка унинг Полисарио fronti билан баҳсли бўлган жанубий вилоятлардаги суверенитетини тан олажаги билан уни шантаж қилмоқда. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида «Таза Ҳазодан олдинги масала» (Таза Марокашнинг Фес шаҳри шарқидаги кичик шаҳарча), «Бизнинг манфаат бошқаларнинг манфаатидан устун» (бошқалар, деганда фаластинликларни назарда тутмоқда), «Биз фаластинликлардан биринчи фаластинлик бўлолмаймиз», каби баъзи бемаъни гаплар ҳам эшитилиб қоляпти. Бироқ, ғарблик ва «исроиллик» раҳбарлар бошқа араблардан марокашлик арабларни ўзлари учун каттароқ муаммо, деб билишади. Чунки улар Фаластин масаласига бошқалардан кўра содиқроқ ҳисобланадилар.

Ал-Ваъй: Ҳа, Марокаш давлати яҳудий вужуди билан муносабатларни нормаллаштириш масаласида бошқа давлатлардан кўра пешқадам. Бу пешқадамлик подшоҳ Ҳасан II замонидан бери давом этиб келмоқда. Ушанда 1986 йил июлда подшоҳ ўша пайтдаги «Исроил» бош вазири Шимон Пересни туристик шаҳар Ифрондаги ўз қароргоҳида очиқ-ошкора кутиб олган, бу қилмиши билан ҳамма марокашликлару арабларни даҳшатга солган. «Исроил»да чиқадиган «Едиот Ахронот» газетасида яқинда нашр қилинган бир хабарда айтилишича, «Моссад» ташкилоти 1965 йилда Работда бўлиб ўтган араб давлатлари олий даражадаги саммитининг тўлиқ ёзувини подшоҳ Ҳасан ёрдамида қўлга киритган. Бунга эвазига «Моссад» Марокаш билан ҳамкорликда мамлакат учун биринчи рақамли сўлқанот муҳолафат раҳбари саналган Маҳдий ибн Баракани йўқ қилиб берган. □

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА

РОСУЛУЛЛОҲ ﷺ ҲАҚИДА ҚУРЪОНДАГИ ОЯТЛАР

Қуръони Каримда Росулulloҳ ﷺнинг фазилатлари ҳақида гувоҳлик берган оятлар келган. Бу ўринда биз ушбу ояти карималарнинг тафсирига киришмаймиз. Балки, ушбу оятлардаги Аллоҳнинг ул зотга берган буюк гувоҳлигини келтириб ўтамиз. Аллоҳнинг ўзи етарли гувоҳдир.

– Аллоҳ Таоло анбиё сурасининг 107 оятида марҳамат қилади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ﴾

«(Эй Муҳаммад) дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик». Ибн Аббос айтадики, «Аллоҳ Узининг набийси Муҳаммад ﷺни бутун оламга, мўминларию кофирларига раҳмат қилиб жўнатди. Демак ул зот Аллоҳнинг ўз бандаларига ҳадя қилган раҳматидир», дейди. Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилади: Ё Росулulloҳ, мушрикларни дуоибад қилинг дейишди. Шунда ул зот марҳамат қилдилар:

﴿إِنِّي لَمْ أُبْعَثْ لَعَانًا، وَإِنَّمَا بُعِثْتُ رَحْمَةً﴾

«Мен лаънатловчи қилиб юборилмадим, балки раҳмат қилиб юборилдим». (Имом Муслим ривояти). Тоиф аҳли сарвари оламнинг нусрат талабларини рад қилиб, у зотга озорлар етказишганда Маликулжибал саййидимиз Муҳаммад صلى الله عليه وسلمга нидо қилиб, Роббингиз мени сизга истаган амрингизни бажаришим учун юборди, истасангиз уларнинг бошига икки ахшаб (тоғ)ни ёпиб ташлайман? деди. Шунда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم марҳамат қилдилар:

﴿بَلْ أَرْجُو أَنْ يُخْرِجَ اللَّهُ مِنْ أَصْلَابِهِمْ مَنْ يَعْبُدُ اللَّهَ وَحْدَهُ، لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا﴾

«Йўқ, мен Аллоҳдан уларнинг уруғ-авлодларидан ёлғиз Аллоҳга ибодат қиладиган, унга ҳеч нарсани шерик қилмайдиган авлодларни чиқариб беришини сўрайман».

– Аллоҳ Таоло аҳзоб сурасининг 45-46 оятларида бундай дейди:

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ شَهِدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ۚ ۴۵ وَدَاعِيًا إِلَى اللَّهِ بِإِذْنِهِ ۚ وَسِرَاجًا مُنِيرًا﴾

«Эй пайғамбар, дарҳақиқат Биз сизни (қиёмат кунида барча умматлар устида) гувоҳлик бергувчи, (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтгувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи ҳамда Аллоҳнинг изни-иродаси билан У зотга (яъни Унинг динига) даъват қилгувчи ва (ҳақ йўлини кўрсатгувчи) нурли чироқ қилиб юборгандирмиз».

Саид Қатодадан ривоят қилади: (شَهِدًا) **гувоҳлик бергувчи**) дегани пайғамбар эканлигини ўзининг Умматига етказганига, бошқа умматларга уларнинг пайғамбарларининг пайғамбар эканини етказганига гувоҳлик берувчи, демакдир. (وَمُبَشِّرًا)

хушхабар элтгувчи) дегани мўминларга Аллоҳнинг раҳмати ва жаннати хушхабарини берувчи, демакдир. (وَنَذِيرًا)

огоҳлантиргувчи) дегани осийлар ва ёлғонга чиқарувчиларга дўзахдан, абадий азобдан огоҳлантирувчи, демакдир. (وَدَاعِيًا إِلَى اللَّهِ)

Аллоҳга даъват қилгувчи) дегани ушбу тавҳид динини етказиб, уни қабул қилишга даъват қилувчи, демакдир. (وَسِرَاجًا)

нурли чироқ қилиб) дегани залолатдан нурга етакловчи, демакдир.

– Аллоҳ Таоло Қалам сурасининг 4 оятида бундай деди:

﴿وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ﴾

«Албатта, сиз улўф хулқ устидадирсиз». Қатода бундай дейди: Мен Оиша رضي الله عنهاдан Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг хулқлари ҳақида сўрагандим, «Ул зотнинг хулқлари Қуръон эди», дедилар. Яъни, Қуръоннинг амри ва қайтариқларига бўйсунилари ул зотнинг фазилатига айланди, Аллоҳ нима буюрса-қилдилар, нимадан қайтарса, уни тарк этдилар. Мана шу Аллоҳнинг ул зотнинг табиатига жойлаб қўйган буюк ахлоқ, ҳаё, саҳоват, шижоат, меҳрибонлик, ҳалимлик каби барча гўзал хулқларига айланди. Икки саҳиҳда ҳам Анас رضي الله عنهдан ривоят қилинади: Мен Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг ўн йил хизматларини қилдим, бирор марта ҳам менга уф, демадилар, қилган ишимни ҳеч қачон нега мундай қилдинг, демадилар, қилмаган ишимни нега қилмадинг, демадилар.

– Аллоҳ Таоло шуаро сурасининг 3 оятида бундай деди:

﴿لَعَلَّكَ بِنِعْمِ نَفْسِكَ أَلَّا يَكُونُوا مُؤْمِنِينَ﴾

«(Эй Мухаммад), **эҳтимол сиз (Макка мушриклари) мўмин бўлмаганлари учун ўзингизни ҳалок қилгувчидирсиз?! (ундоқ қилманг)**».

Бу Росулulloҳ учун бир тасалли бўлди. Чунки ул зот пайғамбарликни адо этишда тоқатидан ортиқча нарсани ўзига юклаган ҳамда Роббиси ул зотдан қилган талабидан ортиқча ҳаракат қилган эдилар. Одамлар ҳидоят топишсин, Аллоҳнинг йўлига қайтишсин ва шу орқали ер юзидаги Халифалигига лойиқ бўлишсин, деган ниятда шундай қилдилар. Чунки ўзингиз яхши кўрган нарсани биродарингизга илиниш имон шартларидан биридир. Шунинг учун Ҳақ Таборака ва Таоло Росулига тасалли берди. Сураи қаҳфда ҳам бундай келган:

﴿فَلَعَلَّكَ بَنِعْجُ نَفْسِكَ عَلَىٰ عَائِرِهِمْ إِن لَّمْ يُؤْمِنُوا بِهَذَا الْحَدِيثِ أَسَفًا﴾

«(Эй Мухаммад), **агар улар ушбу сўзга – Қуръонга имон келтирмасалар, эҳтимол сиз уларнинг ортидан, афсус-надомат билан ўзингизни ҳалок қилурсиз (бундоқ қилмоқ сизга норавадир)**» [Каҳф 6]

Фотир сурасининг 8 оятида ҳам бундай деди:

﴿فَلَا تَذْهَبْ نَفْسُكَ عَلَيْهِمْ حَسْرَتٍ﴾

«**Бас (Эй Мухаммад), жонингиз уларнинг (имон келтирмаганлари) устида ҳасрат-надоматлар чекиб кетмасин**». Яъни, ўзингизга оғир қилиб юборманг, устингизга ортиқча меҳнат юкламанг.

– Аллоҳ Таоло анфол сурасининг 24 оятида бундай деди:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ ۚ وَعَلِمُوا أَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَقَلْبِهِ ۗ وَأَنَّهُ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ﴾

«**Эй мўминлар, Аллоҳ ва Росули сизни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қилар экан, уни қабул қилинглар ва билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар**». Яъни, эй Аллоҳни Роббим, Мухаммадни пайғамбар ва Росулим, дея эътиқод қилинглар, қачон Аллоҳ ва Росули сизни ҳаёт берадиган ҳаққа чақирса, итоат қилиш билан уни қабул қилинглар. Мана шундай жавоб берсангизлар дунёю охирада ҳаётингиз яхши бўлади. Бу ерда Аллоҳ Субҳанаҳу, кўплаб оятларда келгани каби, Росулининг чақириғини қабул қилишни,

Ўзининг чақирғини қабул қилиш даражасига кўтариш билан ул зотга шараф бермоқда.

– Аллоҳ Таоло тавба сурасининг 128 оятида бундай деди:

﴿لَقَدْ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مِّنْ أَنْفُسِكُمْ عَزِيزٌ عَلَيْهِ مَا عَنِتُّمْ حَرِيصٌ عَلَيْكُمْ بِالْمُؤْمِنِينَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ﴾

«(Эй инсонлар), **ахир сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг кулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи, сизларнинг (тўғри йўл — ҳақ динга келишингизга) ҳарис-ташна бўлган ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир пайғамбар келди-ку!**».

Аллоҳ Таоло мўминларга ўзларининг ораларидан бир инсонни пайғамбар қилиш ила илтифот этмоқда. Яъни, бу Пайғамбар ҳам уларнинг жинсидан ва уларнинг тилида гаплашади, унинг насл-насабини ва сифатини танийди, асли қаердан келиб чиққанини, қаерданлигини, ростгўй ва омонатгўй эканини билишади... Али عليه السلام ривоят қилади: Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«خَرَجْتُ مِنْ نِكَاحٍ وَمِمَّا أُخْرِجُ مِنْ سِفَاحٍ مِنْ لَدُنْ آدَمَ إِلَى أَنْ وَلَدَنِي أَبِي وَأُمِّي، لَمْ يُصِبْنِي مِنْ سِفَاحِ الْجَاهِلِيَّةِ شَيْءٌ»

«**Мен никоҳдан туғилдим. (Менинг шажарам ҳам) то Одам атодан бошлаб ота-онам мени туққунларига қадар зинодан туғилмади, жоҳилият даврининг зино ишларидан заррачаси менга тегмади.**».

Мазкур оятдаги (عَزِيزٌ عَلَيْهِ مَا عَنِتُّمْ) **сизларнинг кулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи**) дегандан Росулulloҳ Уммати оғир ва машаққатли аҳволга тушиб қолганидан қийналади, дегани тушунилади. (حَرِيصٌ عَلَيْكُمْ) **сизларга ҳарис-ташна бўлган**) дегани сизларни ҳидоятга бошлашга қаттиқ ҳаракат қилувчи, дегани англатади. Дарҳақиқат, Росулulloҳ Умматларини ташлаб кетганларида уларга жаннатга яқинлаштирадиган ва дўзахдан узоқлаштирадиган ҳар бир нарсани қолдирмай баён қилиб илдиндилар. (بِالْمُؤْمِنِينَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ) **барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон**) дегани раҳмдиллик ул зотнинг сўзларида, амалларида ва муносабатларида ва пайғамбарлик йўлидаги ҳар бир қадамларида мужассам эканини англатади.

– Аллоҳ Таоло Оли Имрон сурасининг 31 оятида бундай деди:

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

«Айтинг (эй Мухаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар, Аллоҳ сизларни севиб қолади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи, меҳрибондир». Табарийнинг тафсирида бундай келган: «Абу Жаъфар айтади: Ушбу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаблари тўғрисида муфассирлардан бири бундай дейди: бу оятнинг нозил бўлишига сабаб, Пайғамбар ﷺ нинг замоналарида бир қавм «биз Роббимизни севамиз», дейишади. Шунда Аллоҳ Азза ва Жалла Набийси Мухаммад ﷺ га уларга «Агар гапларингизда ростгўй бўлсангизлар, менга эргашинглар. Чунки гапларингизнинг рост эканининг аломати мана шудир» дейишни амр қилди. Бу эса, Набий ﷺ нинг Роббисидан етказаётган рисолада ростгўй эканликларининг аломатидир.

– Аллоҳ Таоло Тавба сурасининг 24 оятида бундай деди:

﴿قُلْ إِنْ كَانَ آبَاؤُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ وَإِخْوَانُكُمْ وَأَزْوَاجُكُمْ وَعَشِيرَتُكُمْ وَأَمْوَالٌ اقْتَرَفْتُمُوهَا وَتِجَارَةٌ تَخْشَوْنَ كَسَادَهَا وَمَسَاكِينُ تَرْضَوْنَهَا أَحَبَّ إِلَيْكُمْ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَجِهَادٍ فِي سَبِيلِهِ فَتَرَبَّصُوا حَتَّى يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرِهِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ﴾

«Айтинг (эй Мухаммад): «Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, жуфтларингиз, қариндош-уруғларингиз ва касб қилиб топган мол-дунёларингиз, касод бўлиб қолишидан қўрқадиган тижоратларингиз ҳамда яхши кўрадиган уй-жойларингиз сизларга Аллоҳдан, Унинг пайғамбаридан ва Унинг йўлида жиҳод қилишдан суюклироқ бўлса, у ҳолда то Аллоҳ ўз амрини (яъни, азобини) келтиргунича кутиб тураверинглар. Аллоҳ фосиқ қавмни ҳидоят қилмас». Ушбу оятда Аллоҳ Таоло Росулига ўз аҳл-оиласини, қариндошларини, мол-дунёларини, тижоратларини, чиройли яхши уй-жойларини Росулulloҳдан ва Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишдан кўра кўпроқ яхши кўрган кимсаларга Аллоҳнинг азобини ва интиқомини кутиб туришлари билан таҳдид қилишни буюрди ва ундайларни фосиқлар, деб атади. Саҳиҳ ҳадисда Росулulloҳнинг бундай деганлари собит бўлган:

﴿وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَالِدِهِ وَوَلَدِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ﴾

«Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, ҳеч бирингиз мен унга ота-онасидан ҳам, фарзандларидан ҳам ва барча

инсонлардан ҳам суюклироқ бўлмагунимча мўмин бўлмайди».

– Аллоҳ Таоло Нур сурасининг 63 оятида бундай деди:

﴿لَا تَجْعَلُوا دُعَاءَ الرَّسُولِ بَيْنَكُمْ كَدُعَاءِ بَعْضِكُمْ بَعْضًا قَدْ يَعْلَمُ اللَّهُ الَّذِينَ يَسْتَلُونَ مِنْكُمْ لَوْ آدَاءً فَلْيَحْذَرِ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

«(Эй мўминлар), Росулulloҳни чақиришни ўрталарингизда бир-бирларингизни чақириш каби қилмангизлар (яъни у зотни ҳурмат-эҳтиром билан «Эй Аллоҳнинг Росули», деб чақиришлар). Сизлардан беркинган ҳолларда (Росулulloҳнинг ҳузуридан) суғурилиб чиқиб кетадиган кимсаларни Аллоҳ яхши билур. (Росулulloҳнинг) амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна-кулфат етиб қолишдан ёки аламли азоб етиб қолишдан эҳтиёт бўлсинлар!».

Ушбу оятнинг тафсирида Қатода бундай дейди: «Аллоҳ ўз Набийси ﷺ ни ҳайбатли бўлишга, улуғланишига, буюк ва саййид деб қаралишига буюрди. Муқотил бундай дейди: Бу ерда агар ул зотни чақирсанглар, эй Муҳаммад деб ҳам, эй Абдуллоҳнинг ўғли, деб ҳам чақирманглар, балки ҳурматларини жойига қўйиб, я Набийюллоҳ, (эй Аллоҳнинг пайғамбари), я Росулulloҳ (эй Аллоҳнинг Росули), деб чақиришлар, дейилмоқда. Бу Росулulloҳга нисбатан одобли бўлиш бобидандир. Аллоҳ Таолонинг

﴿فَلْيَحْذَرِ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

«(Росулulloҳнинг) амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна-кулфат етиб қолишдан ёки аламли азоб етиб қолишдан эҳтиёт бўлсинлар!», дегандаги (амрига)нинг мазмуни унинг минҳожии, йўли, суннати ва шариатидир. Шунинг учун гаплар ва амаллар ул зотнинг гаплари ва амаллари билан ўлчанади. У зотнинг гаплари ва амалларига тўғри келгани қабул қилинади, зид келгани эса – айтган одам ёки қилган одам ким бўлишдан қатъий назар – рад этилади. Имом Аҳмад Абу Ҳурайрадан ривоят қиладики, Росулulloҳ ﷺ бундай марҳамат қилдилар:

﴿مَثَلِي كَمَثَلِ رَجُلٍ اسْتَوْقَدَ نَارًا، فَلَمَّا أَضَاءَتْ مَا حَوْلَهَا جَعَلَ الْفَرَاشُ وَهَذِهِ الدَّوَابُّ الَّتِي فِي النَّارِ يَقَعْنَ فِيهَا، وَجَعَلَ يُحْجِرُهُنَّ وَيَغْلِبْنَهُ فَيَتَفَحَّمْنَ فِيهَا، قَالَ فَذَلِكُمْ مَثَلِي وَمَثَلُكُمْ، أَنَا آخِذٌ بِحُجْرَتِكُمْ عَنِ النَّارِ، هَلُمَّ عَنِ النَّارِ، هَلُمَّ عَنِ النَّارِ فَتَغْلِبُونِي تَفَحَّمُونَ فِيهَا﴾

«Менинг мисолим олов ёққан кишининг мисоли кабидир. Олов атрофни ёритгач, парвоналар, оловга ўзини ташлайдиган ҳашаротлар унга ўзини ота бошлайди. (Олов

ёққан киши) уларни тутиб қолмоқчи бўлади. Улар эса, одамдан устун келиб, барибир ўзини оловга отади. Мана шу мен билан сизларнинг мисолингиздир, мен белбоғларингиздан тутиб оловдан ушлаб қолувчиман: Оловдан узоқ бўлинглар, оловдан узоқ бўлинглар, дейман. Сизлар эса, мендан устун келиб, ўзларингизни оловга ташлайсизлар».

– Аллоҳ Таоло Аҳзоб сурасининг 21 оятида бундай деди:

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا﴾

«Эй мўминлар), сизлар учун – Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбари (имон-эътиқоди ва хулқи атвори)да гўзал ибрат бордир».

Оятдаги (أُسْوَةٌ) дегани, намуна деганидир. Ул зотга ҳар бир амалда ибрат олиб эргашилади, ул зотнинг ҳар бир аҳволига қайғурилади. Масалан, қавми юзларини қонатганига, олд тишлари синдирилганига, амакиси Ҳамзанинг ўлдирилганига қайғурилади, очликда сабр қилиб, фақат Аллоҳдан ажр кутганларидан ва Унга шукр келтириб рози бўлишларидан ўрнак олинади. Имом Термизий ривоятида Анас رضي الله عنه айтади: «Биз Росулulloҳ ﷺ га очликдан шикоят қилдик ва қорнимиздан (очликни енгаш учун боғланган) тошни олдик, шунда Росулulloҳ ﷺ иккита тошни олдилар. Юзлари қонатилганда эса,

﴿اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِقَوْمِي فَإِنَّهُمْ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Аллоҳим, бу қавмни кечиргин, чунки улар билмаяптилар», дедилар. Булардан бошқа яна кўп оятлар бор, уларнинг ҳаммасини келтириб ўтиш қийин. Ана шулардан баъзиларини қуйида келтирамыз:

– Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайғамбарга дуою салавот айтурлар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва саломлар айтинглар!» [Аҳзоб 56]

Яна бундай деди:

﴿وَمَنْ يُشَاقِقِ الرَّسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ الْهُدَىٰ وَيَتَّبِعْ غَيْرَ سَبِيلِ الْمُؤْمِنِينَ نُوَلِّهِ مَا تَوَلَّىٰ وَنُصَلِّهِ ۗ جَهَنَّمَ وَسَاءَتْ مَصِيرًا﴾

«Ким ҳақ йўлни аниқ билганидан кейин пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг йўлларида бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга дохил қиламиз. Нақадар ёмон жойдир у!»

[Нисо 115]

Яна бундай деди:

﴿مَنْ يُطِعِ الرَّسُولَ فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ وَمَنْ تَوَلَّىٰ فَمَا أَرْسَلْنَاكَ عَلَيْهِمْ حَفِيظًا﴾

«Кимки пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди. Кимки юз ўгирса (бунинг сизга зарари йўқдир)»[Нисо 80]

Яна бундай деди:

﴿فَإِنَّمَا رَحْمَةٌ مِّنَ اللَّهِ لَئِن لَّمْ يَكُن لَّهُمْ وَلِيٌّ لَّكُنْتَ فَظًّا غَلِيظَ الْقَلْبِ لَأَنْفَضُوا مِنْ حَوْلِكَ فَاعْفُ عَنْهُمْ وَاسْتَغْفِرْ لَهُمْ وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَوَكِّلِينَ﴾

«(Эй Муҳаммад) Аллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли уларга (саҳобаларингизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар қўпол, қаттиқ дил бўлганингизда эди, албатта атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар. Бас, уларни афв этинг, улар учун Аллоҳдан мағфират сўранг ва ишларингизда уларга маслаҳат солинг! Энди (маслаҳат қилгач, бирон ишни) қасд қилсангиз, Аллоҳга суянинг-таваккал қилинг! Албатта Аллоҳ Ўзига суяниб (иш қилгувчиларни) севади»

[Оли Имрон 159]

Яна бундай деди:

﴿مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ

شَيْءٍ عَلِيمًا﴾

«Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнгисидир. Аллоҳ барча нарсани билгувчи бўлган зотдир»

[Аҳзоб 40]

Булар Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг ўз Росулига берган баҳолари денгизидан бир томчи, холос. Бас, Аллоҳнинг ўз Росули акрамига берган гувоҳлигидан сўнг яна қандай гувоҳлик бўлиши мумкин. Бизнинг айтар сўзимиз: кимлардир саййидимиз Муҳаммад ﷺ ни ёмон кўрсалар, бас, улар ҳақни ёмон кўрибди, чунки бу ерда муаммо ўша кимсалардадир, Аллоҳнинг энг шарафли инсониди эмас. □

РОСУЛУЛЛОҲНИНГ ЎЗИНИНГ ВА ЎТГАН АНБИЁЛАРНИНГ ПАЙҒАМБАР ЭКАНЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАДИСЛАРИ

– Аллоҳ Таоло Росули акрам ﷺ га салавот айтишни ибодат қилиб белгилади. Яъни, шаръан ул зотга ҳар қандай вақтда кўп салот ва салом йўллаш айтилган. Лекин баъзи ўринларда таъкидланган бўлиб, кўплаб аҳли илмлар фарз намозларида, нафл намозларида ва охириги ташаҳҳудда Росулуллоҳга салот ва салом йўллаш вожиб деганлар.

Шариатда Муслмонга азондан кейин ул зотга салавот айтиш айтилган. Яъни, муаззин азонни тамомлаганда, унинг чақириғи қабул қилиниб, Набий ﷺ га салавот айтилади ва сўнг бундай, дейилади:

«اللَّهُمَّ رَبَّ هَذِهِ الدَّعْوَةِ التَّامَّةِ وَالصَّلَاةِ الْقَائِمَةِ آتِ مُحَمَّدًا الْوَسِيلَةَ وَالْفَضِيلَةَ وَالدَّرَجَةَ

الرَّفِيعَةَ، وَإِنْعِثْهُ الْمَقَامَ الْمَحْمُودَ الَّذِي وَعَدْتَهُ، إِنَّكَ لَا تُخْلِفُ الْمِيعَادَ»

«Аллоҳим! Эй ушбу тугал даъватнинг ва қоим бўладиган намознинг Роббиси! Муҳаммадга васила (жаннатдаги олиймақом манзил)ни ва фазилатни ҳамда олий даражотни бергин. Ул зотни қиёматда Ўзинг ваъда қилган мақоми маҳмуд (гуноҳкор умматларини шафоат қилувчи мақом)да тирилтир, Сен ваъдага хилоф қилмайдиган зотсан».

Расулуллоҳнинг исмлари зикр қилинган пайтда ҳам ул зотга салавот айтилади. Бу Расулуллоҳ ﷺ нинг ушбу сўзларига мувофиқдир:

«رَغِمَ أَنْفٌ رَجُلٍ ذُكِرْتُ عِنْدَهُ فَلَمْ يُصَلِّ عَلَيَّ»

«Мен зикр қилинган пайт менга салавот айтмаган кишининг бурни ерга ишқалсин». Яна бир ривоятда бундай:

«قَالَ جِبْرِيلُ: يَا مُحَمَّدٍ رَغِمَ أَنْفٌ أَمْرِي ذُكِرْتُ عِنْدَهُ فَلَمْ يُصَلِّ عَلَيْكَ فَقُلْ: آمِينَ،

فَقُلْتُ: آمِينَ»

«Жаброил ﷺ айтди: Эй Муҳаммад, сиз зикр қилинган пайт салавот айтмаган кишининг бурни ерга

ишқалсин, сиз бунга омин денг. Мен омин, дедим».

Росулulloҳ ﷺ яна бундай деганлар:

﴿لَا تَجْعَلُوا قَبْرِي عَيْدًا، وَصَلُّوا عَلَيَّ، فَإِنَّ صَلَاتَكُمْ تَبْلُغُنِي حَيْثُ كُنْتُمْ﴾

«Қабримни зиёратгоҳга айлантирманглар ва менга салавот айтинглар. Чунки қаерда бўлсангиз ҳам салавотингиз менга етиб боради». Бу ҳадисда Росул ﷺ га тирикликларида ҳам, вафот этганларида ҳам салавот айтишга тарғиб ва даъват қилинмоқда.

Росулulloҳ ﷺ га Аллоҳ малоикалар ҳузуринда салавот, сано ва раҳмат йўллади. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг малоикалари ҳам Пайғамбарга салавот-дуо айтурлар. Эй мўминлар, у зотга салавот ва саломлар айтинглар!» [Аҳзоб 56]

Саҳиҳ ҳадисда бундай дейилади:

﴿إِنَّ لِلَّهِ مَلَائِكَةً سَيَّاحِينَ فِي الْأَرْضِ يُبَلِّغُونِي عَنْ أُمَّتِي السَّلَامَ﴾

«Аллоҳнинг ер юзида шундай сайёҳ малоикалари борки, улар менга Умматимдан салом-салавот етказиб турадилар». Мўмин киши шаръан Росулulloҳ ﷺ га ҳар доим, айниқса, жума кунини кўп салоту саломлар айтмоғи лозим.

– Росулulloҳ ﷺ бундай деганлар:

﴿لَا تُظْرُونِي كَمَا أَطْرَتِ النَّصَارَى ابْنَ مَرْيَمَ إِنَّمَا أَنَا عَبْدٌ فَقُولُوا عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ﴾

«Мени худди насронийлар Ибн Марямни кўкларга кўтариб мақташгани каби, кўкларга кўтарманглар, балки Аллоҳнинг бандаси ва Росули, денглар». Яъни, худди Насронийлар Исони мақташгани каби, мени ноҳақ мақтаманглар, мадҳ этишда ошириб юбориб, илоҳ даражасига кўтариб юборманглар. Мени улуғлаш – менга эргашиш ва суннатимдан юриш билан бўлади, демоқдалар. Энди, ул зотни мақташ ва сано айтишга келсак, бу шаръан талаб қилинган. Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿لَتُؤْمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ۖ وَتُعَزِّرُوهُ وَتُوَقِّرُوهُ﴾

«(Биз Росулulloҳни) улуғлашингиз ва эҳтиром қилишларингиз учун (юбордик)» [Фатҳ 9]

Бу оятдаги (وَتَعَزَّوْهُ) ул зотга ёрдам беришингиз учун, (وَتُوَقِّرُوهُ) хурматлаб, мақташингиз учун, деганидир.

– Анас Ибн Молик رضي الله عنه ривоят қиладики, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم бундай дедилар:

«لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وُلْدِهِ، وَوَالِدِهِ، وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ»

«Ҳеч бирингиз мен унга фарзандидан ҳам, онасидан ҳам ва барча инсонлардан ҳам суюклироқ бўлмагунимча мўмин бўлолмайди». Муслим ривоятида бундай келган:

«لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ أَهْلِهِ، وَمَالِهِ، وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ»

«Ҳеч бирингиз мен унга аҳл-оиласидан, молидан ва барча инсонлардан ҳам суюклироқ бўлмагунимча мўмин бўлолмайди».

– Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Ҳишомнинг ҳадисидан ривоят қилади: Умар ибн Хаттоб Набий صلى الله عليه وسلم га «Эй Росулulloҳ, сиз менга жонимдан бошқа ҳамма нарсадан севимлисиз», деди. Шунда ул зот:

«لَا، وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْكَ مِنْ نَفْسِكَ»

«Йўқ, жоним қўлида бўлган зотга қасамки, сиз учун ўзингизнинг жонингиздан ҳам суюклироқ бўлмагунимча (мўмин бўла олмайсиз)», дедилар. Умар «Мана энди, Аллоҳга қасамки, мен учун ўз жонимдан ҳам суюклироқсиз», деди. Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم

«الآن يَا عُمَرُ»

«Энди бўлди, Умар», дедилар. Демакки, Аллоҳ ўз Росулини муслмонларга яхши кўришни буюрди. Зеро, бунда у зотга нисбатан хурмат мужассамдир. Хурмат бўлганда ҳам Аллоҳ Таолога бўлган имондан келиб чиқиши лозим бўлган хурматдир. Набий صلى الله عليه وسلم ни яхши кўриш суннатларига ёрдам бериш, шариатини ҳукмрон қилиш ва йўлларида юриб, сийратларини ҳимоя қилиш, ул зотнинг ўзлари лойиқ бўлган мақтовларни ёғдириш, аҳли байти, муҳожир ва ансорлардан иборат асҳобларини яхши кўриш билан бўлади.

– Анас ибн Молик رضي الله عنه Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم нинг бундай деганларини ривоят қилади:

«ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ وَجَدَ بِهِنَّ حَلَاوَةَ الْإِيمَانِ مَنْ كَانَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِمَّا سِوَاهُمَا وَأَنْ يُحِبَّ الْمَرْءَ لَا يُحِبُّهُ إِلَّا لِلَّهِ وَأَنْ يَكْرَهُ أَنْ يَعُودَ فِي الْكُفْرِ بَعْدَ أَنْ أَنْقَذَهُ اللَّهُ مِنْهُ كَمَا يَكْرَهُ أَنْ يُقَدَّفَ فِي النَّارِ»

«Уч иш борки, ким уларни ўзида жамласа имон ҳаловатини топади. Яъни, Аллоҳ ва Росули унинг наздида бошқалардан кўра сеvimлироқ бўлиши, бировни фақат Худо учун яхши кўриши, куфрга қайтишдан оловга ташланаётгандек ҳайқишидир». (Муттафақун алайҳи).

– Росулulloҳ ﷺ бундай марҳамат қилдилар:

«إِنَّ مَثَلِي وَمَثَلَ الْأَنْبِيَاءِ مِنْ قَبْلِي كَمَثَلِ رَجُلٍ بَنَى بَيْتًا، فَأَحْسَنَهُ وَأَجْمَلَهُ إِلَّا مَوْضِعَ لَبْنَةٍ مِنْ زَاوِيَةٍ، فَجَعَلَ النَّاسُ يَطُوفُونَ بِهِ، وَيَعْجَبُونَ لَهُ، وَيَقُولُونَ: هَلَّا وُضِعَتْ هَذِهِ اللَّبْنَةُ؟ فَأَنَا اللَّبْنَةُ، وَأَنَا حَامَتُ النَّبِيِّينَ»

«Менинг ва мендан аввалги анбиёларнинг мисоли худди бир ўйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан бир ғиштнинг ўрнини қолдириб қўйган кишига ўхшайди. Одамлар уни айланиб кўриб, қойил қолишади ва мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганда эди, дейишади. Мен ўша ғиштман. Мен набийларнинг хотимиман».

– Имом Аҳмад Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қиладики, Росулulloҳ ﷺ бундай дедилар:

«إِنَّ اللَّهَ لَمْ يُحَرِّمْ حُرْمَةً إِلَّا وَقَدْ عَلِمَ أَنَّه سَيَطَّلِعُهَا مِنْكُمْ مُطَّلِعٌ، أَلَا وَإِنِّي آخِذٌ بِحُجْرِكُمْ أَنْ تَهَافُتُوا فِي النَّارِ كَتَهَافَتِ الْفَرَّاشِ أَوْ الدَّبَابِ»

«Аллоҳ бирор нарсани ҳаром қилган бўлса, албатта сизлардан бирортангиз уни содир этиб қўйишини билган. Огоҳ бўлингки, Мен белбоғингизни ушлаб, парвона ёки пашша ўтга интилиб унга тушиб кетгани каби дўзахга тушишингиздан сақлаб қоламан».

– Имом Аҳмад Ибн Аббосдан ривоят қилади: «Росулulloҳ ﷺ нинг тушларида икки фаришта келиб, бири ул зотнинг оёқлари олдига, иккинчиси бошлари олдига ўтирди. Оёқлари олдидагиси бошлари олдидагисига, бу инсон билан Уммати ҳақида масал келтиринг, деди. У деди: Ушбу инсон билан

Умматининг масали шуки, бир қавм сафарга чиқиб, сахрога етиб келишди. Аммо уларда саҳрони кесиб ўтиш учун ҳам, ундан қайтиб келиш учун ҳам етарли озуқалари йўқ эди. Шу аҳволда бошлари қотиб турганда, йўл-йўл либос кийиб олган бир киши уларнинг олдига келиб, сизларни ям-яшил боғлари, ширин сувли ҳовузли бор бир жойга етакласам, ортимдан эргашасизми, – нима дейсизлар? – дейди. Улар – ҳа, дейишди. Киши уларни етаклаб, ям-яшил боғлари, ширин сувли ҳовузли бор бир жойга элтди. Улар ейишди, ичишди ва семиришди... Киши уларга – мен сизларни шу ҳолатга солмадимми, яъни, ям-яшил боғлари, ширин сувли ҳовузли бор бир жойга етакласам, ортимдан эргашасизларми, деганимда эргашмадингизми? – деб сўраган эди, улар – ҳа, шундай бўлди, дея жавоб беришди. Шунда киши уларга қарата, олдингизда мевалари бундан ҳам лаззатли, сувлари бундан ҳам чучук яна бир боғ бор, бас, ўша ерга бориш учун менга эргашинглар, деди. Қавмнинг бир тоифаси – тўғри айтди, Аллоҳга қасамки, унга эргашамиз, деди. Иккинчи тоифаси эса – биз шунинг ўзига розимиз, шу ерда яшаймиз, дейишди».

– Табароний Робиа Харҳийдан ҳасан санад билан ривоят қилади: Набий ﷺ га кўзингиз юмилсин, қулоқларингиз эшитсин, қалбингиз англасин, дейилди. Ул зот айтадилар:

«فَنَامَتْ عَيْنِي وَسَمِعَتْ أُذُنِي وَعَقَلَ قَلْبِي. قَالَ: فَقِيلَ لَهُ: سَيِّدَ بَنِي دَارًا وَصَنَعَ مَأْدُبَةً. فَأَرْسَلَ دَاعِيًا فَمَنْ أَجَابَ الدَّاعِيَ دَخَلَ الدَّارَ، وَأَكَلَ مِنَ الْمَأْدُبَةِ، وَرَضِيَ عَنْهُ السَّيِّدُ، وَمَنْ لَمْ يَجِبِ الدَّاعِيَ لَمْ يَدْخُلِ الدَّارَ، وَلَمْ يَنْلِ الْمَأْدُبَةَ، وَسَخِطَ عَلَيْهِ السَّيِّدُ، فَالَسَّيِّدُ اللَّهُ، وَالدَّاعِيَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَالْمَأْدُبَةُ الْجَنَّةُ»

«Кўзим юмилди, қулоғим эшитди ва қалбим англади. Ул зотга бундай дейилди: Бир хўжайин ҳовли-жой қурди, зиёфат ҳозирлади ва жарчига одамларни меҳмонга чақиринг деди. Жарчининг чақирғини қабул қилган ҳовлига кириб, зиёфатдан ейди ва хўжайин ундан рози бўлди. Жарчининг чақирғини қабул қилмаган ҳовлига кирмайди, зиёфатдан емайди ва хўжайин ҳам ундан дарғазаб бўлди. Хўжайин Аллоҳ, жарчи Муҳаммад ﷺ, зиёфат эса, жаннатдир». □

ПАЙҒАМБАР ﷺ НИ ТАНИБ ИСЛОМГА КИРГАН ЯХУДИЙЛАР

– Зайд ибн Саънанинг Исломга кириши

Табароний Абдуллоҳ ибн Салом رحمتهماдан ривоят қилади: Аллоҳ Зайд ибн Саънанинг ҳидоят топишини ирода қилди. Зайд ибн Саънанинг ўзи ҳикоя қилади:

«Мен Муҳаммад ﷺнинг чеҳраларидан бошқасида пайғамбарлик аломатларидан ҳеч бирини кўрмадим. Ул зотга назар солдим ва бу аломатлардан иккитасини ҳеч кимда учратмагандим: ул зотнинг ҳалимлиги жоҳиллигидан устун эди, жоҳиллик у кишида шиддатли эмасди, аксинча ҳалимлиги кучли эди. Мен у кишига аралашиш ва шу орқали жоҳиллигидан ҳалимлигини билиб олиш учун муомала қилиб кўрдим». Зайд ибн Саъна яна бундай деди:

«Бир куни Росулulloҳ ﷺ хужраларидан чиқдилар. Али ибн Абу Толиб رضي الله عنه ҳам ул зот билан бирга эди. Бир киши келиб, бадавий каби туясининг устида ўтириб бундай деди: «Ё Росулulloҳ, фалончининг авлоди бўлган Бусро қишлоғи аҳли Исломга кирди. Мен уларга агар Исломга киришса ризқлари мўл-кўл бўлади, деган эдим. Аммо улар оғир йилга, ёмғирсиз қаҳатчиликка дуч келишди. Мен, ё Росулulloҳ, улар Исломга тама қилиб киришгани каби Исломдан тама қилиб чиқиб кетишларидан кўрқяпман, уларга ёрдам учун бирор нарса жўнатасизмикин, деб ўйляпман». Росулulloҳ ﷺ ёнларидаги Али رضي الله عنهга қараган эдилар, у «ё Росулulloҳ, ҳеч нарса қолмаган», деди».

«Зайд ибн Саъна сўзини давом эттирди:

«Ўшанда мен ул зотга яқинлашиб, «эй Муҳаммад, менга фалончининг кўрғонидан маълум миқдорда хурмони фалон вақтга насияга сота оласанми? - дедим. Ул зот «Йўқ, эй яхудий, балки мен сенга маълум вақтга насияга маълум миқдорда хурмо сотаман, фалончининг кўрғонини гапирма», дедилар. «Бўпти», дедим ва бай қилишдик. Ҳамёнимни очиб, Росулulloҳга саксон мисқол олтин бердим, у менга маълум вақтда маълум миқдорда хурмо берадиган бўлди. Росулulloҳ олтинни бояги кишига бериб «бу маблағни эрталаб уларга ёрдам сифатида олиб бориб бер», дедилар». Зайд ибн Саъна яна бундай деди:

«Келишилган муддат етишига икки кун қолганда унинг олдига бориб, кўйлаги ва чопонининг ёқасидан тутдим ва унга ўқрайиб қараб дедим: «Эй Муҳаммад, менинг ҳаққимни тўламайсанми, мен Абдулмутталиб авлодида пайсалга солишни кўрмаганман. Сизларга аралашиб юриб, синаганман». Мен шундай деб, Умарга қарагандим, у ғазабдан кўзлари косасидан чиқиб кетай деб турган экан, менга ўқрайиб: «Эй Аллоҳнинг душмани, сендан эшитиб ва кўриб турганим бу қилмишни Аллоҳнинг Росулига қиялсанми, ул зотни ҳақ билан юборган зотга қасамки, бу зотнинг олдида

Бўлмаганимда қилич билан каллангни олган бўлардим. Росулulloҳ Умарга зукколик ва босиқлик билан қараб турардилар, сўнг бундай дедилар: «Эй Умар, ҳозир менга ҳам, унга ҳам гапиришингиз керак бўлган гап бу эмас, сиз менга қарзни чиройли адо этишимни, унга чиройли сабр қилишни буюринг. Уни олиб бориб, ҳаққини беринг ва уни қўрқитиб юборганингиз эвазига йигирма соъ хурмо қўшиб беринг». Зайд айтади:

«Умар رضي الله عنه мени олиб бориб ҳаққимни берди ва унга йигирма соъ хурмони қўшиб қўйди. «Бу ортиқчаси нима, Умар?», деб сўрадим. «Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم сени қўрқитганим эвазига йигирма соъ қўшиб қўйишимга буюрдилар», деди Умар. «Умар, мени танийсанми?», деб сўрадим. «Йўқ, кимсан сен?», деб сўради. «Мен, Зайд ибн Саънаман», дедим. «Роҳибмисан?», деди. «Роҳибман», дедим. «Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم га бундай қилишга ва бундай гапларни гапиришга сени нима мажбур қилди?», деди. Мен бундай дедим: Эй Умар, мен Муҳаммад صلى الله عليه وسلم нинг чеҳраларидан бошқасида пайғамбарлик аломатларидан ҳеч бирини кўрмадим. Ул зотга назар солдим ва бу аломатлардан иккитасини ҳеч кимда учратмагандим: ул зотнинг ҳалимлиги жоҳиллигидан устун эди, жоҳиллик унда шиддатли эмасди, аксинча ҳалимлиги кучли эди. Мен унга аралашиш ва шу орқали жоҳиллигидан ҳалимлигини синаб олиш учун муомала қилиб кўрдим. Мана бу иккисини энди билдим ва Аллоҳни Роббим, Исломни диним, Муҳаммадни Пайғамбарим бўлишига розиман. Сен гувоҳ бўл, молимнинг тенг ярмини Муҳаммаднинг Умматига садақа қиламан, мен бу Умматдан бойроқман, деди. Шунда Умар رضي الله عنه «йўқ, сен баъзисидан бойман, дегин, чунки сен Уммати Муҳаммадни (қанчалигини) билмайсан», деди. Мен «ҳа, мен баъзисидан бойман», дедим. Умар билан Зайд Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم нинг олдиларига қайтишди. Зайд ул зотнинг олдиларида «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Росулүҳ», деди. Росулulloҳга имон келтириб, тасдиқлади, ул зотга байъат қилди ва кейинчалик биргаликда кўп ишларга гувоҳ бўлди».

Буни «Мўжами Кабир»да Табароний, «Мустадрак»да Ҳоким ривоят қилганлар ва Ҳоким санадини саҳиҳ деган.

– Абдуллоҳ ибн Саломнинг Исломга кириши

Имом Бухорий Анса رضي الله عنه дан ривоят қилади:

«Абдуллоҳ ибн Салом далада деҳқончилик қилар эди, Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم нинг келганини эшитиб қолди. Набий صلى الله عليه وسلم нинг

олдиларига бориб, бундай деди: «Мен сиздан уч нарса сўрайман, уларни пайғамбардан бошқа киши билмайди: Қиёмат кунининг илк аломатларидан бири нима? Жаннат аҳли ейдиган илк таомлардан бири нима? Нима нарса билан бола отасига ёки онасига тортади, ўхшайди?». Росулulloҳ «**Менга уларни ҳозиргина Жаброил ﷺ хабарини берди**», дедилар. Абдуллоҳ ибн Салом «Жаброилми»? деб сўради. Пайғамбар ﷺ «**Ҳа**», дея жавоб бердилар. У эса, «Жаброил яхудийларнинг душмани бўлган фариштадир», деди. Росулulloҳ ﷺ

﴿قُلْ مَنْ كَانَ عَدُوًّا لِّجِبْرِيلَ فَإِنَّهُ نَزَّلَهُ عَلَيَّ قَلْبِكَ بِإِذْنِ اللَّهِ﴾

«Айтинг (эй Мухаммад): «Ким Жаброилга душман бўлса, (У Аллоҳга душмандир). Зеро, у (Жаброил) Аллоҳнинг изни билан қалбингизга (Қуръонни) нозил қилди» [Бақара 97] оятини қироат қилдилар. Ул зот давом этдилар: «**Қиёмат кунининг илк аломатларидан бирига келсак, бир олов инсонларни машриқдан мағрибга тўплайди. Жаннат аҳли ейдиган илк таомлардан бири китнинг жигаридир. Агар эркакнинг суви ғолиб келса, бола отага ўхшайди, агар аёлнинг суви ғолиб келса, онага**». Шунда Абдуллоҳ ибн Салом «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду аннака Мухаммадан абдуҳу ва Росулух», деди. Кейин «ё Росулulloҳ, яхудийлар бировни маломатлаб-айблашга уста халқ, агар улардан сўрашингиздан олдин менинг Исломга кирганимни билишса, менга тухматлар қилишади», деди. Кейин яхудийлар келишди. Росулulloҳ улардан «**Орангиздаги Абдуллоҳ қандай киши?**», деб сўрадилар. Улар «у орамизда энг яхшимиз, саййидимиз ва саййидимизнинг ўғлидир», дейишди. Росулulloҳ «**Агар у Исломга кирса нима дейсизлар?**», деб сўрадилар. «Аллоҳ сақласин-бундай бўлмасин», дейишди. Шунда Абдуллоҳ ибн Салом чиқиб, «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Мухаммадан абдуҳу ва Росулух», деди. Яхудийлар эса, «у бизни энг ёмонимиз, энг ёмонимизнинг ўғли», дейишди. Абдуллоҳ «мен шундан кўрққан эдим, ё Росулulloҳ», деди».

– Яхудийларнинг яхшиси Мухайриқдир

У ўзини ҳақ йўлдан залолатга туширишга бир баҳя қолган, бироқ кўзи очилиб, аҳли китобдан бўлган қавмига Росулulloҳнинг Тавротда келган сифатини эслатган бир яхудийдир. Унга Росулulloҳ ﷺ яхудийларнинг яхшиси

Муҳайриқдир, деган баҳони берганлар. «Сийрати набавия»да Ибн Ҳишом Ибн Исҳоқдан ривоят қилади:

«Муҳайриқнинг айтишича, у олим, роҳиб ва жуда бадавлат киши бўлган. Унинг йирик хурмозори ҳам бўлган. У Росулulloҳ ﷺ ни сифатлари билан ва ўзидаги илм ёрдамида танир эди. Аммо унга ўз динини яхши кўриш ғолиб келди ва шу аҳволда то Уҳуд кунигача давом этди. Уҳуд куни ҳижратнинг учинчи йили шаввол ойининг шанба куни эди. У «эй яҳудийлар, Аллоҳга қасамки, Муҳаммаднинг устингиздан ғалаба қозониши ҳақ!», деди. Яҳудийлар «бугун шанба-муқаддас кунимиздир», дейишди. У «сизларда ҳеч қандай муқаддас кунни йўқ», деди ва қиличини қўлига олиб, йўлга тушди ва Уҳуддаги Росулulloҳ ﷺ нинг олдиларига етиб келди. У ўзининг ортидаги қавмига «агар бугун ҳалок бўлсам, молим Муҳаммад ﷺ га қолади, уни истаган ерига сарфлайди», дея ваъда қилди. Икки томон жанг бошлашгач, Муҳайриқ ҳам муслмонлар томонда жанг қилди ва ҳалок бўлди. Росулulloҳ ﷺ эса, «**Яҳудийларнинг яхшиси Муҳайриқдир**», дедилар. □

РОСУЛУЛЛОҲ ﷺ НИНГ ПАЙҒАМБАРЛИГИНИ ТАН ОЛГАН ВА АММО ИСЛОМГА КИРМАГАН ЯХУДИЙЛАР

– «Худди сиздек ва кўринишингиздекни... топганмиз»:

Табароний «Мўъжами Кабир»да Фалтон ибн Осимнинг бундай деганини ривоят қилади:

«Биз Набий ﷺ билан масжидда ўтирган эдик, у зот масжидда юрган бир кишига диққат билан қарадилар ва «Эй фалончи», деб чақирдилар. У «лаббай, эй Аллоҳнинг Росули», деди». Фалтон унинг эй Аллоҳнинг Росули, деганига ҳеч шубҳа йўқлигини таъкидлар экан, сўзида давом этди: «Росулуллоҳ ﷺ Аллоҳнинг Росули эканимга гувоҳлик берасанми?», деб сўрадилар. «Йўқ», деб жавоб қилди. «Таврот ўқийсанми?», деб сўрадилар: «Ҳа, Инжил ҳам», деб жавоб қилди. «Қуръончи?», деб сўрадилар. Киши «Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, истасам албатта уни ҳам ўқийман», деди. Росулуллоҳ шу Тавротни нозил қилган зотга қасам ичиб сўрадилар: «Мени Таврот ва Инжилда хабар берилганимни топдингми?». «Сиздек ва сизнинг кўринишингиздек, сиз туғилган ердан чиқадиган кишини топганман. Биз унинг биз яҳудийлар орасидан чиқишини умид қилардик. Аммо сиз чиққандан сўнг унинг сиз бўлганингиздан ҳайрон бўлиб қолдик, кейин қайта текширдик ва қарасак, у сиз эмас экансиз». Росулуллоҳ «Нега?», деб сўрадилар. У эса, «Ўша пайғамбар билан етмиш минг нафар уммати жаннатга сўроқ-жавобсиз ва азобсиз киради. Аммо сиз билан бирга кишилар озчилик», деди. Шунда Росулуллоҳ ﷺ

«وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَأَنَا هُوَ، وَإِنَّهُمْ لَأُمَّتِي لَأَكْثَرُ مِنْ سَبْعِينَ أَلْفًا وَسَبْعِينَ أَلْفًا»

«Ўша менман ва ўша уммат менинг Умматимдир. Улар етмиш минг ва етмиш мингдан ҳам кўпдирлар», деди.

– **«Биз ўз китобимизда сизнинг сифатингизни ва туғиладиган ерингизни топганмиз»:**

Имом Аҳмад ўзининг «Муснад»ида Абу Сохр Уқайлидан, у бир бадавий кишидан ушбуни ривоят қилади:

«Мен Росулуллоҳ ﷺ нинг замоналарида Мадинага мол олиб келдим. Савдо-сотигимдан бўшаб, «шу киши билан албатта учрашиб, унинг сўзларини эшитганим бўлсин», деган қарорга келдим. Ул зотни мен Абу Бакр билан Умарнинг ўртасида кетаётганларида топдим ва орқаларидан эргашдим. Ниҳоят, улар бир яҳудий кишининг олдига боришди. У Тавротни одамларга кўрсатар ва ундан ўқир, ўзининг ўлим тўшагида ётган ўғлини гапирар, уни энг яхши ва энг чиройли йигит, дея

ўзига тасалли берарди. Росулуллоҳ унга **«Шу Тавротни нозил қилган зотга қасамки, ушбу китобингда менинг сифатим ва туғилган ерим ҳақида бирор нарса топдингми?»**», деб сўрадилар. У бошини чайқаб, «йўқ» ишорасини қилди. Шунда унинг ўғли деди: «Мен, Тавротни нозил қилган зотга қасам ичиб, айтаманки, биз ушбу китобимизда сизнинг сифатингиз ва туғиладиган ерингиз ҳақида топганмиз, деб ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан Росулуллоҳ, дея шаҳодат келтирди». Росулуллоҳ **«Бу сизларнинг биродарингиз бўлди, уни жанозасини яҳудийларнинг ўрнига сизлар адо этинглар»**», дедилар. Сўнг уни кафанлаб, жаноза намози ўқидилар».

– Бани Назирнинг икки саййиди:

Аҳли китобларнинг Росулуллоҳ ﷺни худди ўз фарзандларини танигандек танишгани, аммо очиқ далиллар ва яққол аломатлардан кўз юмиб, ул зотнинг Пайғамбарликларини инкор этганликлари ҳақидаги ҳайратли ҳикоялардан бири Бану Назирнинг икки саййиди ҳақидаги хабардир. Улар Ҳуйай ибн Ахтаб ва унинг акаси Абу Ёсирдир. Бизга бу хабарни мўминлар онаси Сафия Ҳуйай ибн Ахтаб қизи Исломга кирганидан кейин ривоят қилган. Сийрат китобларида мўминлар онаси Сафия Ҳуйай ибн Ахтаб қизи бундай дейди:

«Мен отамга ва амаким Абу Ёсирга жуда суюкли фарзанд эдим. Улар менга рўпара келишса, қўллариди бола бўлса ҳам уни қўйиб мени олишар эди. Росулуллоҳ ﷺ Мадинага келиб, Амр ибн Авф қабиласидаги Қубога тушганларидан сўнг отам Ҳуйай ибн Ахтаб ва амаким Абу Ёсир туни билан уйга келишмади, ҳатто кундуз ўтиб қуёш ботганда келишди. Мен ҳар галгидек олдиларига хурсанд бўлиб чошиб бордим. Бироқ, Аллоҳга қасамки, иккаласи менга қараб ҳам қўйишмади, жуда ғамга ботишганди. Мен уларнинг гапларини эшитдим:

Амаким: «Бу ўша одамми?!».

Отам: «Аллоҳга қасамки, ҳа ўша».

Амаким: «Сен уни танийсанми, аминмисан ўшалигига?!».

Отам: «Ҳа, аминман».

Амаким: «Унга нисбатан ичингда нима бор?!». «Аллоҳга қасамки, адоват».

– Нажрон насронийлари ва дунёга муҳаббат:

Дунёга муҳаббат ва амалпарастлик сабабли ҳақ ўрнига залолат йўлини тутганлар ҳақидаги хабарлардан яна бир воқеа Нажрон делегациясининг Росулуллоҳ ﷺ билан бўлган

муносабатидир. Улар ҳам Росулulloҳнинг Пайғамбарликларини билишган, рисоласини тан олишган эди. Росулulloҳ ﷺ уларга мактуб юбориб, Исломга даъват қилдилар. Уларнинг епископи мактубни ўқиб кўрқиб-титраб кетди. Кейин Нажрон орасидаги фикр аҳлини чақирди ва мактуб билан таништириб, улардан маслаҳат сўради. Натижада, ҳаммаларининг фикри Росулulloҳ ﷺга делегация юборишга тўхтади. Олтмишта отликдан иборат делегациядан ўн тўрттаси зодагонлардан бўлди. Уларга уч кишини раҳбар қилишди: Делегация ноиб, саййиди ва имом-епископи. Ноибнинг исми Абдулмасиҳ бўлиб, Нажроннинг ишончли, фикрли, унинг фикрисиз ҳеч қандай қарор қабул қилинмайдиган маслаҳатчиси эди. Делегация саййиди уларнинг олими, сафар ва жамоанинг раҳбари бўлди. Учинчи раҳбар Абу Бакр ибн Воилнинг акаси Абу Ҳориса ибн Алқамадир. У делегациянинг энг катта епископи ва роҳиби, имоми ва муфаккири бўлди.

Бу Абу Ҳориса Нажронда шараф топиб, уларнинг дини бўйича яхши илм олди. Румликларнинг насроний подшоҳлари Абу Ҳорисани ҳурмат қилиб, қабул қилишди ва унга черковлар қуриб беришди. Уларнинг динлари бўйича олиб борган ўз изланишларини уларга тақдим қилиш билан кўп иззат-икромларига сазовор бўлди.

Делегация Нажрондан Росулulloҳ ﷺ ҳузурига йўлга тушди. Абу Ҳориса Мадина томон ўз хачирига миниб йўлга тушди. Ёнида акаси Караз ибн Алқама йўлдош бўлиб борарди. Шу пайт Абу Ҳорисанинг хачири қоқилиб тушганди акаси «анави бадбахтни деб бўлди», деди ва бу гапи билан Росулulloҳ ﷺни назарда тутди. Шунда Абу Ҳориса «ўзинг бадбахтсан!», деди. «Нега ундай деяпсан, ука?!», деди. «Аллоҳга қасамки, у биз кутаётган пайғамбардир!», деди. Караз унга «бун билар экансан, нега унга эргашмаяпсан?!», деди. Абу Ҳориса бундай деди: «Бу қавм бизга нима қилди? Бизни улуғлаб, эъзозлаб, ўзларига маслаҳатчи қилмадимми? Мен бунга тескари иш қиламанми? Агар бу пайғамбарга эргашадиган бўлсам, мени кўриб турганинг ҳамма мансабдан маҳрум қилишади». Аммо унинг акаси Караз ибн Алқама ичида Исломни яширди ва кейинроқ мусулмон бўлди».

– **Нажрон делегацияси ва лаънатлаш:**

Нажрон насронийларининг ҳайратли-ғалати қилмишлари шундангина иборат эмас. Ибн Исҳоқ айтади:

«Нажрон насронийлари делегацияси Мадинага Росулulloҳ ﷺ нинг олдиларига борганда ул зот масжидда аср намози ўқир эдилар. Улар масжидга киришди, эгниларида роҳиблар кийими-қалпоқ ва чопони бор эди. Росулulloҳ ﷺ нинг асҳобларидан бири «биз улардан кейин улар каби кийинган делегат кўрмадик», деди. Ўшанда делегатларнинг намоз вақти бўлиб қолганди. Улар Росулulloҳ ﷺ нинг масжидларида намоз ўқишга киришишди. Росулulloҳ «Қўйиб беринг, машриққа қараб намозларини ўқиб олишсин», дедилар. Кейин делегатлар билан Росулulloҳ ﷺ ўртасида мулоқот бошланди. Росулulloҳ ﷺ уларни Исломга даъват қилдилар ва Ислом ҳақида ҳужжат-далиллар келтирдилар, ҳамма шубҳаларини кетказдилар. Росулulloҳ икки роҳиб билан гаплашар эканлар, уларга «**иккалангиз Исломни қабул қилинг**», дедилар. Улар «Биз Исломни қабул қилганмиз», дейишди. Росулulloҳ «**Сизлар Исломга кирмагансиз унга киришлар**», дедилар. «Йўқ, биз сиздан олдин Исломга кирганмиз», дейишди. Шунда Росулulloҳ бундай дедилар: «**Ёлғон гапиряписизлар, Аллоҳнинг ўғли бор, деган гапингиз, хочга чўқинишингиз ва чўчка гўшти ейишингиз мусулмон бўлишингиздан тўсмоқда**». Иккиси «унинг отаси ким?», деб сўрашди. Росулulloҳ ﷺ жим бўлдилар ва жавоб бермадилар. Шунда Аллоҳ Таоло Оли Имрон сурасининг саксондан ортиқ оятини уларнинг мана шу гаплари ва ишларининг тескарилиги ҳақида нозил қилди. Шундай қилиб, Аллоҳ Росулulloҳ ﷺ га хабар қилиб, улар ўртасини ажрим қилди, агар бунга унамасалар, ҳар икки томон ҳам ёлғончиларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, деб қасам ичишни буюрди. Шунда улар «Эй Абулқосим, бу ишни ўзимиз ўрганиб чиқишимизга қўйиб беринг. Кейин олдингизга келиб, бу чақирғингизга қандай жавоб қилишимизни айтамыз», дейишди ва ул зотнинг олдидан кетишди. Кейин ноиблари билан холи ўтириб гаплашишди. Фикр соҳиби бўлган ноибдан «Эй Абдулмасих, бунга нима дейсан?!», деб сўрашди. Ноиб бундай деди: Эй насронийлар жамоаси, Муҳаммаднинг юборилган пайғамбар эканини билдингиз, сизга соҳибингиз (Исо) ҳақида ажрим қилинди. Биласизки, бир қавм бирор пайғамбар билан лаънатлашишга борса, уларнинг катталари қолган, кичиклари ўсмаган, агар пайғамбар билан лаънатлашадиган бўлсангиз, илдингиз билан ҳалок бўласиз. Агар динингизга содиқ бўлиш ҳамда соҳибингиз (пайғамбарингиз) ҳақида ўзингиз айтган сўзга риоя қилишдан бошқа нарсани рад этсангизлар, у киши билан хайрлашиб, сўнг юртингизга жўнаб кетинглар.

Улар Набий ﷺ нинг ҳузурларига келиб шундай дейишди: Эй Абул Қосим! Биз сиз билан лаънатлашмасликни, сизни динингизда қолдириб, ўзимиз динимизга қайтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. □

«ШАРЛИ ЭБДО» ПАЙҒАМБАР ﷺ НИ ЯНА ҲАҚОРАТ ҚИЛДИ, ЯНА ИСЛОМ АЙБЛАНДИ

«Шарли Эбдо» журналида Пайғамбар Муҳаммад ﷺ ни таҳқирлаган карикатура нашр этилганига жавобан 2015 йил 7 январда журнал редакциясига ҳужум қилинган эди. Ҳужум натижасида журналнинг бир қатор ходимлари, хавфсизлик хизмати ходимлари ва яҳудийлар дўкони харидорлари ўлган. Ҳужумчиларнинг баъзилари ўлдирилган ва баъзилари қўлга олинган. Ҳужумга алоқадор 14 кишининг суд жараёни бошланиши арафасида «Шарли Эбдо» журнали 2020 йил 2 сентябрда Пайғамбар ﷺ ни таҳқирлаган карикатурани қайта нашр этди. Карикатуранинг қайта нашр этилиши сабабли 2020 йил 25 сентябрда журнал редакцияси ёнида совуқ қурол билан қуролланган 18 ёшли асл келиб чиқиши покистонлик йигит томонидан ҳужум амалга оширилди. Расмий манбаларнинг билдиришича, Париждаги журналнинг собиқ қароргоҳи ёнидаги кўчада совуқ қурол билан қуролланган кишининг ҳужумидан икки киши жароҳат олган ва ҳужумчи ҳамда бир нечта гумонланувчи қўлга олинган. Шундай қилиб, Франция Исломга қарши кампанияни янгиледи ва бу кампанияда «заҳарли ўқ учи» ролини ўйнай бошлади. Франциянинг расмий жавобларида шундай келади: «Президент Макрон «нафрат кўзғовчи» чақириқларни қоралайди. Лекин бу Шарли Эбдо расмларига мос келмаслигини ва «Карикатура расмлар» нафрат кўзғовчи расмлар эмаслигини» – айтади»...

Ички ишлар вазири Жеральд Дарманен, бу ҳужумнинг беш ярим йил олдин сатирик журнал редакциясига қилинган ҳужум ижрочиси шерикларининг суд жараёни билан бир вақтда юз берганини ҳисобга олиб, уни «исломий террорчилик ҳаракати» деб таҳмин қилишини айтади. «Чегара билмас мухбирлар» ташкилоти бош котиби Кристоф Делуар твиттердаги саҳифасида шундай дейди: «Шарли Эбдога қарши ҳужум фотосуратларини яна қайта кўришимиз фожиалидир. Бу – Францияда ва дунёнинг бошқа жойларида барчамизга хавф туғдирадиган зўравонликдир»... Франциялик журналист ва философ Бернар-Анри Леви ўзининг твиттердаги саҳифасида Франция матбуотини расмларни қайта бўлишига (баҳам кўришга) чақириб шундай дейди: «Шарли Эбдо директори ҳақ: Агар бошқа журналлар ҳам карикатура расмларни нашр этса журнал редакциясида ҳеч ким ўлмайди. Бу расмлар – нафақат кулгили бўлани учун, балки, фанатизмдан сақланишда биз таянадиган «коллектив иммунитет» бўлгани учун – баҳам кўрилиши керак. Ҳафталик журнал директори Лоран Рис Суриссо «Биз ҳеч қачон таслим бўлмаймиз» деб ёзди... Газета, журнал, телевизион каналлар ва радио каби юзлаб оммавий ахборот воситалари францияликларни сўз эркинлиги учун оммавий сафарбарликка чақирган очиқ хат нашр этишди.

Ал-Ваъй: Исломга қарши глобал кампаниянинг давом этиб, янгиланишининг сабаби битта бўлиб, у ҳам бўлса, ушбу кампаниядан кўзланган мақсадни амалга оширишда Ғарбнинг муваффақиятсизликка учраганидир. Ислом унга қарши олиб борилаётган ушбу адолатсиз кампаниядан кучлидир. Яқинда Малида тутқунда сақланаётган жойидан озод қилинган Софи Петронен Макроннинг ҳузурда туриб, Исломга кирганини ва исмини Марям деб ўзгартирганини эълон қилди. Ҳолбуки, Макроннинг бир неча кун олдин «Ислом бутун дунёда инқирозни бошдан кечираётган диндир», дея баёнот бериши баҳс-мунозараларга сабаб бўлган эди. Ислом ҳидоят динидир, унга қарши олиб борилаётган кампания адолатсиз ва ифвогарликдир. Бутун дунёда ва ҳатто ўз уйи ичида инқирозни бошдан кечираётган Ислом эмас, балки, илмонийликдир. Бунга Софи Петроненнинг ушбу эълонидан кўра кучлироқ исбот борми?! □

ЭРОН РЕЖИМИНИНГ ОЗАРБАЙЖОН-АРМАН МОЖАРОСИГА НИСБАТАН ТУТГАН ПОЗИЦИЯСИ ЭРОН БИРЛИГИГА ХАВФ СОЛИШИ МУМКИН

Эрон бугунги кунда Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги можародан хавотирда. Эрон ва Озарбайжондаги озарийлар шиа мазҳабиغا мансуб бўлишига қарамай, Эроннинг бу можарога нисбатан тутган тарихий позицияси Озарбайжонга қарши Арманистонни яширинча қўллаб-қувватлашга асосланади. Мамлакатда озарийлар форс миллатидан кейинги иккинчи энг катта жамоани ташкил этади ва уларнинг сони тахминан 28 миллионга етади. Эрондаги озарийлар Озарбайжондаги озарийлардан икки баробарга кўп. Улар жуда катта иқтисодий қудратга ҳамда ҳокимиятда, диний доирада ва Эрон бозорида кенг нуфузга эга. Улар озарбайжонликлар истакларига хайрихоҳ ва арманларга душмандир. Шунингдек, ичкари ва ташқаридаги озарийларни туркий илдизлар бирлаштиради. Эроннинг Арманистонни яширинча қўллаб-қувватлашига сабаб шуки, у Эрондаги озарийларнинг миллий туйғулари аланга олишидан, уларда бўлгинчиликка (сепаратизмга) мойиллик пайдо бўлиб, келажакда Озарбайжонга қўшилиш талаби билан чиқишларидан қўрқмоқда. Туркиянинг озарларнинг туркийларга мансублигидан фойдаланиб можарога кучли аралашиси Эроннинг хавотирларини янада кучайтиради ва уни арманлар томонда туришга ундамоқда. Ушбу можарога нисбатан Эроннинг тутган позициясида ирқчилик томони мазҳабпарастликдан устунлик қилмоқда... Аммо бу позиция уни бутун Эрон халқи олдида танг аҳволга солиб қўйди ва бутун дунёда шиалар масалаларини қўллаб-қувватлашда иккиюзламачилик қилаётганини фош этди. У Эрон жамияти ичида бўлиниш хавфи мавжудлигини ҳис қилди ва бу ҳолат ўз позициясини мунофиқларча ўзгартириб, Арманистонга узоқ вақтлардан бери биринчиси ҳисобланган танқидини йўллашга мажбур қилди.

Бу шуни кўрсатадики, Эрон озарлардан жиддий қўрқмоқда ва агар ҳозирги можарога муносабат билдиришда хатога йўл қўйгудек бўлса, озарлар Эрон тупроғи бирлигига хавф туғдириши мумкин деб ҳисобламоқда. Кўпчилиги озарларни ташкил этган шаҳарларда ва Техроннинг жануби шарқий минтақаларида Эроннинг ушбу можаро олдидаги сиёсатларидан ғазабга келган халқ намоийшларининг бошланиши Эронни очик тарзда ўз позициясини шошилинч равишда ўзгартиришга мажбур қилди. Чунки бу намоийшлар Эрон режими учун огоҳлантириш бўлди. Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, Эроннинг ҳозирги олий раҳнамоси Али Хоманай озар миллатига мансубдир. Лекин у шиа мазҳабиغا хайрихоҳ бўлишдан кўра кўпроқ форс миллатига хайрихоҳдир.

Ал-Ваъй: Эрон форс миллатидан бошлаб, озар, курд ва арабларгача бўлган турли ирқлардан ташкил топган мозайкага (қурамага) асосланади. Агар Америка минтақадаги бошқа давлатларни парчалаганидек, уни парчалашни истаса Эрон бундан омон қолмайди. Эроннинг ташвишлари кўп ва катта, бироқ, бу ташвишлар Аллоҳдан бошқаси учундир. Биз уни ҳар бир нарсадан олдин Парвардигори билан бўлган ҳисоб-китобини қайта кўриб чиқишга чақирамиз. Чунки унинг мусулмонларга қарши «катта шайтон» билан ҳамкорлик қилиши унга бу дунёда мусибат, охиратда эса азоб олиб келади. □